ИОГАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ

821
Г-44



# Ёш Вертернинг изтироблари

• РОМАН •

1 000 000 ададда чоп этилган асар

Johann Wolfgang
von Goethe

# Die Leiden des jungen Werthers

Affäre



Иоганн Вольфганг Гёте

Олмон тилидан
Янглиш Эгамова
таржимаси

Вақт бўлди, Лотта! Мутлако сесканмасдан, хотиржам ва хиссиз бир холатда ўлимнинг муҳиш жилини қоқяпман ...

Вертер



821
Г-44

# Ёш Вертернинг изтироблари

Роман

Иккинчи нашри



- 1351 -

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

„O'QITUVCHI" НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 821.112.2
КБК: 84(4Гер)
Г 44

Юракларни титраттувчи, ларзага солувчи ушбу роман севги ҳақидаги ҳазин қўшиқ кабидир. Покиза қалбнинг яраланган муҳаббати ҳижрон дамларида ёниб-оловланиб, оқибатда, муҳаббат соҳиби – ёш Вертерни хазон қилади. Ҳар сатри севги билан лиммо-лим бўлган, изтиробдан яралган мактублар шаклида роман кўнглингиз тўридан жой олиши аниқ. Шунинг учун ҳам бу асар Гётенинг шоҳ асарларидан бирига айланган.

Ҳамон китобхонларнинг севимли асари бўлмиш севги қиссаси мутолааси сизга муборак бўлсин!

© Таржимон Янглиш Эгамова
© „O'qituvchi" НМИУ, 2018
ISBN 978-9943-22-204-5

*Шўрлик Вертернинг кечинмаларига тегишли нима топишга эришган бўлсам, авайлаб тўпладим ва буни Сизга манзур эта олсам, мендан миннатдор бўларсиз, деб ишонаман. Сиз унинг зукко қалби олдида ҳурмат ва эҳтиром билан бош эгарсиз ҳамда қисматига аччиқ кўз ёши тўкарсиз.*

*Худди шундай кўргиликка дучор бўлган инсон, унинг изтиробларидан сен ҳам паноҳ топ. Агарда ўз айбинг ёки тақдир ҳукми билан ўзингга яқинроқ дўст топа олмасанг, майли, шу китобча сенга ҳамроҳ бўла қолсин.*

## 1771 йилнинг 4 майи

Кетганимдан бирам хурсандманки! Қимматли дўстим, инсон қалби нима деган нарса! Юрагимга ғоят яқин, сендай севикли дўстимни ташлаб кетдим-у, яна бундан мамнунман-а! Биламан, бунинг учун мени кечирасан. Ахир ортиқча шўхликларим ўз-ўзимни чалғитиш учунгина ўйлаб чиқарилмаганмиди? Бечора Леонора! Барибир мен бунда айбдор эмасдим. Опасининг ўзига хос латофатига маҳлиё бўлиб вақт ўтказган пайтларимда шўрлик Леонора қалбида эҳтирос уйғонган бўлса, менда нима айб? Лекин барибир... менинг мутлақо айбим йўқми? Ахир мен унинг ҳисларига эрк бермадимми? Гарчи ноўрин бўлсада, биз гоҳида калака қиладиган энг соф ҳис-туйғулардан юпанмас эдимми? Ахир мен... оҳ, инсон ўз-ўзидан ҳам гина қила олади! Азиз дўстим, сенга ваъда бераманки, мен ўзимни тузатаман, энди аввалги одатимни ташлайман, пешанага ёзилган турли хил кўргиликларни қайта эслаб ўзимни ўзим қийнамайман. Энди бугунги кундан лаззатланаман, ўтмиш эса ўтмиш бўлиб қолаверади. Албатта, ҳақсан, азизим, одамлар, ким билади дейсан, улар нима учун бундай яратилган, ўтмишдаги қора кунларни ҳадеб эслайвермай, бугунги кун ҳаловати билан яшасалар эди, камроқ қийналган бўлур эдилар.

Агар малол келмаса, онамга айтиб қўйсанг, унинг топшириғини бажонидил адо этиб, уни бундан тез орада воқиф қиламан. Холамникида бўлдим, у таъриф этганларидек захар хотин эмас, аксинча, қатъиятли, кўнгли очиқ аёл экан. Мен унга бизга тегадиган мероснинг кечиктирилганлигидан онамнинг ранжиганини айтдим. У хотиржамлик билан, барча шарт-шароитни тушунтириб, шулар бажарилган тақдирда, бизга ўзимиз талаб қилган мол-мулкдан ҳам зиёдроғини беришга рози эканлигини билдирди... Тўғриси, ҳозир бу ҳақда ёзишни мутлақо истамайман, онамга айтиб қўй: ҳаммаси жойида бўлади. Мен эса азизим, бу қуруқ сафсатабозликдан шу нарсага тўла қаноат ҳосил қилдимки, мубҳамлик ва калтафаҳмлик дунёга макр ва адоватдан кўра кўпроқ низо уруғини сочади, ҳар ҳолда кейингилари камроқ учрайди.

Умуман, бу ерда кайфиятим кўнгилдагидек. Танҳолик – бу жаннатмисол ўлкада юрагимга бебаҳо дармон, кўпинча маъюслик чулғаган қалбимни фасллар келинчаги бўлган баҳор сахийлик билан илитади. Ҳар бир дарахт, ҳар бир буток бамисоли гулдастадек туйилади ва хушбўй ҳидлар денгизида сузиш ҳамда улардан лаззатланиш учун капалак бўлиб қолгинг келади.

Шаҳарнинг ўзи унчалик диққатни тортмайди, бироқ унинг гўзал табиатини тасвирлашга сўз топилмайди. Мана шу гўзаллик марҳум граф М... ни бир-бирига ғаройиб тарзда туташиб кетган ҳамда хушманзара водий касб этган тепаликлардан бири устида боғ барпо этишга ундаган. Боғ жуда оддий кўринса-да, унга киришинг ҳамоно бу соҳибкор меҳнатининг маҳсули эмас, балки туйғуларга бой, ўзига ором истаган бир инсон орзусининг рўёби эканлигига ишонч ҳосил қиласан. Унинг мен учун қадрли бўлиб қолган кўҳнагина шийпончасида ўтириб, марҳум хотираси учун бир неча томчи кўз ёши тўкиб олдим. Бу айвонча унинг ҳам севимли жойи эди. Яқинда мен шу боғнинг хўжайини бўламан. Бир неча кун ичидаёқ боғбон менга илтифот билан қарай бошлади ва ўйлайманки, унинг бу илтифоти жавобсиз қолмайди.



## 10 май

Дилни яйратувчи мўъжизакор баҳор субҳидами сингари самовий тетиклик бутун борлиғимни ром этган. Мен тамоман ёлғизман ва ўзимга ўхшаш кишилар учун бунёд этилган бу ўлкада кайф-сафо қиляпман. Шундай бахтлиманки, дўстим, ором оғушига шу қадар сингиб кетганманки, бундан санъатим зарар кўрмоқда. Бирон чизиқ ҳам чизолмаяпман, бироқ мен санъатни ҳеч қачон шу лаҳзалардагидек чуқур ҳис этолмаган эдим.

Кўркам водийдан ҳовур кўтарилиб, тушки қуёш нимқоронги қалин ўрмон устида турган ва якка-ярим нурлари унинг қадам етмас оралиғига ёриб кирган чоғда, мен жўшқин анҳор бўйида, ўсиқ ўтлар устида ётганимча ердаги минглаб ажойиботларга ҳайрат билан боқаман; ўт-ўланлар орасида ғимирлашган митти мавжудотларнинг, сон-саноқсиз қурт-қумурсқаларнинг юрагимга яқинлигини ҳис этаман; бизни шу йўсинда Яратганнинг қудратини, мутлақ ҳузур-ҳаловат оғушига етакловчи Аллоҳ таолонинг ҳозирлигини сезаман. Кўз олдим қоронғилашиб, теварак-атроф ва само ўз тасвирини севгилим қиёфаси сингари қалбимга жо этганида – ўшанда, азизим, мени бир туйғу қамраб олади-да: „Эх, буни ифодалай олсам эдим, юрагимда туғён урган нарсани тўлалигича қоғозга тушира олсам эдим, қалбим мутлақ Тангрининг акси бўлганидек, бу ҳам менинг қалбимнинг акси бўларди!..“ дегим келади. Йўқ, йўқ, дўстим... Бундан ожизман, бу воқеаларнинг сеҳрли улуғворлиги мени мағлуб қилади.

## 12 май

Бу ўлкада алдамчи руҳлар ҳукмронми ёки бутун борлиқни кўзимга бамисоли жаннат қилиб кўрсатаётган хавойи ҳиссиётлар қалбимни эгаллаб олганми, билмайман. Шундоққина шаҳар четида бир булоқ бор, бу булоққа мен худди Мелузина[1] ва унинг сингиллари син-

[1] **Мелузина** – фаранг афсонасидаги ярим аёл, ярим балиқ шаклидаги сув париси. (Тарж.)

гари боғланиб қолганман. Кичик тепаликдан қуйироққа тушсанг, йигирматача зинапоя сени чуқур ғорга бошлаб келади, у ердаги мармар қояда зилол чашма қайнайди. Бу жойни юқоридан ўраб турган пастаккина девор, кўкка бўй чўзган улкан дарахтлар, салқин ҳаво – буларнинг барчасида аллақандай жозибадор ва сирли куч бор! Ҳар куни соатлаб шу ерда ўтираман. Шаҳар қизлари бу ерга келиб сув олиб кетишади, бундай оддий ва зарурий юмушдан ўтмишда, ҳатто шоҳ қизлари ҳам тортинишмаган. У ерда ўтирганимда, патриархал ҳаётга хос тасаввурлар: ота-боболаримизнинг қайлиқлари билан қандай учрашганлари ва кудуқ ёнида никоҳ ўқитганлари ҳамда қудуқлар ва булоқлар атрофида айланишган раҳмдил руҳлар худди ҳозир содир бўлаётгандек кўз олдимда гавдаланади. О, жазирама ёз кунидаги узоқ сайрдан сўнг салқин булоқ бўйида роҳатланиш нималигини ўз бошидан кечирмаган киши буни қаёқдан ҳам билсин?

Мендан, китобларингни юборайми, деб сўрабсан Азизим, Яратган эгам ҳаққи, сендан ўтинаман, улардан мени халос эт! Мени руҳлантиришларини, далда беришларини истамайман; шусиз ҳам юрагим ҳаяжондан холи эмас. Менга ҳазин қўшиқ керак, бу жиҳатдан Гомеримга қиёс топиш мушкул. Кўпинча ўзимдаги беҳад жўшқинликни босишга уринаман: менинг қалбимдек ҳар мақомга тушиб турадиган қалбни кўрмаган бўлсанг керак. Азиз дўстим! Сенга буни айтиб ўтиришнинг ҳожати борми, ахир. Кайфиятимнинг маъюсликдан қизиққонликка, ҳузурбахш хаёлпарастликдан ҳалокатли эҳтиросга ўтиб туришига озмунча тоқат қилганмисан? Мен ўз қалбимни шунинг учун ҳам бемор боладек ардоқлайман; унинг раъйини сўзсиз бажо келтираман. Бу ҳақда гапириб юрма! Шу важдан мени гап-сўз қиладиган ҳам топилади.

### 15 май

Бу ерлик оддий кишилар, айниқса, болалар мени аллақачон таниб, севиб қолишган. Олдинига улар билан яқинлашишга уриниб, дўстона сўз қотганимда, кўп-



лар бу бизни мазах қиляпти, деган фикрда мендан юз ўгириб кетишарди. Лекин бундан умидсизланмадим, балки бир нарсани янада аниқроқ ҳис этдим, буни ўзим кўп вақтдан бери сезиб юргандим: жамиятда кўзга кўринган мавқени эгаллаган кишилар гўё обрўдан айрилиб қолишдан чўчигандек, оддий фуқародан ўзларини четга тортадилар; яна шундай беқарорлар ва ичи қора нусхалар ҳам топиладики, улар ўзларини гўё оддий халққа илтифот кўрсатгандек тутадилар-у, бу билан ўз калондимоғликларини янада кўпроқ намойиш қиладилар.

Бизлар ўзаро тенг эмаслигимиз ва тенг бўлолмаслигимиз мен учун равшан бўлишига қарамай, таъкидлаб айтаманки, фуқаро олдида обрўсизланишдан қўрқиб, ўзини четга тортишни маъқул кўрганлар рақибидан мағлубиятга учрашдан хавфсираб, пусиб ётган қўрқоқдан афзал эмаслар.

Яқинда булоқ бошига борганимда, сув тўла кўзасини пастки зинага қўйиб, чор атрофга қараётган ёш хизматкор қизни кўриб қолдим. Унинг нигоҳи, бирорта дугонам кўриниб қолмасмикин, сувни бошимга олишимга кўмаклашиб юборарди, деган маънони англатарди.

– Ёрдамлашиб юборайми, яхши қиз? – сўрадим ёнига тушиб, у бўлса хижолатдан қип-қизариб:

– Йўғ-е, жаноб, – дея рад этди.

– Ийманманг!

У бошидаги чамбарини тўғрилади ва мен унга кўмаклашиб юбордим. Қиз ташаккур билдирди-да, зинапоядан юқорига чиқиб кетди.

### 17 май

Ҳар хил танишлар орттирдим, аммо ҳали ҳақиқий дўстларимни топганимча йўқ. Одамлар нега мени яхши кўришади, ҳайронман. Кўпларига маъқул бўламан, кўплари менга меҳр қўйиб қолишади, бироқ йўлимиз тезда бошқа-бошқа томонга бурилиб кетишига афсусланаман. Мабодо „У ернинг одамлари қандай?“ деб сўрагудек бўлсанг, „Ҳамма ердагидек“, деб жавоб қайтарган бўлардим.

Одамзоднинг қисмати ҳамма жойда бир хил: тирикчилик ғамида чарчаш нималигини билмай ишлагани ишлаган. Борди-ю, бирозгина бўш вақт топилиб қолса бормми, бекорчиликдан қутулиш учун ўзини қаерга қўйишни билмайди. О, инсонлик бурчи!

Лекин бу ернинг одамлари ғоят дилкаш. Баъзан ғамларимни унутиб, мана шу одамлар билан барча шодликлардан баҳраманд бўлсак, тўкин ясатилган стол атрофида хушчақчақ суҳбат қурсак, сайр ёки рақслар уюштириб, кўнгилхушлик қилсак, ниҳоятда енгил тортиб кетаман. Бироқ бундай пайтларда беҳуда йўқ бўлиб кетаётган бошқа жуда кўп кучлар ҳали қалбимда мавжудлигини, уларни авайлаб сақлашим зарурлигини эсламаслик лозим. Оҳ, бунга кўникиш мушкул!.. Бироқ илож қанча! Тил учида турган гапларимизни ўзаро англатолмаслик – бу бизнинг қисматимиз.

Афсус, ёшликдаги дўстим ўлиб кетди! Нега энди ўша қиз билан танишдим экан-а! „Тентак! Сен аслида Ер юзидан топиб бўлмайдиган нарсани қидиряпсан!“ дегим келади ўз-ўзимга. Аммо у бор эди-ку, мен унинг улкан қалб эгаси эканлигини сезган эдим-ку, у ёнимда бўлса, ўзимни янада етукроқ ҳис этардим, чунки нимага қодир бўлсам, ҳаммасини қилолардим. Марҳаматли Тангрим! Ахир юрагимдаги бор ҳислар жўш урмай қолмасди-ку! Табиат билан ҳамоҳанг бўлиб кетадиган ва қалбимдаги ёқимли туйғуларнинг илҳомчиси ўша қиз эмасмиди? Муносабатларимизда энг нозик ҳис-туйғулар, ўткир фикрлар муштарак бўлиб, уларнинг ҳамма кўринишларига, ҳатто енгилтакликларигача ақл-заковат тамғаси босилган эмасмиди? Энди-чи! Афсуски, у мендан бир неча ёш катта эди ва анча эрта оламдан ўтди. Унинг зукколигини ҳамда фариштадек мулойимлигини зинҳор унутолмайман.

Яқинда Ф... исмли истараси иссиққина, очиқ кўнгил йигит билан танишдим. У эндигина дорилфунунни тамомлаган, ўзини доно ҳисобламаса-да, ҳар ҳолда бошқалардан кўра кўпроқ биламан, деб ўйлайди. Афтидан, у хийла тиришиб ўқиган, хуллас, унинг билимдонлиги шундоққина



сезилиб турибди. У менинг расм чиза олишимни ва юнон тилини билишимни (бу ерда одатдан ташқари бўлган икки ҳол) эшитгач, менга ўзини танитди ва Баттэдан тортиб Вудгача, Пилесдан тортиб Винкелманнгача[1] билиши ҳақида роса мақтанди. „Зулсер назария“сининг биринчи қисмини ўқиб чиққанини ва ўзида антик дунёни ўрганиш бўйича Ҳайненинг кўлёзмаси борлигини айтиб, мени ишонтирди. Бу гапларни маъқуллаб қўя қолдим.

Бундан ташқари, ғоятда олижаноб, оддий ва софдил киши билан – князликнинг амтмани[2] билан ҳам танишдим. Айтишларича, уни тўққизта фарзанди орасида кўрган киши дил-дилдан яйраб кетармиш, айниқса, унинг катта қизини жуда мақташади. У мени уйига таклиф этди, яқин кунларда ўша ёққа бораман. У биздан бир ярим соатлик масофа нарида князликка қарашли овчилар саройида туради. Хотинининг вафотидан кейин ўша жойга кўчиб боришга ижозат олган, чунки шаҳарда, давлатга қарашли уйларда қолиш унинг учун оғир бўлган.

Бундан ташқари, яна бир қанча учига чиққан бефаросатларга ҳам дуч келдимки, сохта қилиқларини, айниқса, ўзларини дўстларча тутишларини асло ҳазм қилолмайсан, киши.

Хайр! Хат муҳимлиги билан сенга ёқар, деб ўйлайман.

### 22 май

Баъзилар инсон ҳаётини тушга қиёслайди, менда ҳам шу туйғу ҳукмрон. Инсондаги барча қобилиятларнинг ҳар томондан чеклаб қўйилганини кузатганимда, унинг барча интилишлари турмуш эҳтиёжларини қондиришга қаратилганини, бу эса аянчли ҳаётимизни тағин ҳам узайтиришдан ўзга нарса эмаслигини кўрганимда ва ниҳоят, бошқа илмий масалалардаги хотиржамлик, ўзлари

[1] **Баттэ, Вуд, Пилес, Винкелманн** – ўша даврнинг машҳур рассомлари. (Тарж.)

[2] **Амтман** – ўртача амалдорлик даражаси. (Тарж.)

қамалиб олган уйларнинг деворларини турли-туман расмлар ҳамда ранг-баранг шакллар билан безаган хаёлпарастларнинг ғариб итоатгўйилигидан ўзга нарса эмаслигини сезганимда... биласанми, Вильгельм, булар мени тилсиз қилиб қўяёзади. Шунда ўз хаёлларимга ғарқ бўлиб, ўзга бир дунё кашф қиламан! Лекин барибир, булар ҳам хаётий, тўлақонли тасаввурдан кўра кўпроқ ноаниқ истаклар ва мавҳум хаёллардир. Шунда ҳамма нарса кўз олдимда жимирлаб айланишади-да, ҳаётни гўё тушдагидек жилмайиб кузатаман.

Болаларнинг ҳамишаниманидир хоҳлаб туришлари сабабини уларнинг ўзлари ҳам билмасликлари ҳақида барча билимдон шахсий ва мактаб муаллимлари бир хил фикрда, аммо катталарнинг ҳам худди болалардек Ер юзида судралиб юришларига, улар ҳам қаёқдан келиб, қаёққа кетаётганларини билмасликларига, аниқ бир мақсадни кўзламай ҳаракат қилишларига ҳамда уларни ширин кулчалар, пироглар ва хипчинлар билан йўлга солиш мумкинлигига ҳеч ким ишонишни истамайди, бироқ менинг назаримда бу шубҳасиздир.

Бу хусусда сенинг фикрингни биламан ва мен ҳам шунга қўшиламан: болаларга ўхшаб беташвиш кун кечирадиган, қўғирчоқларини кийинтириб-ечинтириб, уларга ғамхўрлик қиладиган, [онаси ширинлик яшириб қўйган жавон атрофида хушомадгўйларча айланиб юриб, керакли нарсани қўлга киритгач, уни шоша-пиша еб: „Яна!" деб талаб қиладиганлар энг бахтли кишилардир. Мана шулар бахтли мавжудотлардир.) [Яна ўзларининг арзимас ишларига ва ҳатто интилишларига дабдабали ном бериб, буни инсон зотининг фаровонлиги ва саломатлиги йўлидаги улкан ишлар, деб ҳисобловчиларга ҳам яшаш жуда осон... Шундай бўла олишни билганларга тасанно.) Аммо итоатгўйилиги нимага элтишини тушунган, ҳар қандай бадавлат мешчаннинг ўз боғчасини чаманзорга айлантиришдан завқ олишини кўрган ва ниҳоят, бахтсиз кишининг турмуш машаққатларидан эзилиб, чидам билан йўлда давом этишини ҳамда қуёш нурини ҳеч



бўлмаса бир дақиқагина кўпроқ кўришга ҳамманинг бирдек ташна эканликларини англаб етган кишигина зорланмайди, ўз ҳаётини ўзи яратади ва инсон бўлганлигидан ўзини бахтиёр деб билади. Ҳамда у қанчалик ноилож бўлмасин, озодлик ҳақидаги ширин туйғуларини, истаган пайтида бу зулматдан қутулиб кетиш орзусини қалбида мудом ардоқлайди.

### 26 май

Менинг бирор жимжитгина хилват жойга ўрнашиб олиб, ўша ерда озгина нарсага ҳам қаноат қилиб яшайвериш одатим сенга илгаридан маълум. Бу ерда ҳам шунақа дидимга мос гўшани топиб олдим. Шаҳардан тахминан бир соатлик масофа нарида Валдгейм[1] деган манзил бор. Бу кўркам манзил тепалик ён бағрида ястанган, агар ёлғизоёқ йўлдан қишлоқ томонга юқорилаб борилса, бундан водий кафтдагидек кўзга ташланади. Кексалигига қарамай хийла чаққон, илтифотли ошхона бекаси вино, пиво, қаҳва қуйиб беради. Энг ёқимлиси шуки, иккита ғоят сершох арғувон дарахти чор атрофини деҳқон кулбалари, ҳовлилари ва омборлари ўраб турган черков майдончасига соя солиб туради. Бундай овлоқ жой камдан-кам топилади. Мен ўз стол-стулимни ўша дарахт остига чиқартираман-да, шу ерда ўтириб қаҳва ичаман ҳамда Гомерни мутолаа қиламан. Бир куни қоқ туш пайтида арғувон дарахтлари остига келганимда майдон илк марта бўм-бўш эди. Ҳамма далага ишга кетган, фақатгина тўрт ёшлар чамасидаги болакай тахминан олти ойлик гўдакни тиззасига олганча икки қўллаб шундай бағрига босиб ўтирардики, гўё у гўдак учун ўриндиқ вазифасини ўтарди. Гўдакнинг қоп-қора кўзларидан тийраклиги шундоққина сезилиб турар, бироқ у қимир этмасди. Бу кўриниш мени тўлқинлантириб юборди:

---

[1] **Валдгейм** – у ерда номлари келтирилган жойларни китобхон қидириб овора бўлмасин; жойларнинг ҳақиқий номларини ўзгартириб беришга тўғри келди. (Муаллиф изоҳи.)

уларнинг рўпарасидаги омочга ўтириб олиб, жозибали манзарани берилиб қоғозга кўчирдим. Бунга қўшилиб яна ёнимиздаги четан девор, сарой дарвозаси, бир неча синиқ ғилдираклар – ҳамма нарсани аслида қандай бўлса, худди ўшандай қилиб чиздим, яна бироз қайта ишлагач, қарасам, анча келиштириб, ўзимдан деярли ҳеч нарса қўшмасдан аломат бир нарса чизибман. Бу келгусида ҳам фақат табиатдан илҳом олиб ишлаш ниятимни мустаҳкамлади. Фақат табиатгина бениҳоя бой ва фақат угина буюк санъаткор ярата олади. Ижтимоий тузумни қанча мақтаб гапирсалар, ундаги қонун-қоидалар борасида ҳам шу нарсани айтиш мумкин: жамият қонунлари асосида шаклланган одам қандайдир бемаънилик ва бузуқликка йўл қўймайди, худди шунингдек, маълум қоидалар асосида тўқчиликда тарбия топган кишидан ҳам ярамас қўшни ёки ашаддий жиноятчи чиқмайди. Менга истаганча уқтираверсинлар-у, бироқ қатъий қонун-қоидалар табиатни ҳис этиб, уни ҳаққоний тасвирлаш қобилиятини сўндиради! „Йўқ, бундай эмас! Қатъий қонунлар фақат итоат эттиради, ҳаддидан ошганларни йўлга солдиради ва ҳоказо“, деб уқтирсанг уқтиравер. Азиз дўстим, мендан исбот талаб қиласанми? Бунда ҳам гап худди севги масаласидагидек. Тасаввур қил, ёшгина йигит бир қизга шунчалик боғланиб қолганки, у уззукун вақтини шу ерда ўтказади ва унга чексиз садоқатини ҳар лаҳзада исботлаш учун унга ўзининг бор кучини, қўлидан келган бор имкониятини ишга солади. Шунда аллақайси юқори лавозимдаги бир корчалон келиб, ошиққа дейди: „Яхши йигит! Севиш инсонга хос хусусият, инсондек сева билиш керак! Вақтни шундай сарфлангки, унинг бир қисмини ишга ажратинг, бўш вақтингизни севгилингиз ёнида ўтказинг. Агар ўз зарур эҳтиёжларингиздан ортса, баҳоли қудрат унга бирор нарса тортиқ қилишингиз ҳам мумкин. Ҳамиша эмас, фақат унинг туғилган куни ёки бошқа улуғ айём кунларидагина совға қилинг“. Агар йигит бунга амал қилса, ундан анча бамаъни одам чиқади ва ўзим биринчи бўлиб ҳар қандай бошлиққа ўша йигитни



бирор маҳкамага ишга жойлаб қўйишни маслаҳат бераман, унда унинг севгиси ҳам, агар рассом бўлса, санъати ҳам елга учади. О, дўстларим! Буюк заковат чашмаси нега бунчалик кам тошади, нега тортинчоқ қалбларингиз ўз тўлқинлари билан сизни ларзага солади? Қимматли дўстларим! Негаки, дарёнинг ҳар икки қирғоғида, хавфнинг олдини олиб, шийпонлари, гулпушталари, экинзорларини сув ювиб кетмаслиги учун аввалдан тошқинни қайтарувчи канал ва тўғонлар қуриб қўйган мулоҳазали жаноблар яшайди.

### 27 май

Бундай қарасам, кишиларни таққослашга, жўшқин ваъзхонликка берилиб кетиб, кейин болаларга нима бўлганлигини сенга айтиб беришни унутибман. Ижодий кечинмалар гирдобига ғарқ бўлиб, икки соатлар чамаси омоч устида ўтирдим, кечаги хатимда булар палапартиш баён қилинган. Кечга яқин қўлида сават тутган ёшгина бир аёл ҳалиям қимир этмай ўтирган болаларга яқинлашаркан:

– Баракалла, Филипс! – дея хитоб қилди. У мен билан саломлашди, мен алик олдим-да, улар томон яқинлашиб:

– Бу болалар сизникими? – дея сўрадим. Аёл тасдиқ ишорасини қилди ва болаларнинг каттасига бир бўлак ёғли нон берди, кичигини бўлса қўлига олиб, бутун оналик меҳри билан юзидан ўпди.

– Филипсга кенжатойимизга қараб ўтиришини тайинлаб, ўзим шавла сузиладиган сопол косача, қанд ва оқ нон келтиргани катта ўғлим билан шаҳарга кетгандим. – Буларнинг ҳаммаси очиқ саватда кўриниб турарди. – Мен Гансга (кенжатойнинг исми шундай эди) кечқурунга бир қошиқ шўрва пиширишим керак, – сўзида давом этди аёл, – тўполончи катта ўғлим кеча Филипс билан шовла қирмочини талашиб, косачани синдириб қўйган эди.

– Катта ўғлингиз қаерда? – сўрадим мен.

– Ўтлоқда ғозларни қувлаб юрибди, – деб аёл жавоб бериб улгурмаган ҳам эдики, у чопиб-сакраб етиб келди-

да, укасига ёнғоқ хивичини тутқазди. Аёл билан қилган суҳбатимдан аён бўлишича, у ўқитувчининг қизи экан, эри эса марҳум амакисидан қолган меросни ундириш учун Швейцарияга кетибди.

– Улар эримни алдамоқчи бўлишди, – изоҳлай бошлади аёл, – ҳатто унинг хатига жавоб ҳам қайтаришмади, сўнг ўзи боришга мажбур бўлди. Бирор кор-ҳол юз бермаган бўлсин-да, негадир ундан хат-хабар йўқ.

Аёлнинг ёнидан кетгим келмасди, ниҳоят, болаларнинг ҳар қайсисига бир крейсердан пул улашдим ва „Шўрва билан ейиш учун шаҳардан кичкинтойга булка келтирарсиз“, деб аёлга яна бир крейсер тутқаздим, шу билан биз хайрлашдик.

Агар ҳис-туйғуларим жўш урган бўлса, буни ўз турмушининг тор доирасига итоаткорона кўниккан, топганини у кундан бу кунга зўрға етказадиган, хазонрезгилик бошланганини кўрса, энди қиш келяпти, деган фикрдан бошқасини хаёлига келтирмайдиган инсон намунасигина мени овута олишига ишон, азизим!

Ўшандан буён майдончага тез-тез бориб тураман. Болалар менга тамоман ўрганиб қолишган; агар қаҳва ичсам, қандни уларга қолдираман; кечқурун бутерброд ва қатиқнинг ярмиси уларнинг насибаси бўлади. Якшанба кунлари болаларга бир крейсердан пул улашаман; мабодо ибодатдан кейин ўзим келмасам, уларга бу пулни беришни ошхона бекаси Ордрега тайинлаб қўйганман.

Болалар менга ҳар нарсаларни ишониб айтишаверади, айниқса, уларнинг завқ-шавқ билан ўйнашлари ва қишлоқдаги бошқа болалар ҳам тўпланишгандаги ўйинларини кўриб теримга сиғмай кетаман. Болалар мени ҳечам қийнашмайди, деб онасини ишонтиргунча хуноб бўлдим.

**30 май**

Яқинда сенга рассомлик ҳақида айтган гапларим, шубҳасиз, шеъриятга ҳам тегишлидир. Бунда энг муҳими, керакли нарсани англай билиш ва оз сўзда кўп нарсани



ифодалашга эришишдир. Бугун шундай бир манзарани томоша қилдимки, агар уни асли ҳолича тасвирласа, дунёдаги энг гўзал идиллия[1] юзага келади. Аммо бу ерда поэзия, идиллия, манзаранинг нима кераги бор? Табиатнинг бирор кўринишини тасвирламоқчи бўлсак, албатта унга бирор нарсани тиркаш шартми?

Агар бундай муқаддимадан кейин қандайдир кўтаринки руҳдаги бирор нарса кутаётган бўлсанг, яна қаттиқ алданасан; бундай тўлқинланишимнинг сабабчиси бир деҳқон йигитча, холос. Мен одатимдек ёмон ҳикоя қиламан, сен эса ҳар галгидек, мени муболаға қиляпти, деб ўйлайсан. Бу ажойиботларнинг макони – Валдгейм ва яна ўша Валдгеймдир.

Арғувон дарахтлари остига бир тўда одамлар қаҳва ичгани тўпланишган. Улар дидимга унчалик мос келмаганликларидан у-бу важ-қарсон кўрсатиб улардан ўзимни чеккага тортдим.

Бир деҳқон йигити қўшни уйдан чиқди-да, мен яқиндагина суратини чизган омочнинг қаеринидир тузатишга киришди. Йигитча кўринишидан менга ёқиб қолди, уни гапга сола бошладим, ҳол-аҳволини сўрадим; биз у билан тезда танишиб олдик, ҳатто сирдош ҳам бўлиб қолдик, ҳамиша шу тахлит кишилар менга жуда тез ёқиб қолишади. У бир бева аёлникида хизмат қилишини ва у аёл билан муносабатлари яхши эканлигини айтиб берди. Ўша аёл ҳақида шунчалик кўп нарса гапирдики, уни шу қадар таърифладики, йигитчанинг аёлга бутун борлиғи-ла содиқлигини англадим. Гапларига қараганда, аёл айтарли ёш эмас, биринчи эридан оғзи куйган, натижада у ортиқ турмушга чиқишни истамайди, йигитчанинг ҳикоясидан шу нарса яққол сезилдики, унинг учун гўзалликда, ёқимлиликда бу аёлдан ўтадигани оламда йўқ. Жувоннинг розилиги бўлса бас, кўз очиб кўрган эрининг қилғиликларини аёл хотирасидан ўчиришга бу йи-

[1] **Идиллия** – табиат қучоғидаги осойишта ҳаётни тасвирлайдиган шеърий асар. (Тарж.)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

гит қодир ва жон деб аёлнинг жуфти ҳалоли бўлишни истайди, лекин ундаги ҳис-туйғулар, муҳаббат ва садоқатининг нақадар самимийлигини сенга исботлаб бериш учун дил розларини сўзма-сўз такрорлашим лозим бўлади. Ҳа, унинг жозибадор чеҳраси, мусиқий овози ва кўзларидаги ажиб ёлқинни айнан ифодалай билиш учун буюк шоир истеъдоди ҳам ожизлик қилади. Йўқ, унинг бутун вужудида акс этган покликни ҳеч қандай сўз билан изҳор этиб бўлмайди; менинг ёзганларим эса бир-бирига қовушмайди. Аёлга бўлган муносабатини нотўғри тушунишим ва аёлнинг хатти-ҳаракатидаги софликка шубҳа билан қарашим мумкин, деган фикрдан йигитчанинг хавотирланиши менга беҳад таъсир этди. Аёлнинг қиёфаси ёшлик латофатидан маҳрум бўлса-да, йигит учун барибир жозибали туйилувчи кўриниши ҳақида тўлиб-тошиб гапиришини фақат менгина юракдан ҳис эта олишим мумкин. Бунчалар қайноқ меҳр-муҳаббат ва эҳтиросли интилишни мана шундай соф ҳолда сира-сира кўрмаган, ҳа, рост айтяпман, ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эдим. Ундаги баодоблик ва самимиятни эслаганда ич-ичимдан ҳаяжонга келишимга, мана шундай биллурдек севги рамзи ҳамма жойда ортимдан эргашиб юриши, ўзим эса унинг алангасида куйиб, кул бўлишимга олдингда иқрор бўлсам, мени койима.

Ўша аёлни тезроқ кўришга ҳаракат қиламан, йўқ, бундоқ ўйлаб қарасам, яхшиси кўрмаганим маъқулроқ. Уни ошиғининг кўзи билан кузатганим афзал, балки у менинг кўзларимга ҳозир тасаввур қилаётганимдек бўлиб кўринмас; ажойиб тасаввурни бузиб нима қиламан?

**16 июнь**

Сенга нима сабабдан ёзмаётганимни сўрабсан. Шуни ҳам билмайсанми? Яна олим эмиш! Соғ-саломат эканлигимни ўзинг фаҳмлашинг керак эди, яъни... қисқаси, биров билан танишганлигим қалбимда туғён кўтармоқда... Билмадим... нима бўляпти ўзи.



TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI 1-FILIALI

Дунёдаги энг зебо қизлардан бири билан қай тахлит танишганимни сенга батафсил ҳикоя қилиб бериш қўлимдан келмаса керак. Шундай мамнун ва бахтлиманки, буни ифодалашга қаламим ожиз.

Фаришта!... Ҳа!... Ҳа. Дарвоқе, ўз севгилисини ҳар ким ҳам шундай деб атайди, тўғрими? Ундаги бекаму кўстликни ва унинг нега шундайлигини сенга айтиб беришдан ожизман, хуллас, у бутун ўй-хаёлимни ром этган.

Самимияту зукколик, софдиллик ва қатъиятлик, руҳий сокинлик ва эпчиллик шу қадар ҳам уйғунлашиб кетадими?

Ёзаётганларимнинг ҳаммаси, унга хос бўлган бирорта фазилатни ифодалаб беролмайдиган беҳуда ва мавҳум сафсаталардир. Бошқа пайт... йўқ, бошқа пайт эмас, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаммасини сенга айтиб бермоқчиман. Агар ҳозир айтмасам, бошқа вақт бунинг уддасидан мутлақо чиқолмасам керак. Ўзингдан қолар гап йўқ, ёза бошлаганимдан буён менда уч бор қўлимдаги ручкани қўйиб, отни эгарлатсам-да, ўша ёққа йўртиб кетсам, деган фикр туғилди. Лекин бормайман, деб эрталабданоқ аҳд қилганимга қарамай, барибир, ҳар дақиқада дераза олдига бориб, қуёш ботишини сабрсизлик билан кузата бошлайман.

Аммо тоқатим тоқ бўлиб кетди-да, унинг ҳузурига отландим...

Вилҳелм, яна кулбамдаман, энди бутерброд билан кечлик қилиб, сенга мактуб битяпман. Уни ёқимтой ва тетик болакайлар – саккизта ука-сингиллари ...врасида кўриш мени беҳад тўлқинлантириб юборади

Агар шу тахлит давом этаверсам, ох...
бирор нарсани илғаб олишинг амри маҳ...
воқеани ипидан-игнасигача баён қилиб б...
қиламан.

Яқинда сенга амтман С... билан ...дан
у мени манзилгоҳига ёки тўғрироғи ...ичкин-
ташриф буюришга таклиф этгани ...дек Софи-

боla сарb

ташрифни кейинга сургандим, агар бир тасодиф сабаб бўлиб, бу кимсасиз жойда яширинган оханрабодан хабар топмаганимда, балки у ерга сира бормаган бўлардим.

Ёшларимиз шаҳар ташқарисида базм ташкил қилишди, мен ҳам унда бажонидил иштирок этдим. Шу ерлик яхшигина, истараси иссиқ, умуман олганда, унча кўзга ташланмайдиган бир қизни балга боришга таклиф қилдим. Келишувга кўра, мен шу қиз ва унинг жиянини фойтунда базм бўлаётган жойга элтишим, йўл-йўлакай Шарлотта С... ни ҳам олиб ўтишим лозим эди. Биз ҳайдалган кенг дала бўйлаб овчилар саройига яқинлашарканмиз:

– Ҳозир гўзал бир қиз билан танишасиз, – деди ҳамроҳим.

– Эҳтиёт бўлинг, тағин севиб қолманг! – қўшиб қўйди жияни.

– Нега энди? – сўрадим мен.

– У олижаноб бир кишига унаштириб қўйилган, – деди у, – ҳозир у киши бу ерда эмас, отаси вафот этгач, ишларини тартибга келтириш ва тузукроқ мансабга ўрнашиш учун кетган.

Бу гапларга деярли аҳамият бермадим.

Биз дарвоза олдида тўхтаганимизда қуёш ҳали тоғ ортига яшириниб улгурмаган эди. Ҳаво анча дим, уфқда оч қўнғир тусдаги йирик булутлар тўпланаётганидан момақалдироқ бўлмаса эди, деб хонимлар ташвишланишарди. Ўзим ҳам базм бузилишидан хавотирланаётган бўлсам-да, ёлғондакам илмий далиллар билан уларнинг қўрқувини босишга уринардим.

Мен фойтундан тушдим, дарвозани очган хизматкор қиз, мадемуазель Лотхен тайёр бўлгунича бирпасгина кутиб туришимизни илтимос қилди. Ҳовлидан ўтиб, шинамгина уйга яқинлашдим ва зинапоялардан кўтарилиб эшик остонасига қадам қўйганимда, кўз ўнгимда аввал ҳам кўришга муяссар бўлганим ғоятда жозибадор бир манзара намоён бўлди.

Даҳлизда икки ёшдан ўн бир ёшгача бўлган олти бола сарвқомат, ўрта бўйли, енги ва кўкрагига пушти



ранг бант қадалган одмигина оқ кўйлак кийган қиз атрофида гирдикапалак бўлишарди: у қўлидаги қора нондан укаларининг ҳар бирига ёши ва иштаҳаларига қараб шундай меҳрибонлик билан бўлиб берардики, опаси нонни кесиб бўлгунча болалар жажжи қўлчаларини юқорига чўзиб, унга миннатдорлик билдиришар, ўз улушини олганидан қувонганча сакраб-сакраб, баъзи ювошроқлари эса аста-секин юриб, нотаниш одамларни ва ўзларининг Лотталари миниб кетадиган фойтунни томоша қилиш учун дарвоза томон кетишарди.

– Узр, Сизни овора қилиб, хонимларни куттириб қўйдим, – деди у, – ўзим йўқлигимда бажариладиган айрим топшириқларни бериш, кийиниш билан бўлиб, болаларни овқатлантиришни унутибман, улар мендан бошқа киши қўлидан нон олишни истамайдилар.

Мен унга бир нима деб мулозамат қилдим, ўзим эса унинг қомати, товуши, ўзини тутишидан лол эдим. У қўлқопи ва елпиғичини олиб чиққани қўшни хонага югуриб кириб кетганида, ногаҳоний ҳодисадан ўзимга келишга аранг улгурдим. Болалар бир четда мени зимдан кузатиб туришарди, уларнинг энг кичиги – ёқимтойгина болага яқинлашдим. У энди четланмоқчи бўлган ҳам эдики, ичкаридан Лотта чиқиб келди ва:

– Луи, амакингга қўлингни бер! – деди.

Бола шу заҳоти унинг айтганини қилди, мен ўзимни тутолмадим ва бурни оқиб турганига қарамасдан унинг юзидан ўпиб олдим.

– „Амакингга“ дейсизми? – сўрадим қизга қўлимни узатарканман. – мени ўзингизга қариндош бўлишга лойиқ, деб ҳисоблайсизми?

– Эҳ-хе, бизнинг қариндошларимиз жуда кўп, – деди у шўх табассум билан. – Сизни улардан кам деб ўйламайман.

У кетаётиб ўн бир ёшлардаги энг катта синглиси Софига болаларга албатта эҳтиёт бўлишни ва сайрдан қайтганида отасига салом айтишни тайинлади. Кичкинтойларга эса худди ўзи бўлган пайтлардагидек Софи-

-нинг сўзидан чиқмасликни буюрди, ҳаммалари унга астойдил ваъда беришди. Фақатгина сарғиш сочли, олти ёшлардаги маҳмадона қизча эътироз билдирди:

– Йўқ, Лотхен, барибир эмас, биз сени кўпроқ яхши кўрамиз.

Болаларнинг иккита каттароғи фойтуннинг орқасига чиқиб олишди ва менинг илтимосим билан Лотта уларга агар ўзаро урушмасликка ҳамда маҳкам ушлаб ўтиришга сўз беришса, ўрмонгача миниб боришга ижозат берди.

Биз ҳали жойлашиб, хонимлар саломлашиб, бир-бирларининг кийимларини, шляпаларини, айниқса, базмга келадиганларни батафсил муҳокама қилиб ҳам улгурмаган эдиларки, хийла жойга бориб қолибмиз, шунда Лотта кучерни тўхтатиб, укаларини фойтундан туширди, хайрлашиш олдидан иккаласи ҳам опасининг қўлини ўпишди – каттаси ўн беш ёшли болаларга хос назокат билан, кичиги эса анча шошқалоқлик билан ўпди. Лотта укаларига яна бир марта салом айтиб қўйишни тайинлади ва биз жўнаб кетдик.

Ҳамроҳимнинг жияни Лоттадан яқинда ўзи юборган китобни ўқиган-ўқимаганини сўради.

– Йўқ, – жавоб берди Лотта, – у менга ёқмади, қайтиб ола қолинг. Аввалгиси ҳам шунақа эди.

Буларнинг қанақа китоб эканлигини сўраб, унинг жавобидан ҳайратда қолдим...[1]

Унинг мулоҳазаларида ўзига хос мустақиллик, ҳар бир сўзида жозиба, латофатли чеҳрасида руҳий кўтаринкилик равшан сезилиб турарди, чунки мен уни тушунаётганлигим унга аён эди.

– Ёшлигимда, айниқса, роман ўқишни яхши кўрардим, – деди у, – якшанба кунлари бир бурчакка ўтириб

---

[1] Биророта қизнинг ёки биророта ёш, енгилтак йигитнинг хулосаси деярли ҳеч бир ёзувчи учун аҳамиятли бўлмасада, салгина бўлса ҳам ранжишга сабаб туғилмасин учун хатнинг шу жойини қисқартиришни лозим топамиз. (Муаллиф изоҳи.)



олиб, қандайдир мисс Женни[1] қувончи ва изтиробларига шерик бўлиш менга нечоғлик ҳузур бахш этганлигига биргина Худонинг ўзи шоҳид. Очиғини айтсам, шу одат мени ҳануз тарк этмаган. Бироқ камдан-кам ҳолларда, шунда ҳам дидимга жуда мос келсагина бирор китобни қўлга оламан. Мени шундай ёзувчи мафтун қиладики, токи унинг асарларида ўз дунёмни ва атрофимда кечаётганга ўхшаш воқеаларни кўра олай, ҳикоялари мени ўз уйимдаги ҳаётимдек тўлқинлантирсин ва ҳаяжонга солсин. Бу ҳаёт жаннатмисол бўлмаса-да, ҳар қалай мен учун бениҳоя ҳузур-ҳаловат манбаидир.

Бу сўзлардан кейин ўз қалб туғёнимни яширишга интилардим. Бу ҳол у қадар узоқ чўзилмади, чунки Лотта гап орасида „Векфилд руҳонийси“[2], ... ҳақида[3] очиқдан-очиқ гапирганида чидаб туролмадим ва кўнглимдан нима кечган бўлса, ҳаммасини тўкиб солдим. Лотта бошқаларга сўз қотгандан кейингина, уларнинг ҳаммаси гўё бизнинг сўзларимизни эшитмагандек парвойи фалак ўтирганларини сездим. Ҳамроҳимнинг жияни менга бир неча марта масхараомуз бурнини жийириб қаради, бу мен учун аҳамиятсиз эди.

Суҳбатнинг давоми рақс тушишнинг гашти ҳақида борди.

– Бундай эҳтиросни қораласалар ҳам майли, – деди Лотта, – лекин рақс тушишни ҳамма нарсадан устун қўйишимни яширмайман. Агар бирор нарсадан кайфиятим бузилса, сози бузуқ роялимда контрдансни даңғиллатсам бас, ҳаммаси бир зумда ўтади-кетади.

---

[1] **Мисс Женни** – немис ёзувчиси Гербеснинг „Мисс Фанни Вилкес тарихи“ китобининг қаҳрамони (1766). (Тарж.)

[2] **„Векфилд руҳонийси“** – инглиз ёзувчиси Оливер Голдсмит асари (1766). (Тарж.)

[3] Бу ерда ҳам бир неча ватандош ёзувчиларнинг номлари тушириб қолдирилди. Лотта мақтаган одам, албатта, китобнинг шу жойини ўқиса, ўзи сезади, бошқаларга буни билишнинг аҳамияти йўқ. (Муаллиф изоҳи.)

Суҳбат давомида унинг тим қора кўзларига шу қадар ҳавас билан тикилдимки! Унинг роҳатбахш лаблари, тиниқ ва хушрўй чеҳраси бутун борлиғимни шу қадар ўзига ром этган эдики! Гапларининг чуқур мазмунига маҳлиё бўлиб, гоҳо унинг сўзларини айнан эшитмасдим!.. Бу ҳолатимни аниқ тасаввур қила оларсан, негаки, сен мени яхши биласан. Хуллас, базм бўладиган уй олдида тўхтаганимизда, фойтундан худди туш кўраётган одамдек тушдим ва кечки қоронғилик чўкаётган далаларга тикилганча шу қадар хаёл дарёсига ботибманки, ҳатто ёп-ёруғ залдан эшитилаётган куй ҳам қулоғимга кирмасди.

Лотта ва ҳамроҳим жиянининг рақсдаги жуфтлари Аудран ва қандайдир Н... Н... (исмларнинг барчаси ёдда қолармиди!) исмли икки жаноб бизни фойтун ёнида кутиб олиб, ўз хонимларини қўлтиқлаб олишди, мен ҳам ўзимникини юқорига бошладим.

Биз менуэт[1]га тушиб, чир айланишардик, бир хонимни қўйиб, иккинчисини таклиф қилардим, аксига олгандек энг уқувсизлари ўйинни бас қилишга ва миннатдорлик билдиришга шошилишмасди. Лотта ўз ҳамроҳи билан инглизча рақсга туша бошлади. Унинг биз билан бир даврада айланиши мен учун қанчалик гаштли бўлганини тасаввур қила оларсан! Уни рақс тушаётганда томоша қилсанг! Бутун фикри-зикри билан ўйинга берилиб кетади, барча ҳаракатлари шу қадар эркин, бежирим, шу қадар табиийки, гўё рақс учун у бутун оламдан воз кечган, шундан бошқа нарсани ҳис этмаётгандек туйиларди.

Мен уни иккинчи контрдансга таклиф қилдим; у учинчисига тушишга ваъда берди ва немисча вальсни жуда-жуда яхши кўришини ниҳоятда очиқ кўнгиллик билан изҳор қилди.

---

[1] Французча менуэт, инглизча рақс , (контрданс – оммавий ўйин), немисча вальс – ўша даврда кенг расм бўлган рақслар. (Тарж.)



– Бизда шу нарса одат бўлганки, – давом этди у, – ҳар бир жуфт немисча вальсга бирга тушиши керак. Лекин менинг ҳамроҳим вальсга жуда ёмон тушади, агар мен уни бу азобдан қутқазсам, у мендан миннатдор бўлади. Сизнинг хонимингиз ҳам уста эмас, бунинг устига вальсга тушишни ёқтирмайди. Сиз вальсга яхши тушаркансиз, мен буни инглизча рақс пайти сездим. Агар немисча вальсга мен билан тушишни истасангиз, менинг ҳамроҳимдан бориб рухсат сўранг, мен эса сизнинг хонимингиздан рухсат олай.

Мен рози бўлдим, шу орада унинг ҳамроҳи менинг ҳамроҳимни зериктирмай туради, деган қарорга келдик.

Ўйин бошланди ва биз бир зум турли хилда бирбирига чирмашган қўлларга завқ билан тикилиб қолдик. У шу қадар жозибали, енгил айланардики! Ҳамма жуфтлар вальсга айлана бошлаганда давра алғов-далғов бўлиб кетди, чунки ҳамма ҳам яхши айлана олмайди-да. Бошқаларининг роса хумордан чиқишларини сабр қилиб кутдик, ниҳоят, энг уқувсизлари даврани бўшатгач, яна бошқа бир жуфт – Одран ва унинг ҳамроҳи билан биргаликда тушиб кўнгилдагидек ўйнадик. Мен ҳеч қачон бунчалик енгил айланмаган эдим. Ўзлигимни ҳис этмасдим. Ўз қўлингда энг дилбар вужудни тутиб, борлиқни унутганча, у билан парвонадек айланиш ва... иқрор бўлайки, Вильгельм, мен севган ёки менга унаштирилган қизнинг бирорта бошқа киши билан бирга вальсга тушишига зинҳор йўл қўймайман, дея хаёлан қасамёд қилдим. Албатта, сен мени тушунасан!

Бироз нафасни ростлаб олиш учун зал бўйлаб у ёқ-бу ёққа юрдик. Кейин у ўтирди, мен зўр-базўр топиб келган апельсинларни еб, анча дадиллашдик. Лоттанинг ҳурмат юзасидан андишасиз қўшнисига апельсиндан кетма-кет бўлиб беришидан юрагимга пичоқ санчилгандек бўларди.

Инглизча рақсга учинчи марта тушганимизда, биз қаторда иккинчи ўринда эдик. Унинг қўлларини тасвирлаб бўлмас роҳат билан тутиб, энг самимий ва беғубор ҳис-туйғулар ёғилиб турган кўзларига тикилганим ҳолда

ракеда қатор бўйлаб айланарканмиз, бундан олдинроқ ҳам чеҳрасидан кексаларга хос ёқимли бир ифода билан диққатимни ўзига тортган аёлга ёндашдик. У Лоттага кулимсираб қаради-да, бармоғи билан пўписа қилган бўлди ва ёнимиздан ўтаётиб икки марта маъноdor қилиб Альберт исмини такрорлади.

– Агар малол келмаса, Альбертнинг кимлигини айтолмайсизми? – сўрадим мен Лоттадан.

У энди жавоб беришга шайланган ҳам эди, саккиз кишилик қатор ясаш учун ажралишимизга тўғри келиб қолди, биз ўйинда қайта дуч келганимизда унинг чеҳраси ўйчан тус олганини сездим.

– Сиздан яшириб ҳам нима қилдим? – деди у променада[1] учун менга қўлини узатаркан, – Альберт олижаноб бир одам, мен унга унаштириб қўйилганман.

Бу янгилик эмасди (хонимлар йўлда бу ҳақда менга гапиришган эди), бироқ ҳозир янгиликдек туйилди, чунки бу гап менга бирпасда яқин бўлиб қолган Лоттага тегишли, деган фикрга кўниколмасдим. Хуллас, ўзимни йўқотиб қўйдим, жуфтларни аралаштириб юбордим, натижада ўйиндаги тартиб мутлақо бузилиб кетди. Лоттанинг ҳушёрлиги ва чаққонлиги туфайлигина ўйинда қайтадан тартиб ўрнатилди.

Анчадан буён уфқда яраклаётган чақмоқ ўйин тамом бўлмасданоқ, янада кучая бошлади, мен уни шуъла деб бошқаларни ишонтирмоқчи бўлардим. Момақалдироқ мусиқа овозини босиб кетди. Учта хоним қатордан чиқиб кетди, ҳамроҳлари уларга эргашишди; ҳамма аралаш-қуралаш бўлиб кетди, мусиқа ҳам тинди. Агар бахтсизлик ёки бирор кўнгилсиз воқеа хурсандчилик пайтида юз берса, у янада кучлироқ таъсир этиши табиий, чунки биринчидан, бундай пайтларда қарама-қаршиликни, айниқса, кўпроқ ҳис этамиз, иккинчидан, ҳисларимиз янада ўткирлашган бўлади ва дарҳол туйғуларга берилиб

---

[1] **Променада** – бундай ўйин иштирокчилари қўл ушлашиб, марш садоси остида зал бўйлаб оддий қадам ташлаб юрадилар. (Тарж.)



кетамиз. Баъзи аёлларнинг бемаъни қилиқларига сабаб қилиб шуларни кўрсатишимиз мумкин. Энг ақллиси деразага орқасини ўгирганча ҳолда бурчакка ўтириб, қулоқларини маҳкам беркитиб олди. Бошқаси унинг олдида чўкка тушиб, бошини биринчисининг кўйлагига яширди. Учинчиси орқасига суқилиб, синглисини бағрига босганича, кўз ёши тўкарди. Бир нечтаси уйга жўнаб қолди; бошқалари ўзларини йўқотиб қўйишганди. Худо шаънига маъсум аламдийдаларнинг лабларидан отилиб чиқаётган аянчли ёлворишларни гўёки тутиб қолишга уринган ёш, шўх йигитларимизнинг қўполликларини тийиб қўйишга уларда далиллик етишмасди.

Эркакларнинг баъзилари тинчгина чекиб олиш учун пастга тушиб кетишди; бошқа меҳмонлар эса дарчали деразасига парда тутилган хонага ўтишга ундаган ҳовли бекасининг илтифотини жон деб қабул қилишди. У ерга тўпланиб улгурмасимизданоқ, Лотта стулларни доира шаклида териб чиқа бошлади ва ҳамма ўтиргач, бирор ўйин бошлашни таклиф қилди.

Баъзиларнинг яхшироқ фант умидида тамшаниб бўйинларини чўзишаётганини кўрдим.

– Санаш ўйнаймиз, – деди у, – диққат! Мен давра бўйлаб ўнгдан чапга қараб айланаман, сизлар эса навбати билан кетма-кет санайсизлар; жуда тез санаш керак, борди-ю бирор киши тутилиб қолса ёки адашса, бир шапалоқ еади, шу тарзда минггача санаймиз.

Ўйин анча қизиқ кўринарди. У қўлини юқори кўтариб давра бўйлаб айлана бошлади. Биринчи киши „бир“ деди, унинг қўшниси „икки“, учинчиси „уч“ деди ва ҳоказо. У борган сари жадалроқ юра бошлади; биттаси адашиб қолди – шап! – бир шапалоқ! – кулгидан иккинчиси адашди – шап! – иккинчи шапалоқ. Лотта бўлса, яна ҳам тез айланарди. Мен икки шапалоқ едим ва у мени бошқаларга нисбатан қаттиқроқ урганини ички бир қувонч билан ҳис қилдим. Санаш минггача етмасдан ўйин умумий кулги ва қий-чув билан тугади. Ҳар ким ўз таниши билан тўда-тўда бўлиб ажралиб кетди, момақалдироқ босилди. Лотта ортидан залга кирдим.

– Шапалоқ ейиш билан овора бўлиб дунёдаги ҳамма нарсани, ёмғирни ҳам унутишди, – деди у йўлакай.

Бунга жавобан ҳеч нарса деёлмадим.

– Ҳаммадан кўпроқ ўзим қўрқувдим, – давом этди у, – бошқаларни руҳлантириш учун ўзимни дадил тутдим, қарасам, ўзим ҳам руҳланиб кетибман.

Дераза олдига бордик. Қаердадир момақалдироқ гулдуради, ҳузурбахш ёмғир томчилар, руҳни жонлантирувчи бўйига тўла илиқ ҳаво уфурарди. Лотта дераза токчасига тирсаги билан суянганча атрофни кузатарди, у аввал осмонга, сўнгра менга қаради, кўзлари жиққа ёш эди; қўлини менинг қўлим устига қўйди-да: „Клопшток!"[1] – деди. Шу заҳоти Лоттанинг хаёлига келган машҳур қасидани эсладим ва шу сўз билан уйғотган ҳистуйғулар денгизига ғарқ бўлдим. Ўзимни тутолмадим, кўзларимда қувонч ёшлари билан энгашдим-да, қўлини ўпдим. Яна кўзларига тикилдим... Олижаноб инсон! Сенга бу кўзлардаги илоҳий ёлқинни кўришни, менга эса кишини таҳқирловчи оғизлардан умрбод сенинг номингни эшитмасликни насиб этсин.

### 19 июнь

Ўтган дафъа ҳикоямнинг қаерида тўхтаб қолганимни эслаёлмайман. Уйқуга чўзилганимда тун соат икки эди. Фақат шу нарса ёдимда, холос. Агар ўшанда ёзиш ўрнига гап сотганимда эди, балки сени тонг отгунча ушлаб ўтирган бўлармидим.

Балдан қайтишда нималар бўлганини ҳали сенга айтиб берганим йўқ, мана бугун ҳам бунга қўл тегмайди.

Қуёш уфқдан бош кўтараётган пайт эди. Ёмғирда чўмилган ўрмон ва яшнаган дала атрофимизни қуршаган. Ҳамроҳларимиз мудрашарди.

---

[1] **Клопшток** (1724–1803) – Гётенинг ёшлик йилларида анча машҳур бўлган олмон шоири. Унинг „Баҳор байрами" қасидасига ишора қилиняпти. (Тарж.)



– Сиз ҳам шулардан ўрнак олмайсизми? – сўради у мендан, – тортинманг, – қўшиб қўйди яна.

– Бу кўзлар чарақлаб турар экан, мени уйқу элитолмайди, – дедим кўзларига қаттиқ тикиларканман.

Биз уларнинг дарвозаларига етгунча сергак келдик, хизматкор қиз дарвозани секин очди ва Лоттанинг саволларига жавобан отаси ҳамда укаларининг саломатликлари, ҳозир ҳаммаларининг уйқуда эканликларини маълум қилди. Хайрлашарканмиз, ундан ўша куниёқ тағин кўришишга ижозат сўрадим, у розилик билдирди ва мен келдим. Қуёш, ой ва юлдузлар аввалгидек ўз йўлларида айланаётган бўлишлари мумкин, бироқ мен, шундан буён қачон тун, қачон кундуз эканлигини – умуман атрофимдаги ҳеч нарсани пайқамайман...

### 21 июнь

Мен, Тангри севган бандаларигагина раво кўрадиган бахтли кунларни кечиряпман; нима бўлганда ҳам дунё қувончларини, шунда ҳам асл маънодаги қувончларни тотмадим, деб айтишга ҳаққим йўқ... Сен Валдгеймни кўз олдингга келтирарсан; деярли бутун куним шу ерда ўтади, бу ердан Лотта ёнигача ярим соатлик йўл. Унинг ҳузурида мен ўзлигимни ва инсон учун ато этилган бутун бахтни ҳис этаман.

Мен Валдгеймни сайлгоҳликка танлаганимда, уни само бағрига шунчалик яқин, деб ўйламагандим! Узоқ сайр қилган пайтларимда, ҳамма орзуларим макони бўлган овчилар саройини гоҳ чўққидан, гоҳ дарё бўйидаги текисликдан туриб юз марталаб кузатгандирман!

Қимматли Вильгельм! Инсонда дунёни кезиш, янги кашфиётлар қилиш ва кенг бўшлиқлар оғушига интилиш истаги нақадар кучли-я! Шу ҳақда кўп ўйга толаман. Аммо шу билан бирга, бизда ўзимизни ихтиёрий чегаралашга томон ички бир интилиш ҳисси яшайдики, атрофимиздаги нарсаларнинг ҳеч бирига парво қилмай бир маромда кун кечираверишни афзал кўрамиз.

Нақадар ажойиб: бу ерга келиб тепаликдан кўркам водийни кузата бошлаганим ҳамоно, бутун борлиқ мени ўзига тортади... Ҳув ана кичкина ўрмон!.. Қани энди унинг орасига шўнғиб кетсанг!.. Ана у ерда эса тоғ чўққиси! Қани ўша чўққидан туриб поёнсиз ўлкани томоша қилсанг!.. Бир-бирига улашиб кетган тепаликлар ва сирли водийлар. О, кошкийди уларнинг ичида йўқолиб кетсанг!.. Мен ўша ёққа қараб шошиламан ва излаганимни тополмай ортга қайтаман. О, бу чексизликлар ҳам худди келажакдек йироқдир!.. Кўз олдимизни интиҳосиз туманли бўшлиқлар қоплаган, бизнинг туйғуларимиз ҳам шу бўшлиқда худди назаримиздек йўқолиб кетади. Биз унга томон интиламиз. Оҳ! Юрагимизни энг буюк, энг тотли ҳислар лаззатига қондиришга қанчалик ташнамиз-а! Истиқболга интилиб, кўзланган мақсадга етганимизда-чи, ҳайҳот! Ҳаммаси тағин ўша эски ҳолига қайтаверади, биз бўлсак, яна ўша ожизлигимиз, чегараланганлигимизча қолаверамиз, қалбларимиз эса кўз илғамас бир роҳатни қўмсайди.

Шунга ўхшаш, толмас дарбадар ҳам охир-оқибат ўз ватанини қўмсайди ва ўз кулбасида, умр йўлдоши кўксига бош қўйиб, фарзандлари даврасида, уларни боқиш ташвишида, бутун Ер юзидан излаб тополмаган роҳат-фароғатни топади.

Эрта тонгдан қуёш билан бирга туриб Валдгеймга жўнайман, Ошхона боғидан ўзим учун шакарли нўхатлар тераман-да, ўтириб олиб уларни тозалайман ва шу орада Гомерни ҳам ўқийман. Ўз кулбамга келиб қозонда ёғ доғлаб, нўхатларни сувга солиб, оловга қўйган пайтларимда Пенелопа[1]нинг довюрак хушторлари, ҳўкиз ва чўчқаларни қай тарзда сўйганлари, ичларини тозалаб қовурганларини айнан кўз олдимга келтираман. Патриархал турмушга хос белгиларни кундалик шахсий ҳаётимга осонгина сингдириш мумкинлигидан ўзга ҳеч нарса менга бунчалик тинчлик ва осудалик бахш этолмайди.

---

[1] **Пенелопа** – Гомер „Одиссея“синининг қаҳрамони. (Тарж.)



Ўз меҳнати билан ўстирган бир бош карамни стол устига келтириб қўйган одамнинг беғубор қувончини қалбан ҳис этиш менга нақадар ҳузур бағишлайди. Бунда нафақат карамнинг ўзини, балки у экилган беғубор тонг ва серкуёш кунни, у суғорилган файзли оқшомларни ҳамда экинининг барқ уриб ўсаётганини кўриб севинчга тўлган кунларини – ҳамма-ҳаммасини бир зум эслаб завқланади.

**29 июнь**

Ўтган куни шаҳардан амтманникига табиб келди, шу пайтда мен ерда – Лоттанинг укалари орасида ўтирардим: бири менга осилиб олар, иккинчиси тортқилар, мен эса уларни қитиқлардим ва ҳаммамиз овозимизнинг борича хахолаб кулишардик. Суҳбат давомида енгларидаги бурмаларини тинимсиз тортқилаб ўтирувчи [illegible] вайсақи ҳисобланган табиб, назаримда, менинг қилиқларимни маданиятли одамга хос эмас, деб ҳисоблади, буни очиқ айтмаса-да, юзидан яққол билиниб турарди. Аммо мен буни парвойимга ҳам келтирмадим, [illegible] оқилона сафсата сотишга қўйиб бериб, болаларнинг бузиб ташлаган қоғоз уйчаларини қайтадан қуриб ўтиравердим. Шундан кейин у шаҳар айланишга кетди: амтманнинг болалари ёмон тарбияланган, Вертер уларни яна ҳам талтайтириб юборган, деб гап тарқатибди.

Ҳа, дўстим Вильгельм, дунёда қалбимга энг яқини болалардир. Уларни кузатар эканман, кичкина вужудда вақти билан унга зарур бўладиган бутун куч ва фазилатларнинг куртак ёзаётганини сезаман; ўжарлигида келгусидаги қатъийлик ва саботлилик, шўхлигида эса келажакдаги хушфеъллик, турмушдаги хавф-хатарларни енгиб ўтиш қобилияти ва бошқа хусусиятлар шу қадар яхлит ва шу қадар беғараз ҳолда кўзга ташланадики! Шунда инсоният Мураббийсининг олтинга тенг сўзларини қайта-қайта такрорлайман: „Агар ўзингиз болага айланмасангиз, унинг қалбига йўл тополмайсиз!“

Айни ўзимизга ўхшаган, ўрнак олишимиз лозим бўлганлари билан-чи, қадрли дўстим, худди бизга қарам кишилардек муомала қиламиз. Гўё улар ўз эркига эга бўлмасликлари лозим!.. Ахир бизнинг ҳам ўз эркимиз бор-ку! Бунақа устунликни ким ўйлаб топди?.. Биз каттароқ ва мулоҳазалироқ бўлганлигимиз туфайли шундайми? Марҳаматли Тангрим, сен кўкдан туриб фақатгина катта-кичик болаларнигина кўрасан холос; шуларнинг қай бири сенга кўпроқ қувончли бўлса, буни ўғлинг[1] аллақачон маълум қилган. Одамлар унга ишонадилар, аммо амал қилмайдилар (бу ҳам эски гап!) ва болаларига ўз билганларича тарбия берадилар... Хайр, Вильгельм! Шунча сафсата сотганим ҳам етар.

**1 июль**

Лоттанинг бирор беморга қанчалик руҳ бағишлай олишини ўз шўрлик қалбим мисолида ҳис қиламан. Ўлим тўшагида адо бўлаётган ҳар қандай хаста кишидан кўра, менинг қалбим кўпроқ азоб чекади. У бир неча кун шаҳарда, бир муҳтарам аёл ёнида бўлади. Шифокорларнинг фикрича, бу аёлнинг ўнгланиши даргумон ва умрининг охирги лаҳзаларида Лоттани ўз ёнида бўлишини хоҳлаганмиш. Ўтган ҳафта Лотта билан Ш... қишлоғининг руҳонийсини кўргани бордик: қишлоқ тоғ ёнбағрида жойлашган, у ергача бир соатлик йўл. Биз соат тўртларда етиб бордик. Лотта катта синглисини бирга олиб келган эди. Иккита улкан ёнғоқ дарахти соя ташлаб турган руҳоний ҳовлисига кирганимизда истараси иссиққина чол эшик олдида ўтирарди, Лоттани кўргач, гўёки жон киргандек, ҳатто ҳассасини ҳам унутиб, унга пешвоз чиқмоқчи бўлди. Лотта югуриб бориб уни жойига ўтқизди ва ўзи ҳам ёнига ўтирди, отасидан илиқ салом топширди, чолнинг кексалигидаги овунчоғи бўлган исқиртгина кенжасини эркалатди. У чолни қандай

---

[1] Насронийларда ота ва ўғил Худо ҳақида тасаввур бор, бу ерда ана шу ўғил назарда тутилмоқда. (Тарж.)



китганини, қулоғи оғир бўлгани туфайли чол эшитсин учун овозини кўтариброқ гапиришини, ёш ва соғлом бўлишларига қарамай тўсатдан қазо қилган кишилар, Карлсбаднинг фойдаси ҳақида жон куйдириб ҳикоя қилишини, келгуси йил ёзда чолнинг ўша ёққа боришга аҳд қилганини маъқуллашини, Лотта уни охирги марта кўрганидагига нисбатан ҳозир анча тетик кўринишини айтиб, чолга далда берганини ўз кўзинг билан кўрсанг эди!

Бу орада мен руҳонийнинг хотинига ўз эҳтиромимни изҳор қилдим. Чолнинг руҳи анча тетиклашди ва мен, бизга бинойигина соя ташлаб турган ёнғоқ дарахтларини мақташга улгурмасимданоқ, анча қийналиб бўлса ҳам, уларнинг тарихини сўзлаб бера бошлади:

– Каттасини ким экканини билмаймиз, – деди у, – биров у, биров бу руҳоний эккан, дейди. Ҳув анави кичкинаси хотиним билан тенг, октябрда эллик ёшга тўлади. Отаси бу дарахтни эрталаб ўтқазган, ўша куни кечқурун эса у туғилган. Мансаб жиҳатдан у менинг устозим эди. У киши бу дарахтга қанчалик меҳр қўйганлигини сўз билан ифодалаб бўлмайди; мен ҳам бунга ундан кам нолосманд эмасман. Бундан етти йил олдин юпун бир талаба сифатида шу ҳовлига илк бор қадам қўйганимда бўлажак қайлиғим мана шу дарахт остида нимадир тўқиб ўтирарди.

Лотта унинг қизи қаердалигини сўради. Айтишларича, у жаноб Шмидт билан яйловга, батраклар ҳузурига кетибди, чол эса ҳикоясида давом этди:

– Кекса руҳоний мени ҳам, қизини ҳам жуда яхши кўрарди. Мен аввал унинг ёрдамчиси, кейин эса ўринбосари бўлдим.

Ҳикоя тугай деб қолганда боғдан жаноб Шмидт билан руҳонийнинг қизи чиқиб келишди. У Лотта билан иссиқ кўришди, бу қиз менга хийла ёққанини яширмайман. Шундай шўх ва хушбичим қорамағиз қиз билан қишлоқда вақт ўтказиш анча гаштли бўларди. Унинг жазмани (жаноб Шмидт қизнинг жазмани эканлигини

пайқаш қийин эмасди) камгап одам бўлиб, Лотта уни суҳбатга тортишга қанчалик уринмасин, барибир, у гапимизга аралашолмади. Кўнглимни хира қилган нарса, айниқса, шу бўлдики, ундаги бу хусусият фикр доирасининг торлигидан ҳам кўра, кўпроқ ўжарлик ва бадфеъллик эди. Бахтга қарши бу хусусият кейинроқ такрор кўзга ташланди. Сайр пайтида Фредерика Лотта билан, гоҳида мен билан ёнма-ён юрганида унинг шусиз ҳам қорачадан келган юзи янада хиралашиб кетди. Шунда Лотта енгимдан тортиб, Фредерикага ҳаддан ташқари илтифот қилманг, дея огоҳлантириб қўйди. Агар одамларнинг бир-бирларини руҳан эзишларини, айниқса, ёшлар ҳаётларининг гуллаган даврида ҳар қандай хурсандчиликлардан баҳраманд бўлиш ўрнига, арзимас гаплар учун қисқагина қувончли дамларини йўққа чиқаришларини ва ўтган ишни қайтариб бўлмаслигини анча кеч тушуниб қолишларини кўрсам, беҳад эзилиб кетаман.

Бу воқеа мени тинч қўймади. Кечқурун руҳоний ҳовлисига қайтгач, сут ичиб ўтирарканмиз, суҳбат мавзуси ҳаётдаги шодлик ва ғам-ғуссага кўчди. Мен ҳам пайтдан фойдаланиб кишилардаги ярамас хусусиятлар ҳақида ёниб сўзладим.

– Яхши кунлар оз, ёмон кўп, дея кўпинча зорланамиз, – сўз бошладим мен, – назаримда бу нотўғри. Агар бизга ҳар куни Тангри ато этган яхшилик истиқболига самимий қалб билан чиқсак эдик, ёмонликка тўқнаш келганимизда уни енгиш осонроқ бўлур эди.

– Бироқ қалбимизга буйруқ беролмаймиз-да, – эътироз билдирди руҳонийнинг хотини, – вужудимизнинг ҳам ўзгача раъйи бор! Агар кишининг кайфияти ёмон бўлса, у ҳеч қаердан ўзига жой тополмайди.

Мен унинг фикрига қўшилдим.

– Демак, унда бу ҳолни касаллик деб ҳисоблаб, керакли дори-дармонни топишимиз лозим, – деди.

– Мана бу маъқул гап, – гапга аралашди Лотта, – мен масалан, кўп нарса одамнинг ўзига боғлиқ, деб ўйлайман. Ўзимдан қиёс: агар бирор нарсадан таъбим хира



бўлса ёки зериксам, ўрнимдан ирғиб тураман-да, бирор куйни хиргойи қилиб, боғда у ёқдан-бу ёққа юраман. Қарабсизки, бирпасда бинойидекман.

– Мен ҳам худди шуни айтмоқчи эдим, – Лоттани қувватладим мен, – ёмон кайфият ҳам эринчоқликка ўхшайди, хусусан, унинг бир кўриниши. Табиатан биз ҳаммамиз эринчоқмиз, аммо буни енгишда ўзимизда куч топсак, ишимиз юришиб кетади; ўзимиз ҳам бундан роҳатланамиз. – Фредерика гапга диққат билан қулоқ соларди. Йигитча эса биз ўз-ўзимизга, айниқса, ҳис-туйғуларимизга ҳукмронлик қилолмаймиз, деб эътироз билдирди.

– Ҳозир гап ярамас ҳис-туйғулар ҳақида боряпти, булардан қутулишни ҳар ким ҳам жон-жон деб истайди, – жавоб бердим мен, – киши ўз кучининг нималарга қодирлигини уни синаб кўрганидагина билади. Борди-ю, киши бемор бўлса, барча дўхтирларга учрайди, ўзининг илгариги саломатлигини қайта тиклаш учун ҳар қандай азобга, ҳар қандай аччиқ дорини ҳам ичишга рози бўлади, албатта.

Руҳоний чол бизнинг мунозарага қўшилиш учун қулоқларини динг қилиб турганини сезиб, овозимни баландлатдим ва унга қараб гапира бошладим:

– Черков ҳар қандай иллатга қарши тарғибот юргизади-ю, – дедим мен, – аммо ҳали черков минбаридан туриб ёмон одатларни танқид қилишганини эшитганим йўқ.[1]

– Бу иш билан шаҳар руҳонийлари шуғуллансин, – фикримни рад этди чол, – деҳқонларда ёмон одат бўлмайди; ҳар ҳолда баъзан бундай тарғибот ҳеч бўлмаса менинг хотиним ва жаноб амтман учун ортиқчалик қилмаган бўларди.

---

[1] Бизда ҳозир Лафатернинг шу мавзуга бағишланган ҳамда пайғамбар Исо пайғамбарнинг китоби хусусидаги ажойиб тарғиботи мавжуд. (Муаллиф изоҳи.) Лафатер (1741–1801) – Швейцариялик олим, ёзувчи ва диний тарғиботчи. Гёте уни шахсан таниган. (Тарж.)

Ҳаммамиз кулиб юбордик, ўзи ҳам йўтала-йўтала самимий кулди. Шу орада мунозарамиз бироз узилди, кейин яна йигитча сўз бошлади:

– Сиз бадфеълликни иллат дедингиз, менимча, бу муболаға.

– Зинҳор, – дедим унга жавобан, – кишидаги ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам таъбини хира қилувчи хулқ шу номга лойиқдир. Бир-биримизни бахтли қилолмаганимиз устига яна камдан-кам муяссар бўладиган озгина қувончни ҳам бир-биримиздан тортиб олайликми? Кайфияти ёмон бўлса-да, бундан фақат якка ўзи қийналадиган, бошқаларнинг тинчлигини бузмаслик учун бу ҳолатни яширишга ўзида етарли куч тополадиган одам бормикан ҳеч? Кўпинча, бадфеъллик ўз ярамаслиги учун ичдан алам чекишдан, ўз-ўзидан норозиликдан келиб чиқади, бу норозилик эса ўта бемаъниликка олиб келадиган ҳасадгўйлик билан боғлиқдир. Бахтли кишиларни кўрганимизда бу бахтни уларга ўзимиз бахш этмаганлигимизни ҳис этиш чидаб бўлмас ҳолдир.

Менинг ҳаяжон билан сўзлаётганимни кўриб, Лотта кулимсиради, Фредериканинг кўзларида ялтираган ёшдан мен янада жўшиб, гапимда давом этдим:

– Бировнинг қалбига ҳукмронликдан фойдаланиб, шу қалбда туғиладиган озгина қувончдан ҳам уни маҳрум қилувчи кишига лаънат дегинг келади. Дунёдаги ҳеч қандай тортиқ, ҳеч қандай юпатишлар ўша золимнинг ярамас қилиқлари билан заҳарланган кўнглини кўтаролмайди.

Шу лаҳзада юрагим тўлиб кетди; ўтмишдаги шунга ўхшаш баъзи воқеалар хотирамда жонланди-да, юрагимни эзиб юборди, кўзларимга ёш қалқди.

– Дўстларинг учун фақат биргина яхшилик қил, у ҳам бўлса: уларни шодликдан маҳрум қилма, уларнинг бахтини ошир, бундан ўзинг ҳам роҳатлан – мана, ҳар куни ўзингдан талаб қилишинг керак бўлган нарса. Киши қалбдан ўртанган, ғам-аламдан қақшаган пайтларида заррача бўлса-да, унинг дардини енгиллатишга қодирмисан?



Энг қувончли кунларини сен оёқ ости қилган қизни, ниҳоят, даҳшатли дард енгиб, бутунлай мадорсиз ҳолда, сўник кўзларини осмонга тикиб, манглайини совуқ тер томчилари қоплаб ётганида, музлаб бораётган юракка киттаккина дармон ва куч бағишлаш учун борлиғингни сарф этганингда ҳам уни ҳаётга қайтаролмаслигингни ичдан ҳис этиб, худди жиноятчидек унинг тўшаги ёнида тик қотасан ва юрагингни алам кемира бошлайди.

Бу сўзларни айтарканман, ўзим гувоҳ бўлган айни шундай воқеани хотирлаш мени адо қилаётди. Рўмолчамни кўзимга босганча даврадан чиқиб кетдим. Фақат Лоттанинг „Кетадиган вақт бўлди“, деб ортимдан чақирган овозигина мени ҳушимга келтирди. У йўлда, ҳар нарсани юракка яқин олавермаслик керак, бу нарса одамни еб ташлайди! Киши ўз-ўзини аяши керак, деб мени койиди. О, малагим! Сен учун ҳам яшашим лозим!

**6 июль**

У ҳалиям ўша ўлим тўшагида ётган аёл билан овора. Лотта шунчалик ғамхўрки, биргина назариёқ кишига бахт ато этади, дардига малҳам бўлади.

Кеча кечкурун унинг Марианна ва кичик Малхен билан сайрга чиқишидан хабар топгач, у билан учрашдим, сайрга бирга кетдик. Бир ярим соатлар чамаси айланганимиздан сўнг, шаҳар четидаги булоқ олдида тўхтадик, бу жой мен учун ниҳоятда азиз эди, энди эса янаям табаррукроқ бўлиб қолади. Лотта тош девор устига ўтирди, биз унинг рўпарасида тикка турдик. Атрофни кўздан кечирдим. Оҳ! Оғир танҳоликни кечирган машъум онлар тағин хотирамда қайта жонланди!

– Қадрдон чашма, – кўнглимдан кечирдим мен, – ўшандан буён бирор марта ҳам сенинг оромбахшлигингдан баҳраманд бўлмаган, ҳатто йўл-йўлакай ҳам сенга бирор назар ташламаган эдим.

Пастга қараб, Малхеннинг бир стакан сувни авайлаб олиб чиқаётганини кўрдим, Лоттага боқиб унинг мен учун нақадар азизлигини ҳис этдим. Бу орада қўлида ста-

кан билан Малхен етиб келди. Марианна ундан стаканни олмоқчи бўлди.

– Йўқ, йўқ! – қичқирди қизча мулойимгина товуш билан, – Лотхен, – олдин сен ич!

Унинг сўзларидаги самимий меҳрибончиликдан шу даражада меҳрим жўшиб кетдики, уни даст кўтариб қаттиқ ўпиб олишдан ўзимни тиёлмадим, қизча эса чинқириб йиғлай бошлади.

– Яхши қилмадингиз, – деди Лотта. Мен уялиб қолдим. У қизчанинг қўлидан тутиб, зинапоя бўйлаб пастга бошлади.

– Юр, Малхен, – деди у, – тез-тез бўла қол, юзингни булоқ сувига ювгин, ўшанда ҳеч нарса қилмайди.

Турган жойимда қизчани кузатардим: сеҳрли булоқ суви бутун ифлосликни ювиб ташлайди ва юзни соқол босиб кетиш хавфидан қутқазади, деган ишончда юзини ҳўл қўлчалари билан шунчалик берилиб ишқалардики!

„Бўлди“, – деди Лотта, шунда ҳам қизча, қанча кўп ювсам шунча яхши, деган фикрда юзини ишқаларди.

Ишон, Вильгельм, мен ҳалигача ибодат манзарасини ҳеч қачон бунчалик эҳтирос билан кузатмагандим. Лотта юқорига чиққанида, бутун бир халқнинг гуноҳини ювган пайғамбарларга топингандек, ўзимни унинг пойига ташлашни истардим.

Юрагим тўлқинланиб турганидан бўлган воқеани ичимда сақлаёлмадим, кечқурун бир одамга айтиб бердим. У мени тушунади, деб ўйлагандим, негаки, у анча бамаъни одам-да. Лекин роса одамини топиб гапирибман. Унинг фикрича, Лотта нотўғри қилган, болаларнинг миясига ҳар нарсани сингдириш мумкин эмас, бундай муомала хато фикр ва ишончсизлик туғилишига сабаб бўлади, бундан болаларни ўз вақтида асрай билиш лозим.

Унинг уйида бундан бир ҳафта бурун чўқинтириш маросими бўлганини эслаб эътироз билдирмадим, бироқ ўзим бир ҳақиқатга содиқман: ширин хаёллар қанотида парвоз қилдириб, олий бахт ато этувчи Тангри биз билан қандай муомалада бўлса, биз ҳам болалар билан шундай муомалада бўлишимиз лозим.



**8 июль**

Гўдакмиз-а! Биргина нигоҳ бизни нималарга элтмайди! Ҳали ҳам гўдакмиз! Биз Валдгеймга борган эдик. Хонимлар каретада кетишди. Сайр пайтида, назаримда, Лоттанинг тим қора кўзларида... тентакман, мени кечир! Аммо бу кўзларни бир кўрсанг эди!.. Гапни қисқа қилай, чунки уйқум келиб кўзларим юмилиб кетяпти. Хуллас хонимлар каретага жойлашишди. Биз эса ёшгина В... Зелштадт, Аудран ва мен – карета олдида турардик. Ўта шўх ва ҳазилкаш йигитлар хонимлар билан мулоқотда эдилар. Мен Лоттанинг нигоҳига интиқ эдим. У гоҳ унга, гоҳ бунга қарарди! Бутун борлиғим билан ёлғиз унга бўйсуниб турсам-да, менга, менгагина, унинг назари тушмади! Менинг қалбим ундан минг маротаба афв сўради! Лотта бўлса, менга назар ташламади! Карета қўзғалди! Кўзларимга ёш қалқди. Мен унинг ортидан қараб қолдим ва карета деразасидан Лоттанинг шляпаси кўринди. У бурилиб қаради! Оҳ! Менга қарадимикан?

Дўстим! Ана шундай ноаниқликдан бошим қотган. Мени биргина нарса овутади! Эҳтимол, у менга қарагандир? Эҳтимол! Хайрли кеч! Бориб турган гўдакман-а!..

**10 июль**

Бирор жойда у ҳақда оғиз очгудек бўлишса, қанчалик ўнғайсизланишимни кўрсанг эди! У сенга ёқадими, деб сўрашганда-чи? Ёқади! Шу сўзни ўлгудай ёмон кўраман. Лотта кишидаги бутун хаёл ва туйғуларни қамраб олмасдан, шунчаки ёқиши учун одам қандай бўлмоғи керак! Ёқади! Яқинда мендан биров: „Оссиан[1] сенга ёқадими?“ деб сўради.

---

[1] **Оссиан** – 1760 йилда шотланд шоири Макферсон ўз шеърларини тўплаб, „Оссиан қўшиқлари“ номи билан нашр эттирган эди. (Тарж.)

### 11 июль

Фрау М...нинг аҳволи оғир; унинг умрини узайтир, деб Яратганга ёлвораман, чунки унга Лотта иккаламиз бирга қайғурамиз. Мен Лоттани дугоналариникида камдан-кам кўраман, бугун эса у ғалати бир воқеани сўзлаб берди.

Чол М... бачкана, инжиқ, қурумсоқ одам бўлиб, хотинини мудом харажатдан қисиб келган. Лекин хотини ҳамиша қийин аҳволдан қутулиш йўлини топарди. Бундан бир неча кун олдин дўхтир уни тузалиши гумон деб ҳисоблагач, эрини ёнига чақирибди ва юрагини очибди (Лотта ҳам хонада экан):

– Сенга бир нарсани маълум қилишим керак, бўлмаса бу ўлимимдан кейин кўнгилсизлик ва тушунмовчилик туғдириши мумкин. Мен шу пайтгача иложи борича тежаб-тергаб хўжалик юргизиб келдим. Аммо шу ўттиз йил давомида сени алдаб келганимни биргина сен кечирасан. Турмуш қурганимизнинг дастлабки пайтларида ейишга ва бошқа уй харажатлари учун арзимаган маблағ ажратардинг. Хўжалигимиз анча кенгайиб, даромадимиз ошганда ҳам шунга қараб ҳафталик харажатни кўпайтириш хаёлингга келмади; қисқаси, қанчалик кўп талаб қилинмасин, сен барибир бир ҳафтага бир неча гулденни етказишимни талаб қилганингни ўзинг ҳам биларсан. Мен бўлсам миқ этиб оғиз очмасдим, етишмовчилик ўрнини ҳафтасига келган фойдадан тўлдирардим: уй бекаси пул ўғирлайди, деб ҳеч ким ўйламайди-ку, ахир. Мен пулни ҳавога совурганим йўқ ва бу ҳақда оғиз ҳам очмасдан, соф виждон билан абадий кўз юмиб кетсам бўларди, лекин мендан кейин хўжаликни қўлга оладиган аёл шу заҳотиёқ боши берк кўчага кириб қолиши, сен эса менинг биринчи хотиним тежаб-тергашни биларди, дея ўз гапингни ўтказишинг мумкин эди.

Инсон кўзининг ақлга сиғмас даражада парда босиб қолиши хусусида Лотта икковимиз гаплашиб ўтирдик. Ахир, наҳотки одам, етти гулден ўрнига икки баравар кўпроқ харажат қилинаётганда, бунда бирор гап бор,



...ей гумон қилмаса! Аммо пайғамбарнинг қайнар хумчаси уйида пайдо бўлиб қолганда ҳам бунга ҳайрон бўлмайдиган одамларни ўз кўзим билан кўрганман.

### 13 июль

Йўқ, мен адашаётганим йўқ! Унинг тим қора кўзларида менга ва менинг тақдиримга нисбатан ҳақиқий ҳамдардлик балқиб турибди! Ҳа, сезяпман, бунга юракдан аминман... Оҳ, у... у мени севади! О, бу сўзлардаги сеҳрни ифодалаб бера олармиканман?..

У мени севади!.. Бу мени ўз назаримда қанчалик юксакликка кўтаради! Ахир мен... Бу ҳақда сенга очиқ айтаверишим мумкин, у мени севишини билганимдан буён ўз-ўзимга топинишимни яхши тушунасан...

Бу фикрим сурбетликми ёки ҳақиқий туйғуми, билмайман. Ҳар ҳолда Лоттанинг қалбини рақибим банд этган, деб ўйламайман. Шундай бўлса-да, барибир, агар Лотта куёви ҳақида гапирса, бекиёс ҳурмат ва меҳр билан гапирса, ўзимни худди шамшири тортиб олинган, ҳар қандай обрў ва мансабдан маҳрум этилган кишидек ҳис этаман.

### 16 июль

Қўлларимиз тўсатдан бир-бирига тегиб кетса ёки стол остида оёқларимиз учрашса, бутун борлиғим қанчалик ларзага келишини билсанг эди! Оловдан кўрққандек ўзимни тортаман, лекин яширин бир куч мени яна олдинга ундайди! Бошим чир айланади!.. Лотта-чи... ўзининг соддадиллиги ва софлиги туфайли бу майда-чуйда яқинликлар мени қай даражада азоблашини билмайди. Суҳбатлашиб ўтирганимизда у қўлини менинг қўлларим устига қўйса ёки гапга қизиқиб кетган дамларда менга яқин келиб, сеҳрли нафаси лабларимга урилса – ўзимни тўлқинда ғарқ бўлаётгандек ҳис қиламан... Қулоқ сол, Вильгельм! Мен бирор кун мана шу самимий ишончдан ёмон мақсадда фойдаланишга журъат этсам-чи?.. Сен мени тушунасан, дўстим!.. Йўқ, менинг қалбим бу да-

ражада ярамас эмас. Албатта, у кучсиз!.. Шунинг ўзиёқ иллат эмасми, ахир?..

Лотта мен учун муқаддасдир. Унинг қаршисида ҳар қандай истак ҳам юзага чиқолмайди. Унинг ҳузурида ўзимни йўқотиб қўяман. Вужудимдаги ҳар бир томир ларзага келгандек туйилади... У бир сеҳрли куйни фортепианода шундай содда ва жозибали қилиб завқ-шавқ билан чаладики! Бу унинг энг севган куйи! Бу куйни илк садоларини тинглаганимданоқ гўё бутун ғам-ғусса ва ташвишлардан қутулгандек бўламан. Мусиқанинг сеҳрли кучи ҳақидаги эскидан қолган гапларга сўзсиз ишонаман. Оддийгина бир оҳанг мени қанчалик ҳаяжонга солади! Ўз-ўзимни отиб ташлашни истаб турган пайтимда у яна шу куйни чалади! Қалбимдаги изтироб ва туманлик ёзилиб кетади-да, қайтадан эркин нафас ола бошлайман.

**18 июль**

Вильгельм! Бизга муҳаббатсиз ҳаётнинг нима кераги бор? Нурсиз сеҳрли чироқ нима-ю, бу нима! Сен уни ёққанингдаёқ турли-туман ранглар оппоқ деворда товлана бошлайди! Бу ўткинчи саробдан бўлак нарса бўлмаса-да, биз уни кўргач, болаларча севинамиз ва ғаройиб ҳодисага маҳлиё бўлиб турамиз. Бугун Лотта билан кўришолмадим: бир нечта эзма кишилар ёнида тутилиб қолдим. Энди нима қилиш керак? Ҳеч бўлмаса унинг ҳузурида бўлган одамни кўриш мақсадида у ёкка хизматкоримни юбордим. Уни сабрсизлик билан кутдим ва шунчалар қувонч билан қарши олдимки! Агар журъат этганимда эди, унинг бошини кўксимга босиб, ўпиб олган бўлардим.

Айтишларича, бонон тоши[1]ни офтобга қўйса, у қуёш нурларини ўзига ютармиш, кейин анча вақтгача қоронғиликни ёритиб турармиш. Хизматкорим ҳам, назарим[da], шундай эди. Лоттанинг назари унинг юз-кўзларига, ливрея[1]сининг тугмаларига, плашининг ёқасига тушган, [ш]унинг туйғу мен учун шундай муқаддас ва қимматли [эд]ики! Шу дақиқада хизматкоримни минг талерга ҳам [ал]машмаган бўлардим. Унинг ҳузурида ўлтириш улкан бахт эди. Худоё, сен бундан кулма! Вильгельм, бизга [с]уюнч бахш этувчи нарсалар саробми?

**19 июль**

Мен уни кўраман! – дея ҳайқираман ўзимча тонгда уйғонганим заҳотиёқ заррин қуёшга қувонч билан боқарканман. – „Мен уни кўраман!“ Бутун кун бўйи бундан ўзга истагим йўқ. Ҳамма-ҳаммаси шу умидга сингиб кетади.

**20 июль**

Сизларнинг маслаҳатларингга кириб, ҳеч ҳам элчи билан ...га бормоқчи эмасман. Бировга қарам бўлишни ёқтирмайман, элчининг бемаъни одам эканлигини эса ҳаммамиз яхши биламиз. Онам менинг бирор иш билан шуғулланишимни истаганини ёзибсан. Бу гапинг кулгимни қистатади. Нима, ҳозир бекорчиманми? Мен нўхат саралайманми ёки тариқми, аслида барибир эмасми? Бу дунёда ҳамма нарса беҳуда натижага олиб келади. Кимки ишлонан ва ўз истаги билан эмас, балки бошқаларга ёқиш мақсадида, пул, обрў ёки яна бошқа бирор нарса учун меҳнат қилса, у – тентакдир.

**24 июль**

Расм солишни ташлаб юбормаслигим учун жуда қайғураётганлигинг туфайли, охирги пайтда жуда оз иш қилганлигимни сенга маълум қилишдан кўра, яхшиси, бу ҳақда тўхталмай қўя қолай.

[1] **Бонон тоши** – оғир ялтироқ тош бўлиб, 1602 йилда болоньелик этикдўз Карсиоролус топган, шу сабабли бонон ёки болонье тоши деб юритилади. (Тарж.)

[1] **Ливрея** – Оврупа мамлакатларида хизматкорлар кияди[ган] укали кийим. (Тарж.)

Мен хеч қачон бунчалик бахтга мушарраф бўлмаганман, энг майда тош ва гиёҳдан тортиб, бутун табиатга бўлган муҳаббатим ҳеч қачон бу қадар улкан ва чуқур бўлмаган эди, аммо буни қандай ифодалашни ҳам билмайман... Менда тасвирлаш қобилияти шунчалик сустки, ҳамма нарса кўз олдимда сирли тумандек айланишади-да, бирорта ҳам манзарани илғаб ололмайман. Назаримда, агар сариқ лой ёки мум бўлса, шундан бирор нарса ясаёлсам керак. Агар шу ҳолат давом этаверса, лой оламан-да, ясаб кўраман, бирорта шакл ҳосил бўлар-ку, ахир!

Лоттанинг портретини ишлашга уч марта киришдим ва ҳар сафар ҳам бунинг уддасидан чиқолмадим. Кўпрок алам қилгани шуки, илгаригидек бирор кўринишни дарҳол илиб ололмайман. Бир пайтлар унинг силуэтини чизгандим, энди шу билангина чекланишга мажбурман.

**25 июль**

Ҳа, азизим, Лотта, барча айтганларингизни бажо айлайман, менга иложи борича кўпроқ ва тез-тез юмушлар буюринг. Сиздан фақат бир нарсани ўтинаман: ёзгин номаларингизга қум сепманг[1]. Бугун хатни лабларимга теккизганим заҳотиёқ тишларим орасида қум ғижирлай бошлади.

**26 июль**

У билан камроқ учрашай деб бир неча маротаба ўзимга сўз бердим. Аммо сўзда туриб бўлармиди! Ҳар куни ўз-ўзимни алдайман ва эртага учрашмасликка чин ваъда бераман, тонг отгач, арзимаган бир важ топаман-у, кўз очиб-юмгунча унинг ҳузурида пайдо бўламан. Ёки у кечқурун: „Эртага албатта келарсиз?“ деб айтиб қўяди. Бу гапдан кейин ким ҳам бормай туроларди! Ё бўлмаса, у менга бирор топшириқ беради, жавобини эса ўзим ет-

---

[1] Илгариги вақтларда сиёҳни қуритиш учун қоғоз устига қум сепишган. (Тарж.)



ганимни маъқул кўраман. Ёки ҳаво ғоят яхши бўлади-ю, мен Валдгеймга жўнайман, бу ердан унинг ёнигача ярим соатлик йўл, холос! Бунчалик яқин масофада интилиш янада кучаяди. Ҳаш-паш дегунча кўрибсанки, ўша ердаман. Бувим магнит тоғи ҳақида эртак айтардилар: кемалар ўша тоққа яқин сузиб келишганда, улар ҳамма темир қисмларидан ажралишган, михларни тоғ тортиб кетган ва бечора денгизчилар эса вайрон бўлган ёғочлар орасида ҳалок бўлишган.

**30 июль**

Альберт келди, энди кўринмаслигим лозим. У одамларнинг энг яхшиси, энг олижаноби бўлганида ҳам ва мен ўзимни ҳар жиҳатдан ундан паст ҳисоблаганимда ҳам барибир уни шунчалик камолот эгаси сифатида кўриш – чидаб бўлмас ҳолдир. Ҳа, ҳа, камолот эгаси!

Қисқаси, Вильгельм, куёв келди! У яхши, ёқимтой одам, у билан аҳил бўлмоқ керак. Яхшиямки, учрашганларида йўқ эдим! Бўлмаса ўртаниб адо бўлардим. Бунинг устига шунчалик сипоки, ҳали бирор марта ҳам менинг ҳузуримда Лоттани ўпгани йўқ. Бунинг учун уни Тангри ярлақасин! Шундай қизни ардоқлай билганлиги учун ҳам уни қадрласа бўлади. Менга ҳам муносабати яхши, бу унинг ўз идрокидан кўра, кўпроқ Лоттанинг таъсири бўлса керак, деб гумон қиламан. Бунга аёллар уста бўлишади ва тўғри қилишади ҳам. Чунки икки ошиқ йигит бир-бири билан аҳил бўлса, уларнинг фойдаси-да, аммо бундай ҳоллар камдан-кам учрайди.

Бироқ Альберт ҳурмат қилишга арзигулик одам. У босиқ, мен эса аксинча, қизиққонлигимни кўпинча яширолмай қоламан. Унинг муҳаббати юксак ва у Лоттанинг қадрига ета билади. Афтидан, у ғамгин кайфиятда бўлишни унча ёқтирмайди ва сен биласанки, кишилардаги иллатлардан энг ёмон кўрадиганим – мана шу.

Альберт мени ақлли одам деб ҳисоблайди. Лоттага бўлган меҳрибонлигим ва ҳар бир ҳаракатидан қувонишим, Альбертнинг шодлигини оширади ва Лоттани

янада кўпроқ севади. У заррача бўлса-да Лоттани рашк қилмайди, деб айтолмайман, ҳар ҳолда ўзим унинг ўрнида бўлганимда, бу нусхага хайрихоҳ бўлишимни Тангрим биларди.

Альберт нима бўлса бўлаверсин-у, аммо Лотта ёнида бўлишдек қувончдан энди бенасибман. Бу нима, тентакликми ёки хаёлпарастликми? Бирор нарса деб аташнинг ҳожати борми?! Аҳвол ўз-ўзидан аён-ку!.. Ҳозир нима билсам, буларни Альберт келгунига қадар ҳам билардим. Лоттага бирор нарса деб даъво қилишга ҳаққим йўқлигини ҳам билардим ва ҳеч нарса даъво ҳам қилмадим. Ҳар ҳолда бу даражада илтифотли бўлишга ҳожат йўқ эди, энди эса рақиби келиб, севимли қизини тортиб олса, бу ландавур тағин ҳайрон ҳам бўлади.

Тишимни тишимга босиб, ўз бахтсизлигимдан куламан, лекин мени тақдирга тан беришга ундовчи кишилар устидан ўн баробар ортиқча кулган бўлардим. Демак, аҳвол ўзгармас экан... Мени бундай бефаҳмлардан халос этинглар!.. Ўрмонда у ёқдан-бу ёққа югураман, Лотта олдига келганимда, у Альберт билан боғдаги айвончада ўтирган бўлса ва ўзимнинг бу ерда ортиқчалигимни сезсам, жиннилик қилиб турли-туман бемаъни қилиқлар бошлайман.

– Худо ҳаққи, ўтинаман сиздан, кечагидек ўйин кўрсатманг! – деди Лотта, – Сизнинг қувноқлигингиз гоят қўрқинчли.

Гап орамизда қолсин-у, Альберт банд бўлган пайтни пойлаб бир зумда ўша ерга бораман. Агар Лотта ёлгиз бўлса, ҳаддан ортиқ севиниб кетаман.

### 8 август

Азизим Вильгельм! Ишон, бизни азалий тақдирга бўйсунишга ундовчи кишиларни беҳад қоралаганимда, мутлақо сени кўзда тутмаган эдим. Сен ҳам шундай фикрга кела олишинг мумкинлигини ҳатто ўйлаб ҳам кўрганим йўқ. Аслини олганда, сен ҳақсан, Азиз дўстим,



ҳаётда фақат бир нарса, яъни ё униси, ё буниси, деган масала жуда кам ҳолларда ҳал қилинган. Ҳис-туйғулар ва қилиқлар худди қирғий бурун ва пучуқ бурунлар ўртасидаги фарққа ўхшаб турли-тумандир. Сенинг ҳамма исботларингни тан олсам-да, шу билан бирга ана шу – ё униси, ё буниси масаласини ҳал қилишга уриниб кўрсам, албатта, мендан ранжимассан.

Айтасанки, ё Лоттага етишишдан умидинг бор, ёки бутунлай умидсизсан. Биринчи ҳолда, ўз истагингни амалга оширишга урин, акс ҳолда, ўзингни қўлга ол ва охири сени хароб қиладиган аянчли туйғудан қутулишга урин...

Азизим! Бу айтишгагина осон, холос, ҳа...

Мабодо, дармонни қуритувчи касаллик секин-аста ўзингга элтаётган бирор бахтсизни кўрсанг, ундан: „Ўзингга битта ханжар ур-да, барча азоблардан халос бўл“, деб талаб қила олармидинг? Ахир, кишининг дармонини қуритаётган мана шу хасталик, ундан қутулишга бўлган журъатни ҳам емирмайдими? Албатта сен: „Ким ҳам бўшанглик ва иккиланиш туфайли ўз ҳаётини хавф остида қолдиришдан кўра, қўлини қирқтиришни афзал кўрмайди?..“ Ёки шунга ўхшаш бошқа бирор мисол билан жавоб беришинг мумкин. Эҳтимол, шундайдир! Кел, мисоллар келтиравериб бир-биримизни безор қилмайлик!.. Етар!.. Ҳа, Вильгельм, мен ўзимда баъзан шундай журъат сезаманки, гўё отилиб туриб, ҳамма нарсани ўзимдан ирғитиб ташлаб, югургим келади, бироқ қаёққалигини ўзим ҳам билмайман.

### Кечқурун

Кўпдан буён ташлаб қўйган кундалик дафтарим бугун яна қўлимга тушиб қолди ва воқеа-ҳодисаларни шунчалик батафсил қайд этганлигимга ҳайрон қолдим! Ўз аҳволимни очиқ-ойдин кўриб турсам-да, барибир, худди боладек қилиқлар қилганман, ҳозир ўшандаги аҳволимни янада аниқроқ тасаввур қиляпман, бироқ эс-ҳушимни йиғишга уринаётганим ҳам йўқ.

**10 август**

Мен бунақа тентак бўлмаганимда, энг ширин, энг бахтли ҳаёт эгаси бўлишим мумкин эди. Ҳозир мен бошдан кечираётган қалбга роҳат бағишловчи мумтоз лаҳзалар камдан-кам бўлади. Киши ўз бахтини ўзи яратади, деган гап нақадар тўғри-я!

Энг ажойиб оиланинг аъзоси ҳисобланаман, мўйсафид мени ўз ўғлидек, болалар ўз отасидек севишади. Лотта эса!.. Ундан кейин, софдил Альберт ҳам ўзининг турли ярамас қилиқлари билан бахтимга халақит бермайди, мени дунёда Лоттадан кейин энг қимматли кишиси ҳисоблайди! Биласанми Вильгельм, сайр қилиб юраркан-миз, у билан Лотта ҳақида бирга суҳбатлашиш биз учун туганмас қувончдир. Дунёда бундай аҳволдан ҳам кулгилироғи бўлмаса керак. Кўпинча бундан йиғлагим келади.

У менга, Лоттанинг волидаи мухтарамаси ўлими олдидан хўжаликни ва болаларни Лоттага, Лоттани бўлса, унга васият қилиб қолдирганини айтиб берди. Шундан буён Лотта гўё қайта туғилган: хўжалик ташвишлари билан у худди онадек бўлиб қолган. Ҳаётининг ҳар бир дақиқаси жўшқин муҳаббатсиз ва меҳнатсиз ўтмайди. Лекин шу билан бирга, қувноқлик ва хушчақчақлик ҳеч қачон уни тарк этмаган! У шуларни ҳикоя қиларкан, мен унинг ёнида юриб, йўл четидаги гулларни териб, уларни тартиб билан дасталайман ва... ёнимизда оқаётган анҳорга ирғитаман-да, уларнинг оқим бўйлаб сузишини кузатаман... Сенга бу ҳақда ёзганманми, йўқми, билмайман: Альберт шу ерда қолади ва анча сердаромад мансабга ўтиради, бу идорада уни беҳад ҳурмат қилишади. Иш юзасидан эпчиллик, тиришқоқликда унга тенг келадиган кишини ҳали учратганим йўқ.

**12 август**

Альберт дунёдаги энг яхши кишилардан, албатта. Кеча ўртамизда қизиқ бир тортишув бўлиб ўтди. Мен унинг олдига хайрлашгани келгандим. Чунки менда



тоққа отда саёҳат қилиш фикри туғилиб қолди, ҳозир шу ердан сенга ёзяпман.

Хонада у ёқдан-бу ёққа юрарканман, унинг тўппончаларига кўзим тушиб қолди.

– Саёҳатга чиқишимда тўппончаларингни бериб тур, – дея илтимос қилдим.

– Агар ўзинг ўқлаёлсанг ола қол, – деди у, – уларни безак учунгина бу ерга осиб қўйганмиз, холос.

Улардан бирини михдан олдим, у эса сўзида давом этди: – Ўз эҳтиётсизлигим кўнгилсиз бир ҳодисага сабабчи бўлганидан буён уларни қўлимга ҳам олмайман.

Ўша воқеани билишга қизиқиб қолдим.

– Уч ойча қишлоқда, бир ошнамникида яшадим, иккита ўқланмаган тўппончам бор эди, чунки ҳеч қанақа хавф ҳам йўқ эди. Ёмғирли кунлардан бирида зерикиб ўтириб, турли бўлмағур фикрлар хаёлимга келаверди: бизга кимдир ҳужум қилиб қолса-я, тўппончалар зарур бўлиб қолса-я, унда... қисқаси, бунақа васвасаларни ўзинг тушунасан... Тўппончаларимни хизматкоримга бериб, уларни тозалашни ва ўқлашни буюрдим. У бўлса, ҳазиллашиб, қизларни қўрқитмоқчи бўлди, шомпол ҳали чиқарилмай туриб, қўққисдан тўппончадан ўқ чиқиб кетди. Шомпол бир қизнинг ўнг қўлига тегиб кетиб, бош бармоғини парчалаб юборди. Бунинг учун менга анча таъна эшитишга ва қизни даволаш учун харажатни кўтаришга тўғри келди. Шундан буён қуролни ҳамиша ўқламасдан қўяман. Мана эҳтиётсизликнинг оқибати, азиз дўстим! Хавфни олдиндан сезмайсан-да киши!.. Аммо...

Биласанки, агар шу „аммо“сини ишлатмаса, Альбертни жуда яхши кўраман. Ҳар бир қоиданинг ҳам истисно томони борлиги ўз-ўзидан тушунарли эмасми? Лекин у шу қадар адолатлики, борди-ю, назарида фикри умумийроқ, яхши ўйланмаган, шошқалоқлик билан айтилган бўлса, шу нарсанинг туб моҳиятига етмагунча қўймайди, сени изоҳлар, гумонлар ва эътирозларга кўмиб ташлайди. Бу сафар эса унинг ҳам фикрлари чалкашиб кетди, ниҳоят,

мен ҳам унга бутунлай қулоқ солмай қўйдим, ҳазил тариқасида кескин бир ҳаракат билан тўппонча оғзини пешанамга тирадим.

– Қўйсанг-чи! Бу нима қилиқ? – деди Альберт мендан тўппончани тортиб оларкан.

– У ўқланмаган-ку, ахир, – эътироз билдирдим мен.

– Барибир, бундай қилишнинг ҳожати йўқ, – деди у аччиқланиб, – кўз олдимга келтиролмайман, одамнинг шу қадар телбаликка – ўзини-ўзи отиб ташлашга қандай қўли бораркан? Шу бўлмағур фикрнинг ўзиёқ кўнглимни айнитади.

– Жуда ғалати-да, бу одамлар, – деб юбордим мен, – ҳар бир нарса учун дарҳол изоҳ топасизлар; у тентаклик, бу ақллилик, у яхши, бу ёмон! Ахир, шу ҳам энди гап бўлдими? Бунинг учун ҳар бир ишнинг ички сабабини текшириб кўрасизларми? Содир бўлган ва содир бўладиган воқеаларни аниқ кўрсата оласизларми? Агар шундай қилганингизда эди, бунчалик шошилиб хулоса чиқармаган бўлардингиз.

– Ахир қулоқ солсанг-чи, – деди Альберт, – баъзи қилиқлар қандай туйғулар туфайли келиб чиқишидан қатъий назар, ақлга сиғмайди.

Елкамни қисдим-да, унинг фикрини маъқуллаб қўя қолдим.

– Бироқ, дўстим, – гап бошладим яна, – бунда ҳам баъзи истисно томонлар бор. Ўғирлик, албатта, иллат ҳисобланади: ўзини ва оиласини очликдан қирилиш хавфидан қутқазиш мақсадида ўғирлик қилишга мажбур бўлган одам ачинишга лойиқми ёки жазогами? Ҳаққоний қаҳри келиб, ўз бевафо хотинини ва унинг ярамас хушторини қурбон қилган эркакка, ёки бўлмаса, эҳтиросли лаҳзаларда муҳаббатнинг бир сониялик лаззатига ғарқ бўлиб, ўзини йўқотган қизга ким ҳам тош отади? Ҳатто биздаги ҳуқуқшунослар, совуққон расмиятчилар ҳам бундай ҳолларда бироз бўшашадилар, жазолашга шошилмайдилар.



– Бу бошқа гап, – жавоб берди Альберт, – чунки одам хис-туйғуларга берилиб кетиб, фикрлаш қобилиятини йўқотади ва кишилар унга мастга ёки жиннига қарагандек қарайдилар.

– Эх, сиз хушёрлар! – дедим кулимсираб. – Жўшқинлик! Мастлик! Жиннилик! Сиз, ақлли кишилар эса вазмин ва бетараф бўлиб, бир чеккада турасизлар-да, мастларни қоралайсизлар, уларни четлаб ўтасизлар, руҳоний ҳамда фарисей[1]ларга ўхшаб, сизларни ҳам шулардек қилиб яратмагани учун Худога шукур қиласизлар. Ўзим ҳам бир неча марта маст бўлганман, мендаги қизиққонлик ҳатто жинниликкача бориб етган, бироқ мен бирортаси учун ҳам ўкинмайман, негаки, ҳамма буюк кишилар бирорта улкан, хаёлга келмаган ишни амалга оширишса, ҳамиша уларни маст ёки жиннига чиқаришларига аллақачон имоним комил бўлган. Мана шу кундалик ҳаётда ҳам бирорта кутилмаган ишга эндигина дадил, виждонан киришган одам кетидан: „Бу одам маст! У жинни бўлган!“ деб ғийбат қилганларини эшитсанг, тоқатинг тоқ бўлади. Уят эмасми, ахир, хушёрлар! Уят эмасми, донолар!

– Бу сенинг навбатдаги хом хаёлинг, – деди Альберт, – ҳамиша бир гапни кўпиртириб юрасан, ҳозир эса мутлақо ноҳақсан. Ҳозир ўз-ўзини ўлдириш ҳақида гап борипти-ю, сен буни буюк ишлар билан таққослаб ўтирибсан. Ўз-ўзига қасд қилиш ростдан ҳам кучсизлик-ку, турмуш азобларини енгишдан кўра, тинчгина ўлиб кўя қолиш осон-да, ахир!

Гапни бўлишга тайёр эдим, чунки чин қалбимдан сўзлаган пайтимда агар бирортаси, ҳаммага маълум арзимас ҳақиқатларни менга пеш қилса, тоқат қилолмайман. Бироқ бундай гапларни эшитавериб ва аччиқланавериб ўрганиб қолганлигим туфайли ўзимни тутдим ва хийла жўшиб гапира бошладим:

[1] **Фарисей** – қадимги Иудияда шаҳар бойлари ўртасида тузилган диний-сиёсий ташкилот аъзоси. (Тарж.)

– Сенингча, бу кучсизликми? Ўтинаман, гапнинг моҳиятига етмай туриб ҳукм чиқарма. Мустабид ҳокимнинг бениҳоя зулмидан эзилган халқ ниҳоят қўзғалса ва зулм занжирини узиб ташласа, сен буни ҳам кучсизлик дейсанми? Агар бирор одамнинг уйига ўт тушса-ю, у қўрқувдан кучга тўлиб, одатда, жойидан қўзғата олмаган юкни осонгина кўтариб чиқса, ёки бўлмаса, бирор киши аламдан қаҳри келиб, олти киши билан олишиб барчасини енгса, сенингча бу ҳам кучсизлик ҳисобланадими? Демак, азизим, тиришиш – кучлилик экан, нега энди, ҳаддан ортиқ шиддат унинг акси бўлсин?

Альберт менга тикилди-да, деди:

– Аччиғинг келмасин-у, лекин сен келтирган мисолларнинг бу масалага мутлақо алоқаси йўқ.

– Эҳтимол шундайдир, – дедим мен, – менинг фикрларим кўпинча мақтанчоқликка бориб етишини кўп марталаб юзимга айтишган. Қани бундоқ ўйлаб кўрайлик-чи, авваллари кўнгилли туйилган ҳаёт юкини ўз елкасидан ирғитиб ташлашга қарор қилган одамнинг кайфияти қанақа бўлиши мумкинлигини тасаввур қила олармиканмиз? Ўзимиз бироз ҳис эта оладиган нарса ҳақидагина фикр юритишга ҳаққимиз бор, холос.

– Одамдаги тоқатнинг ҳам чегараси бор, – сўзимда давом этдим мен, – инсон қувончни ҳам, дард-у аламни ҳам маълум бир чегарагача кўтара олади, ўша чегарадан ўтдими, бас, у сўзсиз ҳалок бўлади. Демак, бу ерда гап унинг кучли ёки кучсизлиги ҳақида эмас, балки одам ўз азоблари меъёрига – у маънавийми ёки жисмонийми, барибир, – бардош бера олиши ҳақида боряпти. Менимча, қаттиқ безгакдан ҳалок бўлган кишини қўрқоқ дейиш, қанчалик ақлга сиғмаса, ўз-ўзини ўлдирган одамни ҳам қўрқоққа чиқариш, номаъқулдир.

– Парадокс![1] Бутунлай парадоксал хулоса! – хитоб қилди Альберт.

---

[1] **Парадокс** – тўғри, соғлом фикрга қарама-қарши бўлган ёки умум томонидан қабул қилинган фикрдан кескин фарқ қиладиган фикр. (Тарж.)



– Сен ўйлаганчалик эмас, – эътироз билдирдим мен, – ...шам гоҳо шундай касалликка йўлиқадики, натижада у ...гамоман ҳолдан тойиб ёки фаолиятсиз бўлиб қолади, ...буни қайта тиклаш, ҳар қандай нажотбахш уриниш билан ...ҳам ҳаётни кўнгилдаги изга тушириш имкони бўлмайди, ...бу фикримга қўшиларсан, энди эса дўстим, буни руҳий ...ҳолага татбиқ этамиз. Ўз ички хаёллари гирдобида қолган ...кишига бир назар ташла: ташқи таъсирлар уни қанчалик ...тиб, хира фикрлар унда мустаҳкам илдиз отса боради, ...ниҳоят кун сайин ўсиб борувчи ғайритабиий бир куч уни ...ўз-ўзини идора қилиш қобилиятидан маҳрум қилади ва ...ҳалокатга элтади.

Хотиржам, мулоҳазали дўстнинг бахтсиз киши аҳво...нини муҳокама қилиши ҳам, унга панд-насиҳат қилиши ...ҳам бефойда. Бу худди ўз кучидан беморга заррача ҳам ...бахш этолмасдан, унинг тўшаги ёнида турган соғлом ...кини ҳолатига ўхшайди.

Альберт учун буларнинг барчаси умумий гаплар ...ҳисобланарди. Шунда мен унга, яқиндагина сувдан ўлик ...ҳолда топилган қизни эслатдим ва бу қиз фожиасини ...қайта ҳикоя қилдим:

– Бир хилдаги кундалик ишлар, уй юмушларининг ...тор доирасида ўсган, фақатгина оз-оздан пул тўплаб со...тиб олган кийимларини якшанба кунлари кийиб, дугона...лари билан шаҳарда сайр қилишга, катта базмда бироз...гина рақс тушишга боришдан, айниқса, бир соат-ярим ...соат қўшниси билан бировларнинг ғийбатими ёки олди...қочди гаплар ҳақидами берилиб гап сотишдан бошқа ...кўнгил очишни билмайдиган ёшгина қизнинг жўшқин ...қалбида ниҳоят, яширин истаклар пайдо бўла бошлай...ди. эркакларнинг хушомадлари буни янада кучайтиради, ...илгариги қувончлар энди уни қониқтирмайди ва ниҳоят, ...у шундай кишини учратадики, аллақандай кўзга кў...ринмас бир туйғу уни ўшанга томон торта бошлайди, ...унинг барча умидлари фақат ўшанга қаратилади, у бутун ...борлиқни унутади, ҳеч нарсани эшитмайди, кўрмайди, ...сезмайди, фақат ўшанигина қўмсайди. Бетайин туйғунинг

пуч лаззатидан сабоқ олмаган қиз, мақсадга интилади: ўшаники бўлишни, ўзи истаган бахтга бирга етишишни, ўша интилган барча қувончлардан роҳатланишни истайди. Тинимсиз ваъдалар умидларига мадад беради, беҳад эркалашлар ундаги ҳис-туйғуни янада оширади, бутун қалбини ром этади; у барча шодликлардан олдиндан лаззатланиб, телбалардек тентирайди; ниҳоят, у бағрини очиб, ўз орзуларига пешвоз чиқади ва... севгилиси уни ташлаб кетади. Эсанкираган, ақлини йўқотган ҳолда у чуқур жар ёқасида турибди, ҳамма ёқ зулмат қўйнида: на бирор тасалли, на бирор умид нишонаси бор! Ахир уни севгилиси ташлаб кетган, унинг бутун ҳаёти ўшанга боғлиқ эди-да! У атрофидаги дунёни ҳам, йўқотганининг ўрнини босиши мумкин бўлган кишиларни ҳам кўрмайди, ўзини якка-ёлғиз, бутунлай ташландиқ ҳис этади... ва даҳшатли маънавий қашшоқликдан сиқилганича, бутун изтиробларини ҳар томондан бостириб келаётган ўлимга ғарқ қилиш учун кўзини чирт юмади-да ўзини пастга отади. Кўрдингми, Альберт, бу кўпларнинг қисмати! Айт-чи, шу ҳам касаллик аломати эмасми? Киши бир-бирига қарама-қарши кучлар тўсиғидан қутулишга йўл тополмайди ва ҳалокатга учрайди. Бу воқеаларни кузатаркан: „Тентак! Сабр қилсанг бўларди-ку, пайти келиб, иккиланишлар йўқоларди, тасалли бера оладиган бирорта киши топилиб қоларди, ахир!“ дейдиган кишини мен қоралайман. Бу ҳам худди: „Тентак! Қизиқконлик туфайли ўлиб кетди. Ўзини қўлга олса, юрагидаги туғён, жўшқинлик босилгунча чидаса бўларди-ку: унда ҳамма нарса ўз изига тушган, мана ҳозир яшаётган бўларди!“ деган гапнинг ўзгинаси.

Альбертни бу мисол ҳам унчалик қониқтирмади ва менга ақлдан озган бир қизни мисол қилиб кўрсатдинг, деб фикримни рад этди. Дунёқараши кенг, кўпни кўрган ақлли бир одам шуни ҳам англаб етолмаса, бундай кишини оқлаб бўлармишми?

– Дўстим! – мурожаат қилдим унга, – инсон ҳамиша инсондир. Одамдаги қизиққонлик шиддатли тус олган пайтда ундаги заррача ақлнинг деярли аҳамияти қолмайди



ва у инсонликка хос чегарадан чиқиб кетади. Айниқса... Бу ҳақда бошқа пайт гаплашармиз, – дедим-да, шляпамни қўлга олдим. Оҳ, шу пайтда юрагим тўлиб турарди!.. Бир-биримизни тушунмасдан хайрлашдик. Бу дунёда камдан-кам кишилар бир-бирларини тушунадилар.

## 15 август

Шу нарса аниқки, дунёда муҳаббатгина кишини азиз қилади. Мен буни Лотта мисолида сезаман; мени йўқотиш унга оғир бўлган бўларди, болалар эса менинг ҳар куни келишимгагина кўз тикадилар. Бугун Лоттанинг фортепианосини тузатиш учун уларникига бордим, лекин дарҳол ишга киришолмадим, чунки болалар эртак айтиб берасиз, деб туриб олишди. Лотта ҳам уларнинг илтимосларини бажаришимни истарди. Уларга кечки овқатга мен нон улашдим. Улар нонни мендан ҳам худди Лоттадан олгандек, бажонидил оладилар. Шундан сўнг уларга банди қилинган малика[1] ҳақидаги севимли эртакларини айтиб бердим. Уларнинг бундан олган таассуротларидан ҳайратда қоламан, ишонасанми, ўзим болалардан кўп нарса ўрганяпман. Баъзан бирорта воқеани ўзимдан тўқиб айтишга тўғри келади, агар янаги сафар бунинг бирор жойи хаёлимдан кўтарилиб қолса, улар дарҳол, аввал бошқача эди, деб қолишади, шунинг учун мен ҳеч бир ўзгартириш киритмасдан, ҳаммасини бир бошдан худди ипга тизилгандек айтиб беришга ҳаракат қиламан. Бундан шундай хулосага келдимки, агар ёзувчи ўз асарининг иккинчи нашрига бадиий жиҳатдан мукаммал тузатишлар киритса-да, барибир, бу, китобга зиён келтиради. Кишилар илк таассуротга кўпроқ бериладилар ва ҳар қандай ҳақиқатдан узоқ нарсаларга ҳам ишонаверадилар, у мияга чуқур ўрнашади; бу билан ҳисоблашмайдиган одам хато қилади.

[1] Ушбу эртакда тасвирланган малика нон-сувни қамоқхона деворларидан ғайритабиий ҳолда ўсиб чиқадиган қўлларидан олади. (Тарж.)

## 18 август

Нега шунақайкин-а, кишига бахт келтирувчи нарса, унинг азобларига ҳам йўл очиб беради?

Менга шу қадар роҳат бағишлаган, кўзимга ёруғ дунёни бамисоли жаннат кўрсатган табиатга бўлган улкан ва эҳтиросли муҳаббатим энди бениҳоя азобга айланган, у худди бераҳм шарпадек ҳамма жойда менга эргашиб юради. Авваллари чўққига чиқиб, дарёдан тортиб узоқ тепаликларгача, бутун гуллаётган водийни кузатардим ва теварак-атрофдаги ҳамма нарса ўсаётганини ҳамда ҳаёт қайнаётганини кўрардим. Этагидан тортиб чўққисигача сервиқор, қалин дарахтлар билан қопланган тоғларга, ажойиб ўрмонлар соя ташлаб турган, эгри-бугри бўлиб кетган водийларга тикилардим; тинч дарё шивирлаб турган қамишлар оралаб оқар, кечки енгил шабадада кўкда сузаётган оппоқ булутлар сувда акс этарди; ўрмонни жонлантирган қушларнинг ғала-ғовурига қулоқ солардим; миллионлаб пашша тўдалари ботиб бораётган куёшнинг қизил шуъласида ғужғон ўйнашарди ва охирги ёруғ шуъла ғувуллаётган қўнғизни майса орасидан тортиб чиқарарди. Атрофимдаги ҳаракат ва қий-чувлар назаримни ерга тортарди, мен турган яланғоч чўққидан озиқ олувчи йўсин ҳамда яйдоқ кумтепаликда ўсган буток – буларнинг ҳаммаси менга табиатнинг қайноқ, муқаддас ички дунёсини кўз-кўз қиларди; ўшанда ҳамма нарса тўлқинли қалбимдан жой оларди. Табиатнинг бу тўкинсочинлиги ичида ўзимни гўё кўкда ҳис этардим, бепоён оламнинг жозибали манзаралари борлиғимни туғёнга соларди. Улкан тоғлар мени қуршаб турар, жарликлар олдимда ястаниб ётар, шиддатли оқим пастга югурар, дарёлар оёғим остидан оқиб ўтарди. Ўрмон ва тоғларнинг товуши эшитилиб турарди; мана шу ақлга сиғмас кучларнинг мутаносиблиги ерда яратувчилик ролини ўйнарди; ер устида ва осмон остида эса беҳисоб турли-туман мавжудотлар ғимирлашар, уларнинг ҳамма-ҳаммаси хилма-хил шаклга эга. Одамлар бўлса, бир жойга тўпланишиб,



уйларига бекинишиб оладилар-да, биз бутун дунёга ҳукмронлик қиламиз, деб кеккаядилар! Бедаво шўрлик! Фикр доиранг шу қадар тор бўлгани учун ҳам ҳамма нарсага шундай тор назарда қарайсан! Осмонўпар чўққидан, инсон оёғи етмаган саҳродан тортиб, номаълум уммон қирғоқларигача Тангрининг назари тушади ва яшаётган ҳамда уни англайдиган ҳар бир заррачадан шодланади... Оҳ, ўша пайтларда мен бошим узра учиб ўтаётган турнанинг қанотларига ўтириб кўз илғамас денгиз қирғоқларига етишни, абадий барҳаётликнинг лиммо-лим косасидан ҳаёт лаззатини симиришни, ўзида ва ўзи орқали ҳамма нарсани яратаётган кучнинг роҳатини заррача бўлса-да ҳис этишни чунонам истардимки!

Биласанми, қадрдоним, ўша лаҳзаларни хотирлашнинг ўзиёқ менга ҳузур бағишлайди. Ўша таърифга сиғмайдиган туйғуларни хотирада қайта тиклаш, уларни ифодалашга уринишнинг ўзиёқ қалбимни тўлқинлантиради ва ҳозирги ҳолатимнинг даҳшатини янада кўпроқ сезишга ундайди.

Гўё кўз олдимдаги сирли парда кўтарилган-у, кенг, ёруғ дунё мен учун мутлақ очиқ лаҳаднинг тубсиз қаърилек туйилади. „Бу ўша! Ўткинчи дунё! Ҳаммаси яшин тезлигида ўтади, ўз ҳаётидаги имкониятларни ишга солиб улгурмасдан тўлқинга ғарқ бўлади. Оҳ! Тошларга урилиб, ҳалокатга учрайди“, деб айта олармидинг? Бирор дақиқа йўкки, сени ва яқинларингни емирмасин, бирор дақиқа йўкки, ўз ихтиёрингдан ташқари бўлсада, бузғунчи бўлмасанг; кичик бир сайр ҳам минглаб қумурсқаларнинг ҳаётини қуритади, биргина қадам ташлашинг шўрлик чумолиларнинг машаққат билан қурган уяларини вайронага айлантириб, бутун бир кичкина дунёни ер билан яксон қилади. О, йўқ, менга таъсир қилган нарса фавқулодда очарчиликлар, қишлоқларингизни ювиб кетувчи селлар, шаҳарларингизни ютиб юборувчи зилзилалар эмас; қалбимни ўртаган нарса барча мавжуд нарсаларни емиришдан ўзгага ярамайдиган, табиат қўйнида яшириниб ётган ҳолдан тойдирувчи кучдир. Мен шу ал-

фозда кўрқувдан тентирайман. Атрофимда ер, осмон ва унинг ҳаётбахш кучи ҳукмрон, мен эса ҳамма нарсани ямлаб ўз қаърига тортувчи тубсиз жарликдан бошқа ҳеч нарсани кўрмайман.

### 21 август

Эрталаб оғир уйқудан кўз очиб, унга беҳудага қўлларимни чўзаман; кечаси ширин туш кўриб, у билан гўё чаманзорда ёнма-ён ўтирган ва қўлларини минглаб бўсаларга кўмиб ташлаганимда, бекорга уни тўшагимдан излайман. Ўша ширин туш кайфида унга интиламан ва бирданига уйғониб кетаман, оҳ! Эзилган юрагим кўз ёшлари селига бардош беролмай, зулматга элтувчи истиқболим учун ўксиб-ўксиб йиғлайман.

### 22 август

Вильгельм! Бу чинакам бахтсизлик! Мендаги жўшқинлик ўрнини қандайдир беқарор лоқайдлик эгаллаган, бекор ҳам ўтиролмайман, бирор иш ҳам қилолмайман. Менда тасвирлаш қобилияти ҳам қолмаган, табиатни ҳам ҳис этмайман, китоблар кўнглимни айнитади. Ўз-ўзимиздан жудо бўлдикми, демак, биз учун ҳамма нарса йўққа чиқади. Ишонасанми, эртанги кунимда бирор мақсад, интилиш ва умид билан уйқудан уйғониш ниятида, баъзан, ҳатто мардикор бўлишни ҳам истаб қоламан. Қулоқларигача қоғозга кўмилиб ишлаб ўтирган Альбертга кўпинча ҳавасим келади. Агар унинг ўрнида бўлсам, ажойиб бўларди, дея фараз ҳам қилиб қўяман. Уқтирганингдек, элчихонада менга рад қилмасликлари мумкин бўлган вазифани эгаллаш мақсадида сенга ва вазирга ёзишга бир неча марта ҳаракат қилдим. Ўзим ҳам рад қилмасликларига ишонаман: вазир анчадан буён менга нисбатан илтифотли, бир неча марта, бирор ишга жойлаш, деб маслаҳат ҳам берди. Бир қанча вақт хаёлим шу билан банд бўлади, кейин эса яхшилаб ўйлайманда, озодликнинг қадрига етмай, ўз ихтиёри билан ўзини



эгарлашга ҳамда эзиб минишларига йўл қўйиб берган от ҳақидаги масал ёдимга тушади[1]... Нима қилишим кераклигини ўзим ҳам билмайман... Қимматли дўстим! Аҳволимни ўзгартиришга бўлган интилишим ҳамиша менга эргашиб юрадиган оғир бир ички нотинчликдир, балки?

### 28 август

Менинг дардимга шифо топиб бўлганида эди, шубҳасиз, бу мана шу одамларнинг қўлидан келарди. Бугун туғилган куним, азонлаб Альбертдан битта тугунча олдим. Уни очдим-у даставвал, биз илк марта танишганимизда Лоттанинг кўйлагида кўрганим ва ундан бир неча марта илтимос қилганим пушти ранг бантлардан бирига кўзим тушди. Бунинг ёнида яна миттигина иккита китобча бор эди, булардан бири Гомернинг кичкина Ветштайн нашри[2] бўлиб, сайр пайтида ҳаддан зиёд катта Эрнести нашрини[3] кўтариб юрмаслик учун уни анчадан буён қидириб юрган эдим. Кўряпсанми, улар менинг истакларимни сезадилар ва кичкина бўлса-да, дўстона илтифот кўрсатишга интиладилар. Булар, дабдабали совғалари билан кеккайиб, бизни ерга урадиган кишиларнинг тортиқларидан минг марта афзалроқдир. Мен бу бантни тинимсиз ўпаман ва ўша қайтиб келмас, кинка, бахтли кунлар бахш этган роҳатни хотирлаб, шунинг билан руҳланаман. Шунақа гаплар, Вильгельм, мен нолидан руҳланаман.

---

[1] Бу антик даврдан қолган масал бўлиб, буғудан қочаётган от ёрдам сўраб одамга мурожаат қилади ва унга бир умр хизматкор бўлиб қолади. (Тарж.)

[2] **Ветштайн нашри** – амстердамлик матбаачи И. Г. Ветштайн томонидан нашр қилинган Гомер асарларининг юнон ва лотин тилларидаги тўплами (1707).

[3] **Эрнести нашри** – лейпциглик филолог, дин назариётчиси И. А. Эрнести нашр қилдирган 5 жилдлик Гомер асарлари тўплами. 1759–1764 йилларда Лейпцигда юнон ва лотин тилларида босилган. (Тарж.)

майман; ҳаёт гуллари фақат хаёлдангина иборат! Уларнинг қанчаси из қолдирмасдан йўқолиб кетади! Фақат озгина қисми ҳосил беради ва бу ҳосилнинг ҳам жуда ози етилади! Шунинг ўзи ҳам етарли бўлади, аммо... дўстим! Наҳотки биз бу меваларни назардан қочирамиз, писанд қилмаймиз, уларни татиб кўрмасдан, чириб кетишига йўл қўямиз!

Хайр! Ҳозир гўзал ёз. Кўпинча Лоттанинг боғига чиқаман-да, узун ёғоч билан тепадаги пишган ноклари қоқаман. Лотта бўлса, пастда туриб уларни илиб олади.

### 30 август

Телба эмасманми мен шўрпешана? Ўз-ўзимни алдамаяпманми? Бунчалик жиловлаб бўлмас ҳадсиз интизорликнинг нима ҳожати бор? Мен фақат унгагина топинаман; хаёлимда фақат ўшанинг қиёфаси кезади, оламдаги ҳамма нарсани фақат ўша билан муносабатда кўраман. У билан қанчалаб бахтли онларни кечиряпман, лекин барибир, ундан ажралишим керак!.. Оҳ, Вильгельм! Қалбим мени гоҳида қаёқларга элтмайди!

Ундаги чирой, латофатдан, сермаъно сўзларидан роҳатланиб ёнида икки-уч соатлаб ўтирсам, ҳис-туйғуларим борган сари кучайиб кўз олдим қоронғилашади, бир нарса худди яширин қотилдек томоғимдан бўғади, юрагим дукуллаб, туйғуларга йўл очишга уринади ва изтиробимни баттар оширади... Вильгельм, кўпинча дунёда бор-йўқлигимни ҳам унутиб қўяман... баъзан юрак сиқилиши кучайиб кетса ва Лотта бирозгина бўлса-да, унинг қўллари устига эгилиб, ғам-ҳасратларимни кўз ёшим билан ювишимни истамаса, унда бош олиб чиқиб кетаман! Далаларда тентирайман; тик тоғнинг тепасига тирмашиб чиқиш, бутоқларга урилиб, тиканларга шилиниб, чакалакзорлар оралаб кезиш унда энг олий шодлигим бўлади. Шундан сўнггина бироз ором топаман. Бирозгина! Гоҳида эса толиқиш ва ташналикдан йўлда йиқилиб қоламан, гоҳо ярим тунда тўлин ой нурида



ками ўрмондаги қийшиқ бутоқда ўтириб шилинган оёқларимнинг ҳордиғини ёзаман ва тонготарда ҳолдан тойиб мудраб кетаман! Оҳ, Вильгельм! Яккаю ёлғиз ҳужра, килдан тўқилган жанда ва кишаннигина қўмсайди қалбим. Хайр! Бу изтиробларнинг интиҳоси ўлимдан бошқа нарсага элтади, деб ўйламайман.

### 3 сентябрь

Мен кетишим керак! Қароримни қувватлаганинг учун раҳмат сенга, Вильгельм! Икки ҳафтадан буён, ҳузуридан йироқлашишим керак, деган фикр билан тентираб юрибман. Кетишим керак. У яна шаҳарлик бир дугонасиникида меҳмондорчиликда. Альберт эса... қисқаси... мен кетишим керак!

### 10 сентябрь

Бу шундай кеча бўлдики, Вильгельм! Энди мен ҳаммасига чидаёламан. Уни ортиқ ҳеч қачон кўрмайман! Оҳ дўстим, сенинг кўксингга ўзимни отиб, юрагимни ўртаётган ҳисларни алам ва маржон-маржон кўз ёшларим билан ифодалаб беролсам эди! Ҳозир бу ерда бўғилиб, қалб туғёнимни босишга уриниб ўтирибман ва тонг отишини кутяпман, отларни эрта тонгда келтиришади.

Оҳ, у бўлса, мен билан бошқа кўришолмаслигини хаёлига ҳам келтирмай, тинчгина ухлаяпти. Икки соатлик суҳбатда ўз ниятимни сездирмасдан ундан ажралишга ўзимда куч топдим. Ё Тангрим, яна қандай суҳбат дегин!

Альберт менга, кечки овқатдан сўнг Лотта билан боққа сайрга чиқишини айтди. Мен эса улкан каштан дарахтлари остидаги айвонда туриб, охирги марта севимли водий, тинч дарё устида ботаётган қуёшни кузат ардим. Ана шу гўзал манзарани томоша қилиб, неча марталаб мен у билан турганман, энди эса... ўзим учун азиз бўлиб қолган бу хиёбон бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Лотта билан танишмасимдан олдин ҳам қандайдир сирли бир куч мени шу гўшага етакларди, учрашувимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу жойга ҳар иккимизда ҳам

ихлос зўрлигини сезганимизда қанчалик севинган эдик, бу чиндан ҳам санъаткор қўли билан яратилган самовий гўшалардан бири эди.

Олдин каштан дарахтлари орасида кенг майдон кўз олдингда намоён бўлади. Айтганча, бу ҳақда сенга неча марталаб ёзгандим шекилли: баланд эман дарахтлари бир-бирига чирмашиб кетган, ёндош чакалакзор таъсирида хиёбон ҳамиша қоп-қоронғи бўлади ва у ҳар томондан ўралган бурчакка бориб тақалади, бу бурчакда мудом даҳшатли танҳолик ҳукм суради. Бир куни ёзда бу ерга илк марта келганимизда, мени қандай ҳаяжон қамраб олгани ҳозир ҳам ёдимда: бу гўша қанчалар роҳат ва изтироблар макони бўлишини ўшанда ўзимча яққол тасаввур қилгандим.

Ярим соатлар чамаси висолу ҳижроннинг азобли ва ширин хаёлларига берилиб турганимда, уларнинг айвонга кўтарилаётганларини эшитдим. Мен уларнинг истиқболига югурдим, титраганча Лоттанинг қўлидан тутдим-да, уни лабларимга тегиздим. Бутазор тепалик ортидан ой кўтарилганда биз эндигина юқорига чиққан эдик; у ёқ-бу ёқдан гаплашиб қоронғи айвонга етганимизни сезмай қолдик. Лотта ичкарига кириб ўриндиққа ўтирди. Альберт унинг ёнидан жой олди, мен ҳам; лекин ички ҳаяжон таъсирида ўтира олмадим, туриб кетдим, уларнинг олдида тик турдим, у ёқ-бу ёққа юрдим, қайта ўтирдим: бу даҳшатли бир ҳолат эди. Лотта қора қайинзор охиридаги фусункор ой нурига чўмган айвонга диққатимизни жалб этди. Ғоят латиф манзара! Биз бу ерда тим қоронғиликда турганимиз учун у жой янада жозибалироқ кўринарди. Биз жим ўтирардик, бироздан кейин Лотта гап бошлади:

– Агар ойдинда сайр қилсам ҳамиша марҳумлар хотираси кўз олдимда гавдаланади-да, келажак ва ўлим ҳақидаги ҳислар мени қамраб олади. Биз йўқ бўлиб кетмаймиз, – давом этди у ёқимли овоз билан, – Вертер, биз яна қайта учрашамизмикан? Бир-биримизни таниёламизми? Сиз қандай ўйлайсиз? Нима дейсиз шунга?



– Лотта, – дедим унга қўлларимни узатиб, кўзларим жиққа ёшга тўлди, – биз, албатта, учрашамиз! Бу ерда ҳам, у ёқда ҳам кўришамиз.

Вильгельм! Мен ортиқ гапиролмадим, қалбимни айрилиқ хаёли ўртаётганда, унинг шу ҳақда сўраши шартмиди?

– Меҳрибон марҳумлар билармиканлар, – яна гап бошлади у, – хушвақт пайтларимизда уларни эҳтиром билан хотирлашимизни сезармиканлар. О! Сокин кечаларда унинг болалари, ўзимнинг болаларим ўртасида ўтирганимда ва улар худди уни ўраб олгандек атрофимга тўпланишганда, онамнинг сиймоси кўз олдимга келарди. Соғинч ёшлари билан осмонга кўз тикиб, унинг бир зумгина бу ёққа назар ташлашини ва ўлими олдидан, болаларига она бўлиш учун берган сўзим устидан чиқаётганимни биргина марта кўришини истардим. Унга қанчалик илтижо қиламан: „Меҳрибоним, агар сенинг ўрнингни тўлиқ босолмаётган бўлсам, кечир! Оҳ! Ахир мен қўлимдан келган ҳамма нарсани қиляпман-ку! Уларни кийинтиряпман, едириб-ичиряпман, энг муҳими, севиб эркалаяпман! Биздаги тотувликни кўрсанг эдинг, жуда онагинам! Унда сен, ўлиминг олдидан болаларинг бахти учун кўз ёши тўкиб топинганинг Яратган эгамга минг карра шукур қилган бўлардинг!“

У ана шуларни айтди! Оҳ, Вильгельм, ким ҳам унинг гапларини такрорлай оларди! Совуқ, ўлик ҳарфлар бу руҳнинг илоҳий қудратини қандай ифодалаб бера олсин!

Альберт меҳрибонлик билан унинг гапини бўлди:

– Бундай қилиб ўзингизни қийнаманг, азизим Лотта, биламан, сиз бунақа туйғуларга тез берилasiz, лекин илтимос, кераги йўқ...

– Оҳ, Альберт, – деди у, – отам сафарда бўлган пайтларда болаларни ухлатиб, учаламиз юмалоқ стол атрофида бирга ўтказган кечаларни, биламан, унутмайсан. Сен кўпинча бирорта қизиқ китоб келтирардинг, бироқ камдан-кам уни ўқирдинг, чунки ўшандай гўзал, мулойим, қувноқ, ишлаб толмас, софдил аёл билан сух-

батлашиш дунёда ҳамма нарсадан ортиқ эди-да! Кечалари тиз чўкиб, мени ҳам унга ўхшатгин, деб илтижо билан тўккан кўз ёшларимни Тангри инобатга олди.

– Лотта! – дея қичқирдим ва унинг олдида тиз чўкиб, қўлларини беҳисоб кўз ёшларим-ла ювдим. – Лотта! Тангри марҳамати ва волидангиз руҳи ҳамиша сизнинг тепангизда ҳозир!

– Сиз уни билсангиз эди! – деди Лотта менинг қўлларимни қисар экан, – у сиз билан танишишга лойиқ инсон эди!

Ҳаяжондан нафасим қисилаёзди. Ҳали ҳозиргача ўзим ҳақимда бунчалик юксак, беҳад манзур мақтов эшитмагандим. У сўзида давом этди:

– Мана шундай аёл, ҳаётининг гуллаган даврида оламни тарк этди, кенжатойи ҳали олти ойлик ҳам бўлгани йўқ эди. Касали узоқ чўзилмади, у тинч ва хотиржам эди. Фақат болалари, айниқса, кенжаси учун куйинарди. Аҳволи оғирлашгач, менга: „Болаларни ёнимга келтир!“ – деди. Болаларни олиб кирганимда, улар онам тўшагини ўраб олишди, катталари ғамдан ўзини йўқотиб қўйишган, кичиклари эса ҳеч нарсани тушунишмасди. Онам қўлларини юқори кўтариб, ўшалар ҳаққи Тангрига ёлворди ва ҳар бирини ўпгач, уларни чиқариб юборди-да, менга васият қилди:

– Уларга она бўл! – Мен унга қўлимни узатдим. Қизим! – деди у, – сен уларга оналик вужудинг ва оналик эътиборингни бахшида қил. Бунинг нима эканини хис этишингни, сенинг қайноқ кўз ёшларингданоқ бир неча марта сезгандим. Укаларинг учун она, отанг учун эса садоқатли ва меҳрибон аёл ўрнини бос! Унга тасалли бер!

Кейин отамни сўради. Отам эса чексиз аламини биздан яшириш мақсадида уйдан чиқиб кетганди, батамом ўзини йўқотиб қўйган эди. Альберт, сен ўшанда хонада эдинг. Онажоним кимнингдир юрганини сезди-да, бу сен эканлигингни билгач, ёнига чақирди. Кейин иккимизга



тинч, хотиржам, очиқ чеҳра билан, сизлар биргаликда бахтли бўласизлар, дегандек назар ташлади.

Альберт уни бағрига босиб ўпаркан, хитоб қилди:

– Биз бахтлимиз! Бахтли бўламиз!

Ҳатто ҳамиша хотиржам Альберт ҳам ўзини тутолмай қолди. Мен бўлсам, ўзимни тамоман йўқотган эдим.

– Вертер! – мурожаат қилди у менга, – қаранг, шундай аёл дунёдан кўз юмса-я! Э, Яратган эгам! Ҳеч ақлим етмайди, қандай қилиб одам ҳаётдаги энг севимли кишисини олиб кетишларига чидаб тура олади-я. Ҳеч ким буни болаларчалик чуқур хис эта олмайди. Улар, онамизни ёвуз одамлар олиб кетишди, деб анча вақтгача бекорга зорланиб юришмади, ахир!

У ўрнидан турди. Мен бўлсам, ҳаяжон ва изтиробда жойимдан жилмасдан, унинг қўлини тутиб турардим.

– Кетайлик, – деди у, – алламаҳал бўлди. – У қўлини тортиб олмоқчи бўлди, мен уни қаттиқроқ қисдим.

– Биз қайта кўришамиз, – дедим мен, – биз топишамиз. Ҳар қандай қиёфада ҳам бир-биримизни танийми. Мен ўз ихтиёрим билан кетяпман, – давом этдим мен, – ҳар ҳолда „умрбод кетяпман“ дейдиган бўлсам бунга кучим етмасди, деб ўйлайман.

Хайр, Лотта! Хайр, Альберт! Биз яна кўришамиз.

– Балки эртага кўришармиз, – деди Лотта ҳазиллашиб.

– Бу „эртага“нинг нима эканлигини мен биламан! Оҳ! – У қўлини тортиб олаётиб сезса эди... Улар ой нурига чўмган хиёбон бўйлаб кетишди. Уларнинг кетидан кузатиб турдим-да, кейин ўзимни майсалар устига ташлаб юм-юм йиғладим. Ўрнимдан отилиб турдим-да, айвон четига бордим, пастда, баланд қайин дарахтлари соясидаги боғ эшиги олдида оқ ҳарир кўйлагининг ҳилпираганига кўзим тушди; ўша ёққа қўлларимни чўздим. У ғойиб бўлди.

## ИККИНЧИ КИТОБ

### 1771 йилнинг 20 октябри

Бу ерга кеча етиб келдик. Элчининг тоби йўқрок, бир неча кун ишга чиқмаса керак. У бунчалик ичи кора бўлмаганда эди, иш жойида бўларди. Қисматим менга оғир синовлар ҳозирлаётганини сезяпман, сезиб турибман. Аммо дадил бўлиш керак! Бепарворок бўлсанг, ҳамма нарса енгил кўчади! Бепарво бўлиш! Менинг қаламим шунақа сўзларни ёзаётганига кулгим қистайди. Оҳ, бирозгина бепарво бўла олсайдим, одамларнинг энг бахтлиси ҳисобланардим. Нима? Бошқалар ўзларининг арзимас кучлари ва қобилиятларини намойиш қилиб олдимда вазминлик билан кеккайишиб юришса-ю, мен ўз кучим ва истеъдодимдан иккиланиб ўтирайми? Кудратли Тангрим! Менга нисбатан шу қадар сахийлик қилганингда, нега шунинг ярми ўрнига бефарқлик ва ўз-ўзимга ишонч ато этмадинг?

Сабр қилиш керак, сабр! Ҳаммаси ўз изига тушади. Бу хусусда сен тамоман ҳақсан, азизим. Бутун кунларимни одамлар орасида ўтказиб, уларнинг қай тарзда ҳаёт кечираётганларига разм сола бошлаганимдан буён ўз аҳволимга анча кўникиб қолдим. Ўзимизни бошқа нарсаларга, бошқа ҳамма нарсаларни ўзимизга қиёслаймиз, чунки биз шундай яратилганмиз. Ғаму шодлик ҳам биз муносабатда бўладиган нарсаларга боғлиқ, бунда энг хавфлиси ёлғизликдир. Поэзиянинг хаёлий образларидан озиқ олган, табиатан юксакликка интилувчи тасаввуримизда шундай кишилар қиёфаси яратилганки, улар биздан гўё юқори туради, ўзимиздан бошқа ҳамма нарса бизга жозибалироқ туйилади ва ҳар қандай бошқа одамни ўзимиздан кўра етукроқ деб ўйлаймиз. Бу мутлақо табиийдир. Ўзимизда кўп хислатлар етишмаётганини ҳар қадамда ҳис этамиз, уларни ўзга кишиларда кўрамиз, ўзимизда мавжуд фазилатларни ҳам унга ёпиштириб, яна бунинг устига уни руҳан тинч, беғам,



деб ўйлаймиз. Шундай қилиб, биз хаёлан яратган бахтли инсон тайёр. Аксинча, гоҳида иккиланиб, қудратимизга ишониб-ишонмай зўрға олдинга силжисак ҳам, бор кучини ишга солиб, жадал ҳаракат қилганлардан кўра, йиқилиб-чалишиб бўлса-да, илгарироқ кетганимизни сезамиз, шунда бошқаларга етиб, ҳатто ўзиб кетиб, ўзингга бўлган ҳақиқий ишончни ҳис этасан киши.

### 1771 йилнинг 26 ноябри

Ҳар қалай бу ерга кўника бошладим. Энг муҳими, иш кўп. Бундан ташқари, турли хулқ-атворли, ҳар хил тоифадаги кишилар билан аралашиб, шулар билан овуниб юрибман. Мен граф К... билан танишдим, борган сари унга бўлган ҳурматим ошяпти. У улкан ва теран ақл эгаси, лекин бу билан кеккаймайдиган, фикри кенг киши. Унинг муносабатларида одамохунлик ва олижаноблик ҳисси бирам балқиб турадики! Хизмат юзасидан берилган топшириқни бажаришда ундан ёрдам сўраганимда, у мендан маслаҳатини аямади. Биз бир-биримизни тушунишимизни ва мендан ўзга бирор киши билан бундай муомала қилиб бўлмасликни илк сўзларидаёқ уқтирди. Ўз навбатида, мен ҳам унинг менга нисбатан очиқкўнгиллигини тасвирлашдан ожизман. Рост гап, сенга ўз бағрини очган буюк қалбнинг иссиқ меҳрини туйишдан ҳам ортиқроқ шодлик дунёда бўлмаса керак.

### 1771 йилнинг 24 декабри

Элчи жонимдан тўйдириб юборди, шундай бўлишини аввалдан билгандим. У учига чиққан аҳмоқ, бунақаси ҳали дунёга келмаган. У худди эзма хотинлардек қилдан қийиқ ахтаради. Ҳамиша ўз-ўзидан норози, бунинг устига бирор марта ҳам унинг кўнглини тополмайсан. Менга нима бўлипти: ёзувлар қандай турган бўлса, шундоқлигича кўчирибман. Баъзан у қоғозни қайтариб: „Ҳар ҳолда дурусту, шундай бўлсаям яна бир кўриб чиқинг, янаям мосроқ сўз ёки тўғрироқ иборалар топиш мумкин

бўлар", дейишдан ҳам тоймайди. Шунда қоним қайнаб кетади. Ҳатто бирорта боғловчи ҳам тушиб қолмаслиги керак. Гоҳида билмасдан бирор сўзнинг ўрнини алмаштириб қўйсам, жон-пони чиқиб кетади. Жумлалар ҳамма вақт аниқ бир тахлитда тузилиши лозим, акс ҳолда у ҳеч нарса тушунмайди. Бундай одам билан ишлашнинг турган-битгани азоб.

Менинг бирдан-бир юпанчим – граф К... билан дўстлигимдир. Яқинда у элчининг инжиқлиги ва ланжлигидан норози эканлигини очиқ-ойдин айтди.

– Бундайлар ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнашади, лекин довондан ошиб ўтишга мажбур сайёҳдек, шароитга кўникишга мажбурсан, киши, – деди у, – ана шу довон бўлмаса йўл қулайроқ ва қисқароқ бўларди-ю, лекин ўша довон бор, демак, ундан ошиб ўтиш шарт.

Графнинг менга илтифот кўрсатишини чол сезади, бу унинг ғашини келтиради. У менинг ҳузуримда графни ғийбат қилиш учун ҳар қандай қулай имкониятдан фойдаланади. Табиийки, мен бўш келмайман, бундан аҳвол тобора оғирлашади. Айниқса, кеча ғазабим қайнади, чунки у менга ҳам тил тегизиб ўтди: дунёвий таомилларга граф жуда уста, ишда қўли анча эпчил, қадами ҳам хийла дадил эмиш-у, лекин бошқа барча адабиётчилар сингари чуқур билимдонликда ажралиб турмасмиш.

Бунинг устига юз ифодаси гўё: „Қалай, бопладимми?" деб турарди. Барибир, бу менга заррача ҳам таъсир қилмади. Мен шундай ўйлайдиган ва ўзларини шу тахлит тутадиган одамлардан нафратланаман. Граф, ўз хислатлари билан ҳам, билими билан ҳам ҳар қандай ҳурматга лойиқ кишидир.

– Ўз билимини кенгайтириб, уни умум манфаатига бағишлашга ва кундалик ҳаётда шу даражада фаол иштирок этиш бахтига муяссар бўлган кишиларни камдан-кам учратганман, – дедим мен. Ачиган калла учун бу гаплар хитой девори эди; яна қандайдир ортиқча сафсата туфайли бутунлай хунобим ошмасин деб, тезроқ чиқиб кетишга шошилдим.



Ишла, ишла, деб бошимни айлантираверib, мени шу кишанга боғлаган сизлар айбдорсизлар. Иш эмиш! Картошка экиб, ҳосилини шаҳарга элтиб сотадиган одам мендан кўра кўпроқ фойда топади. Агар гапим ёлғон бўлса, ўзим михланиб қолган мана шу дўзахда яна ўн йил ишлашга тайёрман. Атрофимда ғимирлашиб ётган жоҳил одамлар ичида зерикишни, ғаройиб қашшоқликни айтмайсанми?! Улардаги шахсиятпарастлик, бир-биридан игина бўлса-да олдинга кетиш учун ҳушёр туришлар, кузатишлар – бу очиқ ҳолдаги ўта пасткаш, ўта расво интилиш. Масалан, бир аёл, дуч келган одамга ўзининг мулки ва шуҳрати ҳақида мақтанади, ҳар қандай одам ҳам „Вой тентак! Ўзининг арзимас шуҳрати ва мулки ҳақида оғиз кўпиртириб юрипти!" деб ўйлаши мумкин. Ҳаммадан аянчлиси шуки, бу аёл – маҳаллий бошқарма мирзасининг қизи. Эгам ҳаққи, тубан бир ҳолда ўзини шарманда қилишдан тортинмайдиган кишиларга ҳеч тушуна олмайман.

Ростини айтсам, азизим, бошқаларни ҳам ўз тарозида ўлчаш нодонлик эканлигига кундан-кун ишончим комил бўляпти, ўз ташвишларим бошимдан ошиб, қалбим чунонам қайнаб тошяптики, агар бошқалар мени тинч қўйишса, уларга тил ҳам тегизмасдим.

Ярамас ижтимоий муносабатлар, айниқса, жиғимга тегяпти. Табақаларни фарқлаш қанчалик муҳимлигини, ўзимга ҳам бу қанчалик фойдали эканлигини бошқалардан кам билмайман. Лекин бирозгина қувонч, дунёда заррача бахтдан баҳраманд бўлганимда, бу тафовут йўлимга ғов бўлмаса бўлгани. Яқинда сайр пайтида, шундай алғов-далғов ҳаётда кўп фазилатларни ўзида мужассамлаштира олган қиз – фройлайн фон Б... билан танишдим. Суҳбат давомида бир-биримизга маъқул бўлиб қолдик, сайрлашарканмиз, уникига боришга ижозат сўрадим. У шунчалик очиқ кўнгиллик билан марҳамат билдирдики, борадиган вақт бўлгунча тоқатим тоқ бўлди. У бу ерлик эмас, холасиникига меҳмондорчиликка келган.

Кампир кўринишдан менга ёқмади. Мен қўлимдан келганча унга ҳурмат-эътибор кўрсатдим. Суҳбат давомида иложи борича унга мурожаат қилдим. Бироздан кейин шу нарса аён бўлди (бунга кейинроқ қиз ҳам иқрор бўлди): кексалигида бир неча аслзода авлодларидан ўзга на бир таянчга, на фаҳм-фаросатга ва на кўзга кўринарли мулкка эга бўлмаган, ўз ижтимоий мавқеи пардасига ўралиб қолган севимли холаси, аслзодалар табақасига мансублигини пеш қилиб кеккайишдан бошқа ҳузурни билмайдиган банда экан.

Айтишларича, у ёшлигида жуда гўзал бўлган ва дунёни куйдирган, ўз мағрурлиги билан қанчалаб шўрлик йигитларга азоб берган, ҳаётининг гуллаган даврида эса арзимас даромадга қаноат қилиб, у билан умр кечирган ва дунёдан ўтган кекса офицерга бутунлай содиқ бўлиб қолган. Энди бўлса, бева қолган чоғида, борди-ю, суюкли жияни бўлмаганида, унинг танҳолигига ҳеч бир киши қайғурмаган бўларди.

**1772 йилнинг 8 январи**

Расмиятчиликка муккасидан кетган, йиллар давомида бошқалардан бир поғона юқори кўтарилишдан ўзга ўй-фикрлари ва интилишлари бўлмаган одамларни ким деб ҳисоблаш мумкин-а? Уларнинг бундан бошқа ишлари йўқ, деб ўйлаш мумкин: аксинча, ишлари қалашиб ётибди, худди мана шундай тубан, ярамас одатлар муҳим ишларни бажариш истагига халақит беради. Ўтган ҳафта чанғи сайрида жанжал чиқиб, бутун хурсандчилик елга учди.

Мавқенинг мутлақо аҳамияти йўқлигини, юқори мавқени эгаллаган киши камдан-кам асосий ролни ўйнай олишини бу аҳмоқлар нега тушунмайдилар-а? Вазирнинг йўл кўрсатиши билан иш юритадиган қироллар, котибанинг измидан чиқмайдиган вазирлар озми?! Унда кимни биринчи деб ҳисоблаш керак? Менимча, бошқаларни писанд қилмайдиган, бутун куч ва қобилиятларини ўз ре-



жаларини амалга оширишга сарфлаш учун етарли қудрат ҳамда айёрликка эга бўлган кишинигина биринчи деб ҳисобласа бўлади.

**20 январь**

Азизим Лотта, мен Сизга қаттиқ ёмғирдан яшириниб турган мана шу жойим, яъни деҳқонларнинг карвонсаройидан ёзишга мажбурман. Ғамгин шаҳарча Д...да ёт, қалбимга тамоман ёт, бегона одамлар орасида тентирай бошлаганимдан буён, бирор марта, бирор дақиқа ҳам Сизга хат ёзишга ҳафсала қилганим йўқ; аммо дераза-ойнасига қор ва дўл тинимсиз урилаётган мана шу танҳо гўшада, одамлардан йироқда дастлабки хаёлим Сиз бўлдингиз. Бу ерга кирганимданоқ Сизнинг қиёфангиз кўз ўнгимда гавдаланди. Оҳ, Лотта! Бу шундай муқаддас, шундай иссиқ туйғуки! Марҳаматли Тангрим! Шунча муддат давомида илк бахтли дам шу бўлса керак!

Малагим, бу паришонхотирлик гирдобида мени бир кўрсангиз эди! Қалбим гўё музга айланган! Юракни ҳаяжонга солувчи на бирор лаҳза, на бирор лаззатли он бор! Ҳеч нарса! Ҳеч нарса йўқ! Гўёки қўғирчоқ театрида ўтиргандекман-у, кўз олдимда одамчалар ва отчаларнинг қай тахлит ҳаракат қилишларини кузатаман, булар кўзимга кўриняптими, деб кўпинча ўз-ўзимдан сўраб қўяман. Мен ҳам гўё шу театрда ўйнайман, тўғрироғи, мени қўғирчоқдек ўйнатадилар, баъзан қўшнимнинг ёғоч қўлидан тутаман ва даҳшат ичида ортга чекинаман.

Қуёш чиқишини кузатишни кечқурунок мўлжаллаб қўяман, бироқ тонгда тўшакдан қўзғала олмайман. Кундузи эса ойдинда сайр қилиб роҳатланишни кўнглимга тугиб қўяман, қани энди хонамдан чиқолсам. Нега ухлашга ётаман, нега ўрнимдан тураман – буни ўзим ҳам билмайман. Менга ҳаётий қувват бағишлайдиган манба энди йўқ. Тунлари кўзимдан уйқуни олиб қочадиган, уйқумда уйғотадиган нур энди ғойиб бўлган.

Бу ерда аёлларга хос хислатларни ўзида сақлаб қолган бирдан-бир кимса фройлайн фон Б...дир. Уни бироз

Сизга таққослаш мумкин, суюклим Лотта, лекин Сизга тенг келадиган зот бормикан! „Оҳ-ҳо, мақташга ҳам уста бўлиб қолибсиз!“ дерсиз балки. Бунга қисман ҳақлисиз ҳам. Анчадан бери жуда сермулозамат бўлиб қолганман. Чунки бошқача бўлолмайман, кўп ҳазиллашаман, хонимларнинг фикрича, ҳеч ким менчалик қойиллатиб мақтаёлмасмиш. („Алдаёлмасмиш ҳам“, дея қўшимча қиларсиз, эҳтимол, бусиз иш юришадими, тушуняпсизми?) Мен Б... исмли қиз ҳақида гапирмоқчи эдим. Унинг мовий кўзларида қалб туйғулари жилоланиб туради. Юқори табақага мансублигидан заррача ҳам қувонмайди – бу уни қийнайди, холос. У ана шу тор қафасдан қутулишни истайди ва биз соатлаб осойишта қишлоқ ҳаёти ҳақида хаёл қиламиз, оҳ! Сиз ҳақингизда ҳам! У Сизни қанчалар кўкларга кўтаришга мажбур, йўқ-йўқ, мажбур эмас, у ўз хоҳиши билан шундай қилади! Сиз ҳақингизда сўзласамчи, жон қулоғи билан тинглайди. Сизни яхши кўради...

Оҳ, саранжом-саришта хонада Сизнинг қаршингизда ўтиришни, севимли дўмбоқчаларимизнинг атрофимизда қий-чув кўтариб ўйнашларини, Сизнингча, агар улар тўполонни ҳаддан ошириб юборишса, ваҳимали эртаклар айтиб, тинчлантириб қўйишни бирам истардимки!

Кумуш қор қоплаб ётган водий устида қуёш жимирлаб ботиб боряпти, бўрон ўтиб кетди, мен эса... яна ўз қафасимга қайтишим керак...

Хайр! Альберт ёнингиздами? Хўш, қандай? Бу саволим учун Яратганнинг ўзи кечирсин!

### 8 февраль

Бир ҳафтадан буён ҳаво айниган, мен бўлсам бундан шодман. Негаки шу ерга келганимдан бери бирор марта ҳам кайфим чоғ бўлгани йўқ, кимдир расво қилмаган, заҳарламаган бирор кун йўқ. Мана энди ёмғир шаррос қуйиб, гоҳ бўрон қутуриб, ер гоҳ музлаб, гоҳ эриб ётганда, кўчадан кўра уйда ўтириш яхшироқ-ку, ахир, деб ўйлайман-да, енгил тортиб кетаман. Агар эрталаб қуёш



чараклаб очиқ кундан дарак берса, мана, одамлар бир-бирларидан қизғанадиган тағин бир Тангри марҳамати! – деб хитоб қилишдан ўзимни тиёлмайман. Улар саломатликни ҳам, яхши номни ҳам, қувонч ва осойишталикни ҳам бир-бирларидан қизғанишади! Кўпинча нодонлик, тушунмаслик ва калтабинликдан шундай қилишади, гапларига қулоқ солсангиз дурустгина кишиларга ўхшашади. Ичак-човоқларини тилка-пора қилмасликлари учун гоҳида уларга тиз чўкиб ялингим келади.

### 17 февраль

Элчим иккимиз бир-биримизга ортиқ тоқат қилолмаймиз, деб қўрқаман. У ўта ярамас одам. Унинг ишлаш, раҳбарлик қилиш усули шунчалик кулгилики, фикрига қарши гапиришдан ўзимни тутолмайман. Кўпинча, ишни ўз усулимча, ўз фикримдан чиқариб бажараман, табиийки, бу унга ҳечам ёқмайди. Иш шунгача бориб етдики, у устимдан саройга арз қилган ва вазир менга бироз бўлса-да, ҳар ҳолда танбеҳ берди, мен ишдан бўшаш ҳақида ариза беришга шайланиб турганимда, вазирдан шахсий хат[1] олдим, бу шундай мактуб эдики, ундаги буюк донолик ва самимият олдида бош эгишдан ўзга иложим қолмади. Беҳад таъсирчанлигим учун у мени қанчалик қойиган ва мени фойдали интилиш, бошқаларга таъсир ўтказиш ва муҳим ишларга аралашиш ҳақидаги чегарадан ортиқ фикрларимга ёшларга хос дадиллик сифатида қанчалик аҳамият берган, шу билан бирга, уларни бутунлай топтаб ташламасдан, балки бироз юмшатишга ҳамда уларни чинакам рўёбга чиқа оладиган ва кишиларга фойда келтира оладиган йўлга буришга ҳаракат қилган!

[1] Бу обрўли жанобга ҳурмат юзасидан мазкур хат ва кейинроқ эслатиладиган яна бир хат чиқариб ташланган, чунки бундай хатларни ошкор қилишдек журъатни ўқувчиларнинг энг илиқ муносабати ҳам кечириши гумон эди. (Муаллиф изоҳи.)

Бир ҳафта давомида бундан руҳим тетикланди ҳамда ўзимни қўлга олдим. Маънавий сокинлик ва ўз-ўзидан қониқиш заб ажойиб нарса-да! Бу бойлик қанчалик қимматбаҳо ва гўзал бўлгани билан шунчалик мўрт бўлмаганида эди!

**20 февраль**

Тангри ярлақасин сизларни, азизларим, мени маҳрум этган барча яхши кунларни сизларга ато этсин! Мени алдаганинг учун раҳмат сенга, Альберт: мен сизларнинг тўйларингиз ҳақида хабар келишини кутдим ва худди шу куни Лотганинг силуэтини девордан тантанали тарзда олиб, уни бошқа қоғозлар орасига яшириб қўймоқчи эдим. Энди сизлар эр-хотинсизлар, унинг силуэти эса ҳалиям осиғлиқ турибди! Майли, тураверсин! Ахир нега ҳам турмасин? Биламанки, мен сизлар билан биргаман ва сенга халақит бермаганим ҳолда Лотганинг қалбида яшайман, ҳа, у ерда иккинчи ўринни эгаллайман, мана шу ўринга эга бўлишни истайман, буни сақлаб қолишим шарт. Оҳ, борди-ю, у мени унутса... ақлдан озардим. Альберт, бу хаёл мен учун бамисли дўзахдир! Хайр, Альберт! Хайр, Лотта! Хайр, самовий фаришта!

**15 март**

Мени бу ердан кетишга мажбур қилаётган бир кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Аламимдан тишимни қисиб ўтирибман! Жин урсин! Энди буни тузатиб бўлмайди, дидимга мос келмайдиган бу вазифани эгаллашга мажбур қилган, қийнаган, шунга ундаган – сизлар айбдорсизлар. Мана энди мен ҳам, сизлар ҳам кўрадиганимизни кўриб ўтирибмиз! Балки сен одатдагидек, бунга ўзинг айбдорсан, мудом бир гапни кўпиртириб юрасан, дерсан, ундай бўлса воқеани, худди солномачидек, аниқ, муфассал баён этишимга рухсат эт, жаноб.

Граф фон К... менга меҳрибон, серилтифот, бу сенга маълум, бу ҳақда юз марталаб ёзганман. Кеча у мени



тушки овқатга таклиф қилган эди. Ҳамиша худди шу куни кечқурун уникида олифта жаноблар ва хонимлар йиғилишарди. Бу мутлақо ёдимдан кўтарилиб кетибди, биз қуйи табақа кишилари бу даврага мансуб эмаслигимиз ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабман. Шундай қилиб, графникида тушки овқатни егач, столдан туриб, катта залга ўтдик ва ўзаро суҳбатлашиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошладик. Кейин бизга полковник Б... ҳам қўшилди, шу тарика меҳмонларнинг келадиган вақти ҳам яқинлашди. Яратган эгам ҳаққи, ҳеч нарса хаёлимга келмасди. Шу пайт фон С... исмли олифта хоним эри ва ғозга ўхшаш ҳурпайган, кўкси теп-текис, хипчабел қизи билан кириб келишди ва en passant[1] аслзодаларга хос қиёфада ҳўмрайишар, бурунларини кўтаришар эди, шу тахлит нусхалар таъбимга мутлақо ўтирмаганлиги туфайли тезроқ бу ерни тарк этмоқчи бўлдим ва граф ўшаларнинг ёқимсиз суҳбатидан халос бўлгунча кутиб тургандим, фройлайн Б... истиқболимда пайдо бўлди. Уни кўрсам кўнглим ҳамиша таскин топади, шу боисдан кетмадим ва у ўтирган ором курси орқасида тик турдим. Анчадан кейингина унинг мен билан одатдагига нисбатан тортиниброқ, бироз хижолат бўлиб гаплашаётганини сездим. Ҳайрон бўлдим. „Наҳотки у ҳам ҳамма бошқа кишилардек бўлса?“ ўйладим ундан ранжиб ва кетмоқчи бўлдим, лекин барибир қолдим, чунки бунга ишонгим келмасди, уни жон деб оқламоқчи бўлардим, ундан бирон оғиз ёқимли сўз эшитишга умидвор эдим... Ким билади, нега бундай. Бу орада меҳмонлар кўпая бошлади. Франц I даврига оид бутун аскарий анжомларни тақиб олган барон Ф..., сарой маслаҳатчиси Р... (уни бу ерда in qualitate[2] жаноб фон Р... деб атайдилар) қулоғи оғирроқ рафиқаси билан, ҳатто даққиюнусдан қолган либосига янги латталарни ямаб олган жулдурвоқи И... ҳам ва бошқалар тўда-тўда бўлиб кела бошлашди. Мен эса

[1] **En passant** (франц.) – ўтаётиб. (Тарж.)
[2] **In qualitate** (лот.) – дабдабали, салтанатли. (Тарж.)

баъзи танишларимга сўз қотардим, ҳаммаси лўндагина жавоб қайтариб қўя қолишарди. Ҳеч нарса тушунолмадим, сўнгра бор диққатимни фройлайн Б...га қаратдим. Залнинг нариги томонида аёллар ўзаро шивирлашганларини ва бу эркакларнинг ҳам қулоғига етиб келганини, натижада фон С... хоним граф билан гаплашганини мен сезмабман (буни менга кейинроқ фройлайн фон Б... сўзлаб берди), шундан кейин граф ёнимга келди-да, мени дераза олдига етаклади.

– Биздаги ярамас одатларни ўзингиз биласиз, – деди у, – сизнинг бу ерда бўлишингиз меҳмонларга маъқул бўлмаётганини сезяпман. Ҳеч ҳам истамасдимки...

– Жаноби олийлари, – сўзини бўлдим мен, – Яратган эгам ҳаққи, мени афв этинг, ўзим буни англашим лозим эди, биламан, бу бефаҳмлигимни сиз кечирасиз... Мен дарҳол кетмоқчи эдим, аммо қандайдир бир куч мени тутиб қолди, – қўшиб қўйдим, яна таъзим қиларканман, кулимсираб.

Граф менинг қўлимни чин юракдан қисаркан, шу билан гўё ҳамма нарсани ифодалагандек эди. Мен дабдабали даврадан сезилмасдан чиқиб кетдим, кабриолетга ўтирдим-да, адир тепасидан туриб қуёш ботишини кузатиш, ўз севимли Гомеримдан Улисс қандай қилиб меҳмондўст чўчқабоқарникида меҳмон бўлганлиги ҳақидаги ёқимли қўшиқни ўқиш учун М...га қараб йўл олдим. Булар ҳаммаси шу қадар яхши эдики!

Кечки овқатта қайтиб келдим. Қаҳвахонада одам сийрак эди, улар дастурхонни суриб ташлаб, стол бурчагида соққа ўйнашарди. Шу пайт хушфеъл Аделин кириб келди, мени кўргач, бошидан шляпасини олди-да, ёнимга келиб шивирлаб сўради:

– Бирор кўнгилсиз воқеа юз бердими?

– Нега бундай деяпсан? – сўрадим мен.

– Граф сени ҳайдаб чиқарибди-ку?

– Даф бўлсин ўшалар, очиқ ҳавога чиққанимга хурсанд бўлдим.



– Сенинг бунга шунчалик енгил қараганинг яхши-я, аммо бу ҳақда ҳамма ерда гапиришаётганлари менга алам қилади.

Шундагина бу ҳодиса юрагимга етиб борди. Столга ким келиб ўтирса, ҳаммасининг мени кузатганлари бежиз эмас экан-да, деб ўйладим. Ғазабим тошиб кетди.

Бугун эса қаерга бормайин, ҳамма ерда мендан кўнгил сўрайдилар, душманларим эса эшитишимча, тантана қилаётганмишлар.

Кеккайиш, менга ҳамма ишни қилавериш мумкин, деб арзимас ақлини кўкларга кўтариш, мана, нималарга элтади, дейишармиш улар. Шунақа ярамас сафсаталарни эшитаверсам, юрагимга пичоқ санчиб олгим келади. Мустақиллик ҳақида нима десалар деяверсинлар-у, аммо мен, қандайдир муттаҳамларнинг, бирорта пуч гапни истак қилиб, хулоса чиқаришларига чидаб турадиган одамни кўришни истардим, агар шу сафсата пуч бўлса, унда уларга парво қилмаса ҳам бўлади.

**16 март**

Ҳамма нарса ғашимни келтирмоқда. Бугун фройлайн Б...ни хиёбонда учратиб қолдим ва у билан сўзлашишдан ўзимни тиёлмадим, одамлардан бироз узоқлашганимизданоқ, унинг ўшандаги қилиғидан ранжиганимни изҳор қилдим.

– О, Вертер, – деди у самимий оҳангда, – менинг қалбимни тушуна туриб, ўшанда саросимада қолганимни шундай изоҳлашингиз тўғрими? Залга кирган дақиқаларимданоқ сиз туфайли қанчалик азобландим! Натижаси шундай бўлишини билгандим, сизни огоҳлантиришга жуда кўп уриндим. Ўша С... ва Т... исмли аёлларга сиз билан бир даврада ўтиргандан кўра, яхшиси эрлари билан кетиб қолиш афзал эканини билардим. Графнинг уларга қарши гапиролмаслигини ҳам билардим. Мана энди қанча шов-шув!

– Нима дедингиз, фройлайн? – сўрадим ўзимдаги қўрқувни яшириб. Ўтган куни Аделин айтган гапларнинг

ҳаммаси хаёлимда жонланди ва шу лаҳзада томирларимдан қайноқ сув юргандек бўлди.

– Шу туфайли бошимга не кўргиликлар ёғилмади, дейсиз, – деди софкўнгил қиз кўзлари ёшга тўлиб.

Мен ўзимни идора қилолмасдим. Унинг оёқларига ташланишга тайёр эдим.

– Тушунтирсангиз-чи, ахир! – қичқирдим мен.

Қизнинг кўз ёшлари юзларидан оқиб туша бошлади. Мен ақлимни йўқотаёздим: у кўз ёшларини яширишга ҳам уринмасдан, уларни артди.

– Холамни биласиз-ку, – гап бошлади у, – у ҳам ўша ерда эди, бўлган воқеага у шундай назар билан қаради-ки! Вертер, кеча кечқурун ва бугун эрталаб сиз билан танишлигим учун қанча ваъзхонликка тоқат қилишга, сизни ёмонлашларини, ерга уришларини эшитишга тўғри келди, сизни ёқлашнинг имкони йўқ эди.

Унинг ҳар бир сўзи мисоли найзадек юрагимга санчиларди. Буларнинг барчасини мендан сир тутиш нечоғлик олижаноблик бўлишини у сезмасди, у яна, энди миш-мишларнинг кети узилмаслигини, маълум тоифадаги кишиларнинг тантана қилишларини ҳам қўшиб қўйди. Улар энди, юқори табақадаги кишилардан нафратланганни, кеккайгани учун қилмишига яраша бўлди, деб менинг ҳақимда вайсашлари турган гап эмиш.

Оҳ, Вильгельм, чинакам ҳамдардлик билан айтилган бу сўзларни унинг оғзидан эшитиш... Руҳим тушиб кетди, ҳозиргача ҳам хунобим ошиб юрибман. Биронтаси менга очиқчасига таъна қилишга журъат этса-ю, мен унинг кўксига ханжар тиқиб олишни истаяпман, зора енгил тортсам.

Оҳ, бу азобдан халос бўлиш учун минг марталаб қўлга пичоқ олдим, айтишларича, отларнинг ажойиб бир насли бўлиб, агар уни ҳаддан ортиқ югуртириб, терлатиб юборсалар, у нафас олиш осон бўлсин учун, туғма хусусиятига кўра қон томирларини тишлаб олармиш. Худди шунга ўхшаб мен ҳам, кўпинча қон томиримни қирқиб ғамдан абадий қутулишни истаб қоламан.



**24 март**

Мени ишдан бўшатишларини сўраб саройга ариза бердим, ишонаманки, аризам инобатга олинади. Бу хусусда сизлардан рухсат сўрамаганим учун мени кечирасизлар. Нима бўлса ҳам бу ердан кетаман. Мени бунда қолдириш учун қиладиган барча панд-насиҳатларингни илан биламан, демак... буни онамга юмшоққина қилиб тушунтириб қўй, унга бирор ёрдам кўрсатолмасам, мендан ранжимасин, ўзимга ҳам осон эмас. Пайти келиб махфий маслаҳатчи ёки элчилик лавозимига кўтарилиши мумкин бўлган қулайгина мартабадан тўсатдан ўғли воз кечса-ю, яна эски аҳволга қайтса, албатта онага осон бўлмайди-да. Нима ўйласаларинг ўйлайверинглар, мени қолдириш мақсадида истаган шарт-шароитларингни рўкач қилаверинглар, мен барибир кетаман. Қаёққа жўнаб кетаётганимни билишни истасаларинг, айтишим мумкин: бу ерда мени ўта қадрлайдиган князь бор. У ниятимни эшитгач, мени ўз мулкида гўзал баҳор фаслини ўтказишга таклиф этди. Князнинг ваъдасига қараганда, у ерда ихтиёрим тамоман ўзимда бўлармиш. Князь иккимиз бир-биримизни яхши тушунамиз, шу сабабли манглайимга ёзилганини кўраман, дедим-да, кетишга аҳд қилдим.

**19 апрель**

П... С..., иккала хатинг учун ҳам ташаккур. Саройдан жавоб олгунимга қадар бу мактубни жўнатмай турдим. Хатларингга жавоб ҳам ёзмадим. Онамнинг вазирга арз қилиб ниятимни йўққа чиқаришидан хавфсирадим. Мана, бўлар иш бўлди, жавобни бўлса олдим. Мени ишдан гоят истамасдан бўшатишганларини ва вазир менга нималар ёзганини айтишга журъат қилолмайман – сизлар ана арз-дод қилишларинг мумкин. Валиаҳд жаноблари менга кетишим олдидан бир хатча билан йигирма беш дукат пул юборибди. Хатни ўқиб, ҳаяжондан кўзларимдан ёш чиқиб кетди; хуллас, яқинда онамдан сўраган пулларнинг энди ҳожати йўқ.

**5 май**

Эртага бу ердан жўнаб кетаман. Туғилган жойим йўлдан олти миля нарида бўлгани учун у ерни ҳам зиёрат қилиб, ўтмишдаги бахтиёр кунларимни эслаб ўтмоқчиман. Отам вафот этгач, ана шундай хушманзара, осойишта жойни ташлаб, ўзининг диққинафас шаҳрига қамалиш мақсадида онам мени етаклаб чиққан худди ўша дарвозадан кирмоқчиман. Хайр, Вильгельм! Сенга ўз саёҳатим тафсилотларини ёзиб турарман.

**9 май**

Она юртимни бамисли муқаддас жойдек эҳтиром билан зиёрат қилдим, мени ғалати ҳис-туйғулар қамраб олди. С...га кетадиган йўлда шаҳардан чорак соатлик масофадаги катта арғувон дарахти ёнида тўхтадим-да, аравадан тушдим, хотиралардан тўйгунча роҳатланиб пиёда кетиш учун аравакашга жавоб бериб юбордим. Мана, болалигимда сайрларимнинг мақсад ва ниҳояси бўлган арғувон дарахти остида турибман. Ўзгаришлар беқиёс! У пайтларда, болаларча тушуниб етмаслик орқасида юрагимга озик топиш, мириқиб яйраш, очкўз, туғёнли вужудимни қондириш ва тинчлантириш учун ёт ўлкаларга бош олиб кетишга интилардим! Энди-чи... Оҳ, дўстим, қанчалаб рўёбга чиқмаган орзу-умидлар, қанчалаб поймол этилган мақсадлар билан ўша узоқ ўлкадан қайтиб келяпман!.. Неча марталаб истакларим манбаи бўлган тоғ тизмасининг кўз олдимда ястаниб ётганини кўрардим. Соатлаб арғувон дарахти остида ўтириб, кўзларимга жозибали бўлиб ғира-шира кўринган ўрмонлар, водийлар томон интилардим ва улар билан қалбан қўшилиб кетишни орзу қилардим. Уйга қайтадиган пайт бўлганда-чи, о, бу севимли жойни нечоғлик истамай тарк этардим!..

Шаҳарга яқинлашдим. Шаҳар четидаги эскидан қолган барча таниш уйларга салом бердим. Бу ерда содир бўлган ҳамма ўзгаришлар сингари янги уйлар ҳам менга ёқимсиз туйилди. Дарвозадан ичкарига киргач, қайтадан



ўзимни бамисоли уйдагидек ҳис этдим. Азиз дўстим, ҳаммасини муфассал ёзиб ўтирмайман. Бу нарсалар менга қанчалик дилбар туйилмасин, барибир ҳикояда зерикарли чиқиши мумкин.

Собиқ уйимиз ёнидаги майдонда тунашга қарор қилдим. Ўтаётиб разм солсам, болалигимизда ёқимтой кекса аёл бизни қамаб олиб таълим берган мактаб энди баққоллик дўконига айлантирилибди. Бу кулбада не-не ҳаяжон, қўрқув ва эсанкирашларни бошимдан кечирганимни эсладим. Ҳар қадамда диққатни тортувчи бирор нарса учрарди. Муқаддас жойларни зиёрат қилувчи киши ҳам шунчалик кўп илоҳий хотираларга дуч келмаса керак, унинг қалби шу қадар ҳузурбахш ҳаяжон билан тепиши ҳам гумон. Беҳисоб эсдаликлардан бири мана бу: дарё оқими бўйлаб таниш жойгача тушдим, бу ҳам қачонлардир менинг ҳар кунги йўлим эди. Биз, болалар, шу ердан туриб, ясси тошларни сув бетида сакратишни машқ қилардик. Гоҳида дарёга тикилиб, сирли хаёллар оғушида сув кетидан кузатиб қолардим. У оқиб ўтадиган ўлкаларни хаёлан кўз олдимда гавдалантирардим, тасаввурим кучи ниҳоясига етса-да, кўз илғамас кенгликлар хаёлотида йўқолиб кетмагунимча, яна илгарига, жуда илгарига интилавердим – буларни худди кечагина содир бўлгандек хотирладим...

Кўряпсанми, азизим, ота-боболаримизнинг фикр доираси худди шундай чегараланган бўлган ва ўзларини ўшандай бахтли ҳис этганлар! Уларнинг ҳис-туйғулари-ю ижодлари ҳам ўта содда бўлган! Улисс чексиз денгиз ва бепоён ер ҳақида гапиради, бу шунчалик табиий, инсоний, самимий, содда ва сеҳрлики! Агар мен ҳозир ҳар қандай мактаб ўқувчисига қўшилиб, Ер юмалоқ, деб такрорласам, бунинг бирор фойдаси борми? Умр ўтказиш учун инсонга озгина, қабр учун эса ундан ҳам озроқ ер парчаси кифоя.

Мана энди, князга қарашли овчилар саройидаман. Бу ернинг хўжайини анча дилкаш ва оддий одам, у билан бемалол чиқишиш мумкин. Уникига мен тушунолмайдиган

ғалати одамлар келиб туришади. Улар товламачиларга ҳам ўхшамайдилар, бироқ одамшаванда кишиларга хос кўринишлари ҳам йўқ. Баъзида улар менга самимийдек туюлсалар-да; барибир уларга ишонолмайман. Ғашимга теккан нарса яна шуки, князь кўпинча бировлардан эшитган, китоблардан ўқиган нарсалар ҳақидагина гапиради ва буларга бошқа биров нуқтаи назарича баҳо беради.

Бутун қудратим, бутун севинч ва изтиробларимнинг манбаи, ягона фахрим бўлган қалбимдан кўра, князь мендаги ақл ва қобилиятни кўпроқ қадрлайди. Мен билган нарсани бошқа ҳар қандай одам ҳам била олар-куя, бироқ бундай қалбга эга бўлолмаслиги мумкин.

**25 май**

Менинг бир режам бор эди. У амалга ошгунича бу ҳақда сизларга оғиз очмоқчи эмасдим. Бундан ҳеч гап чиқмагач, демак, энди барибир-да. Мен урушга кетмоқчи эдим, буни аввалдан кўнглимга тугиб қўйгандим. Аслида, князь Н... қисмида генерал бўлгани туфайли унга қўшилиб бу ерга келгандим. Бир куни сайр қилиб юрганимизда унга ўз режаларимдан сўз очдим. У фикримга қарши чиқиб, башарти мен унинг далилларига қулоқ солишни истамаган тақдиримда ҳам бу нарса бемаъни ҳавасдан кўра кўпроқ қизғин истак бўлиши лозимлигини менга уқтирди.

**11 июнь**

Нима десанг, деявер, аммо бу ерда ортиқ қололмайман. Бу ерда нима ҳам қилардим? Зерика бошлаяпман. Князь иложи борича кўнглимни овлашга уринади, лекин барибир ўзимни ноқулай сезяпман. Сирасини айтганда, князь иккимизни боғлаб турадиган ҳеч қандай бир умумийлик йўқ. Уни ақлли одам деса бўлади, бироқ ақли ҳам ўрта-миёна, яхши ёзилган китоб кишини қандай овутса, унинг муомаласи ҳам мени шундай овутади. Бу ерда тағин бир ҳафта бўламан, сўнгра яна дарбадарликни



бошлайман. Энг қувонарлиси шуки, бу ерда расм солиш билан шуғулланяпман. Князь санъатни тушунади, агар у гайп илмий тушунчалар ва одатдаги терминлар доирасида чегараланиб қолмаганида эди, билим доираси янада кенгроқ бўларди. Баъзида мен унга бутун қалб ҳарорати билан табиат ва санъат эшигини очаман, у бўлса, билимини намойиш қилиш мақсадида қандайдир ёдлаб олган сўзларини айтиб юборса, аламдан тишларимни гичирлатаман.

**16 июнь**

Ҳа, мен оламни кезиб юрувчи дарбадарман, сизлар мендан ортиқмисизлар?

**18 июнь**

Қаёққа кетмоқчисан? – дейсанми, буни сенга яширинча айтишим мумкин: яна икки ҳафта шу ерда коламан, кейин эса ...даги конларга боришни мўлжаллаб турибман, аслида гап конда ҳам эмас, Лоттага яқинроқ бўлишни истайман, холос, бор гап шу. Ўз қалбимдан куламан-у, уни яна ўз эркига қўйиб беряпман...

**29 июль**

Ҳа, бирам яхшики! Ҳаммаси яхши!.. Мен... унинг умр йўлдоши бўлсам! О, Яратган Тангрим, менга шундай бахтни ато этганингда эди, умрим бўйи сенга тинимсиз сажда қилган бўлардим. Ҳасрат қилаётганим йўқ, кўз ёшларим, пуч орзуларим учун афв эт мени! У менинг рафиқам бўлса! Қани энди, Ер юзидаги энг покиза вужудни бағримга боссам...

Альберт унинг хушбичим қоматини қучса, баданимга муз югургандек бўлади, Вильгельм!

Шундай дейишга ҳақлиманми? Вильгельм, нега ҳақлим бўлмасин? Лотта ундан кўра мен билан бахтлироқ бўларди. О, у каби одам Лоттадаги қалб истакларининг барчасини қондиришга қодир эмас. Унда сезгирлик етиш-

майди... қандай тушунтирсам экан?.. Айтайлик... муҳаббат китобидаги Лотта иккимизнинг қалбларимиз яқдил урган жойга унинг қалби мос жавоб беролмайди. Учинчи бир шахснинг қилиқлари хусусида Лотта билан фикрларимиз бир хил чиққан юзлаб ҳолларда ҳам худди шундай. Аммо, азизим, Вильгельм, у Лоттани бутун борлиғила севади, бундай севгини қадрламай бўладими!..

Эзма бир одам келиб фикримни бўлди. Кўз ёшларим қуриб қолди. Фикрим чалғиди. Хайр, азизим!

**4 август**

Биргина менинг аҳволим шунақа эмас. Ҳамма одамларнинг умидлари пучга чиқади, ҳаммаси кута-кута алданади. Мен, арғувон дарахти остидаги уйда турадиган таниш аёлникига бордим. Тўнғич ўғли истиқболимга югурди, унинг қувончли қийқириғини эшитиб онаси уйдан чиқиб келди, у беҳад маъюс кўринарди. Унинг дастлабки сўзлари шу бўлди:

– Оҳ, қимматли жаноб, Гансим ўлиб қолди.

Бу унинг кенжа ўғли эди. Мен қотиб қолдим.

– Эрим эса Швейцариядан қуп-қуруқ қайтиб келди, – давом этди у, – яхши одамлар ёрдам беришмаганда, у тиланчилик қилишга мажбур бўларкан; аксига олгандек, йўлда яна иситмага ҳам йўлиқибди.

Унга нима деб таскин беришни билмасдим, болага қандайдир арзимаган бир нарса бердим; аёл менга учтўртта олма тутқазиб, уларни олишимни ўтинди, рад қилолмадим ва бу аламли хотиралар маконини тарк этдим.

**21 август**

Мен ҳар лаҳзада ўзгариб тураман. Гоҳида ҳаёт менга қайтадан кулиб боққандек туйилади. Афсуски, фақат бир зумгина, холос!.. Хаёл дарёсига ғарқ бўлган пайтларимда, минглаб фикрлар менга тинчлик бермайди. Борди-ю, Альберт ўлиб қолса нима бўлади? Унда мен... ҳа, Лотта



билан... Хомхаёл кетидан, у мени тубсиз жар ёқасига келтиргунича, шу тариқа қуваман ва бирдан чўчиб ўзимга келаман.

Лоттани базмга элтиш учун илк бор ўтган йўл бўйлаб шаҳар четига чиқаман, ўшанда ҳамма нарса тамоман ўзгача эди! Ҳамма-ҳаммаси ўтиб кетди! Ўтмишдан учқун ҳам йўқ, у пайтлар қалбимни тўлқинлатган туйғулардан ном-нишон ҳам қолмаган. Умрининг гуллаган даврида, князлик йилларида тиклаб, бутун зебу зийнатлар билан безатиб, ниҳоят, ўлими олдидан севимли ўғлига умид билан васият қилиб қолдирган, кейинчалик эса куйиб битган саройи харобаларига қайтган марҳум руҳи қандай ҳолатда бўлса, мен ҳам айнан ўшандайман.

**3 сентябрь**

Баъзан ақлим бовар қилмай қолади: мен уни бутун қалб ҳароратим билан севсам-у, ундан ўзга ҳеч нарсани сезмасам, ундан ўзга маънавий таянчим бўлмаса-ю, яна қандай қилиб бошқа бир кимса уни севишга қодир ва сева олиши мумкин!

**4 сентябрь**

Ҳа, шундай. Табиат кузга бўйин эга бошлаганиданоқ, менинг юрагимда ва атрофимда ҳам ҳазинлик бошланди. Менинг дарахтларимдаги япроқлар сарғаймоқда, қўшни дарахтларнинг япроқлари эса аллақачон тўкилиб кетган. Бу ерга келганимданоқ, назаримда, сенга бир деҳқон йигит ҳақида ёзгандим шекилли? Валдгеймда ўша йигитни қайта суриштирдим, айтишларича, у хизматдан ҳайдалганмиш, у ҳақда ҳеч ким ортиқ бирор нарса билмасмиш. Кеча қўшни қишлоққа кетадиган йўлда унга қўққисдан дуч келдим; гаплашдик, у ўз қиссасини сўзлаб берди, эшитиб беҳад ҳаяжонга тушдим, буни ёзувларимдан ҳам осонгина пайқаб оларсан. Аслини олганда, бунинг нима ҳожати бор, ўзимни ҳам қийнайдиган, ярамни янгилайдиган воқеани нега энди ошкор этай? Нега

ҳамиша менга ачинишинг ва мени қойишинг учун имкон яратиб бераман? Нима бўлса бўлаверсин! Эҳтимол, менинг ҳам қисматим ўшандайдир.

Олдинига, йигит бироз сокин, маъюслик билан саволларимга тортиниброқ жавоб бериб турди, лекин тезда гўё ўзига келгандек ва мени эндигина пайқагандек журъат қилди-ю, бор қилмишларини тўкиб солди ва ўз бахтсиз толеидан нолиди. Дўстим, унинг ҳар битта сўзини сенинг ҳукмингга ҳавола қилишни истардим! У менга ўз кўнгил дафтарини очди, ҳа, хотиралар лаззатига ғарқ бўлгани ҳолда шуларни ҳикоя қилди: Унинг ўша аёлга бўлган интилиши кун сайин орта борган, ниҳоят, у нима қилаётганини, нима гапираётганини идрок этолмай, ўзини қаёққа қўйишни билмай қолган. Бўғзига бир нарса тиқилгандек, ҳеч нарса ичолмай, еёлмай қолган, кўзидан уйқу қочган; у буюрилган иш қолиб, кераксизини бажарган; гўё шайтон уни йўлдан оздирган; бир куни аёлнинг чердакка чиққанини билиб кетидан борган, тўғрироғи, нимадир уни ўша ёққа тортган. Аёл унинг ёлворишларига қулоқ солмагач, у аёлни зўрлик билан таслим қилмоқчи бўлган; ўзига нима бўлганига ўзи ҳам тушунмаган. Йигит ниятларининг ҳамиша соф бўлганини, ўша аёлга уйланиб, бирга умр кечиришдан ўзга истаги бўлмаганини айтиб, Тангрини ўртага қўйиб қасам ичди.

Шуларни сўзларкан, яна нимадир демоқчидек, аммо айтолмаётгандек, гапида тутила бошлади; ниҳоят, у тортиниб иқрор бўлдики, аёл ҳам унга бироз эркинлик берган ва ораларида яқинлик бўлишига йўл қўйган. Йигит тутила-тутила аёлни қоралашни истамаслигини, уни ҳозир ҳам бирдек севиши ва қадрлашини айтиб онт ичарди; ўзининг бузуқ эмаслигини, ақлининг жойидалигини исботлаш учунгина буларни гапириб берганини, акс ҳолда бундай сўзларни оғзидан чиқармаслигини ҳам қўшиб қўйди... Азиз дўстим, ўша эски қўшиғимни яна бошлаяпман, уни такрорлашдан толмайман: мана шу йигитни сенга, у менинг кўз олдимда илгари ҳам, ҳозир



ҳам қандай турганини тасвирлаб беролсам эди! Унинг тақдири учун қанчалик қайғураётганимни ва қайғуришим лозимлигини сен ҳис этадиган даражада ифодалашга лойиқ сўз тополсам эди! Етарли бўлса керак! Сен мени ҳам, қисматимни ҳам биласан, ҳамма бахтсизларга, айниқса, мана шу бахтсизга мени нима тортаётганини энди яхшигина англаб оларсан.

Хатни қайта ўқиб қарасам, воқеанинг охирини сенга айтиб беришни унутибман. Шусиз ҳам ҳамма нарса равшан-ку. Аёл қаршилик кўрсата бошлаган. Унинг акаси етиб келган, у илгариданоқ йигитни ёмон кўриб, уни бу ердан кетказиш йўлини қидириб юрган, негаки, аёл бефарзанд бўлганлиги сабабли ўзлари умид кўзини тикиб турган мерос, синглиси иккинчи марта турмушга чиққан тақдирда қўлдан кетиб қолишидан қўрққан; акаси йигитни шу заҳотиёқ уйдан ҳайдаб солган ва бу ҳақда шундай шов-шув тарқатганки, аёл ўзи истаган тақдирда ҳам йигитни қайта ишга қабул қилолмаган бўларди. У ҳозир янги хизматкор олганмиш, айтишларича, янгиси туфайли ҳам акаси билан жанжаллашармиш, аёл ўшанга турмушга чиқаркан, деб ҳамма бир оғиздан гапираётганмиш. „Бунга сира-сира тоқат қилолмайман“, дейди йигит.

Сенга ёзаётган нарсам муболаға эмас, ҳеч нарсани хаспўшлаганим ҳам йўқ, аксинча, ишонишинг мумкинки, мен уни жўн, ўта жўн ҳикоя қилдим, ҳаммамизга расм-одат бўлиб қолган сўзлар билан ёзиб, бу воқеани қўполлаштириб юбордим.

Бундай муҳаббат, бундай садоқат, бундай эҳтирос шоирона хаёл эмас, йўқ, у яшаяпти, у бениҳоя соф ҳолда, бизнингча қўпол, маданиятсиз ҳисобланган тоифага мансуб кишилар орасида яшаяпти. Бизлар эса ўқиб ўқимаганлармиз! Ўтинаман, ҳикояни эҳтиром билан ўқи. Бугун шуни ёзарканман, негадир сўниб қолгандекман, буни хатдан ҳам кўриб турибсан, ҳар вақтдагидек бўяб, безаб ташламаганман. Азизим, ўқи ва бу дўстингнинг ҳам қисмати эканлигини ўйлаб қўй! Ҳа, шундай эдим,

шундай бўлиб қоламан, менда бу бахти қаро йигитдаги журъат ва дадилликнинг ярми ҳам йўқ, ўзимни унга тенглаштирмайман ҳам.

**5 сентябрь**

Лотта иш юзасидан қишлоққа кетган эрига кичкина мактуб ёзибди. Хат шундай бошланади: „Азизим, жоним, иложи борича тезроқ қайт! Сени чексиз қувонч билан кутаман!" Ҳозиргина келган бир дўстим, маълум сабабларга кўра, Альбертнинг тезда қайтолмаслигини айтди. Хат жўнатилмабди, кечқурун менинг қўлимга тушди. Уни ўқидим-да, кулимсирадим; Лотта нимага кулганимни сўради.

– Хаёл Яратган эгамнинг қандай буюк марҳамати-я! – дедим мен, – мен бир зумгина гўё бу мактуб менга аталгандек хаёл қилдим.

У гапимни бўлди, сўзларим унга ёқмагандек кўринди, мен жим қолдим.

**6 сентябрь**

Лотта билан илк марта рақсга тушганда кийганим ўша одмигина кўк фракни анчагача ташлаёлмай юрдим, бироқ у ҳозир мутлақо кўримсиз бўлиб қолди. Энди, яна шунақа, ёқаси ва енг ҳошиясини ҳам худди ўшандай қилиб, янги фрак, сариқ нимча ва шим ҳам буюртирдим.

Барибир булар менга аввалгисидек ёқимли эмас. Билмадим... эҳтимол, пайти келиб буни ҳам ёқтириб қоларман.

**12 сентябрь**

Альбертни олиб келиш учун Лотта бир неча кунга кетган эди. Бугун Лоттанинг хонасига кирдим; у истиқболимга чиқди, унинг қўлини чексиз қувонч билан ўпдим. Ойнадан канарейка учиб келиб, унинг кафтига қўнди.



– Янги дўстимиз, – деди у қушчани қўлига қўндириб, – буни укаларимга сотиб олдим. Ёқимтойгина-я! Қаранг! Унга нон берсам, қанотчаларини силкитиб, итоат билан чўқийди, қаранг, мени ўпади ҳам!

У қушчани оғзига тутди, қушча бўлса, бу бежирим лабларини шу қадар беозор туртиб қўйдики, гўё ўзига насиб этган лаззатни ҳис этаётгандек эди.

– Сизни ҳам ўпсин, – деди-да, канарейкани менга узатди, қушча тумшуғини унинг лабларидан олиб менинга йўналтирди ва у лабларимга текканда, ширин бир лаззатнинг ёқимли сасини сезгандек бўлдим.

– Унинг ўпичида тамагирлик сезилиб турибди, – дедим мен, – у овқат излайди, уни қуруқ эркалаш қониқтирмайди.

– У овқатни менинг оғзимдан ҳам ейди, – деди Лотта ва соф муҳаббат ҳислари балқиб турган беозор лаблари билан бир неча увоқни қушчага тутди.

Мен юзимни четга ўгирдим. У нега бундай қиляпти? Самовий софлик ва роҳатни кўз-кўз қилиб нега ҳисларимни тобора аланга олдиради, ҳаётга бепарво қарашга иатлана ёзган юрагимни яна нега уйқудан уйғотади?! Хўш, шундай қилса нима бўпти?.. У менга шу қадар ишонадики! Уни нечоғлик севишимни билади!

**15 сентябрь**

Вильгельм, дунёдаги ноёб нарсаларни қадрлашга фаҳм-фаросати етмайдиган кишилар ҳам борлигини кўрсанг, тана сочинг тикка бўлади кишининг.

Ш... қишлоғидаги хушфеъл руҳонийникида Лотта иккимиз соясида ўтирган ёнғоқ дарахтлари ёдингдадир, албатта. Тангри шоҳид, қалбимга мудом беқиёс ором бағишлаган ҳалиги кўркам ёнғоқ дарахтлари! Улар руҳоний ҳовлисини қанчалик сариштa, қанчалик салкин қилиб туришарди! Қанчалик сершох эди улар! Қадимда уларни ўтқазган муқаддас роҳиблар билан ҳам сон-саноқсиз хотиралар боғланган! У ажойиб киши бўлган

-ва мен шу дарахтлар остида тик туриб эҳтиром билан уни хотирлардим, деб ўқитувчимиз улардан бирининг ўз бобосидан эшитган номини тинимсиз тилга оларди. Ишонасанми, кеча гаплашиб ўтирган эдик, ўқитувчим кўзлари ёшга тўлиб, уларни қирқиб ташлашганини айтди... Қирқиб ташлашган! Ҳушимни йўқотаёздим, дарахтларга биринчи болта урган ярамасни мажақлаб ташлагим келарди. Борди-ю, ўз ҳовлимда шундай дарахтлар ўсиб, улардан бирортаси кексаликдан қулаб тушганда юракдан ачинган бўлардим, мана энди бўлса, нимага чидаб ўтирибман! Шуниси қувонарлики, қимматли дўстим, дунёда инсоний туйғу ҳам бор! Бутун қишлоқ нолимоқда, ишонаманки, руҳонийнинг хотини ўз қавмига нечоғлик зарар келтирганини ёғ, тухум ва бошқа назр-ниёзларнинг камайганидан ҳам сезади. Чунки, ҳаммасига ўшанинг ўзи – янги руҳонийнинг хотини айбдор (бизнинг руҳоний чол ўлиб кетган), у оқсуяк хаста аёл, ҳеч кимга қўшилмайди, дунёдаги барча нарсаларга ғаразгўйлик билан қарайди, бошқалар ҳам унга нисбатан самимий эмас. У ғирт аҳмоқ, ўзини билимдонлардек тутади-да, диний ақидаларни ислоҳ қилишни ўйлаб чиқариб юради, насронийликни ахлоқий-танқидий жиҳатдан янгича сига тубдан ўзгартириш устида бош қотиради, Лафатер мутаассиблигидан кўнгли тўлмайди, хасталик уни шу қадар адо қилганки, ёруғ дунёдан шодланишга ҳам мадори етмайди. Менинг ёнғоқ дарахтларимни қирқтириб ташлатиш фақат шундай махлуқнингтина қўлидан келиши мумкин. Биласанми, ҳечам ўзимга келолмаяпман!.. Тасаввур қиласанми: тўкилган барглардан гўё ҳовлиси ифлосланиб, намиқиб кетармиш, дарахтлар уни қуёшдан яширармиш, ёнғоқлар пишгач, болалар дарахтга тош ота бошлайдилар, бу эса унинг асабига тегармиш, бу унга Кенникот, Землер ва Михаэлис[1] истеъдодларини бир-

[1] **Кенникот, Землер, Михаэлис** – ўша даврдаги машҳур илоҳиётчилар, „Инжил“ нинг шарҳловчилари. (Тарж.)



бирига муқояса қилиш учун чуқур ўйлашга халақит берармиш.

Қишлоқ аҳлининг, айниқса, кексаларнинг норозиликларини кўриб, улардан сўрадим:

– Бунга қандай чидаб турдинглар?

– Агар оқсоқол бирор нарса деса, бизда унинг истагини ҳеч ким қайтаролмайди.

Лекин бир нарса кўнгилдагидек бўлди: хотинининг ёнғоқликлари жонига теккан руҳоний ҳеч бўлмаса ёнғоқлардан бирор фойда олишга ва бу фойдани ўзаро тақсим қилишга оқсоқол билан келишиб олди. Буни маҳкама билиб қолиб: „Бу ерда ҳақларинг йўқ!“ деди, чунки у илгариданоқ руҳоний мулкининг дарахтлар ўсган қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини олган ва уни илтимос қилган кишиларга сотган эди. Мана энди улар қулаб ётишибди! О, агар мен князь бўлганимда эди! Руҳонийнинг хотинига ҳам, оқсоқолга ҳам, маҳкамага ҳам кўрсатиб қўярдим... Князь! Дарвоқе, князь бўлганимда, мамлакатимдаги дарахтлар билан неча пуллик ишим бўларди!

**10 октябрь**

Унинг чаросдек кўзларига назар ташлаганим заҳотиёқ руҳим тетиклашади. Биласанми, мени нима қийнайди: афтидан, Альберт ўзи кутганчалик... бахтли эмас... мен эса... агар мен... бахтли бўлардим... Кўп нуқтани ўзим ёмон кўраман-у, лекин ҳозир фикримни бошқача ифодалаёлмайман... ҳар ҳолда фикримни англагандирсан.

**12 октябрь**

Оссиан юрагимдан Гомерни ситиб чиқарди.[1] Бу буюк зот мени шунақа оламга етакламоқдаки! Ойнинг хира нурида туман пардалари аро аждодларимиз руҳини тен-

[1] Вертернинг ҳаётдан безиши, унинг қайғуси Оссиаининг аламли поэзиясига берилиши билан изоҳланади. (Тарж.)

тиратиб, бўрон увиллаб ётган далада дарбадар кезинга, ўрмон шовқини ичида руҳларнинг тоғдаги ғорлардан бўғиқ эшитилаётган қичқириғини ҳамда қаҳрамонларча ҳалок бўлган севгилиси дафн этилган жойда, мох босиб кетган тўртта тош тепасида юрак-бағри эзилиб кўз ёш тўкаётган қизнинг қайғулиноласини тинглашга унда-япти. Мен эса кенг далада ўз ота-боболарининг изла-рини ахтараётган ўша мўйсафид дарбадар қўшиқчини кўряпман, афсус! Мўйсафид уларнинг қабрларинигина топади, холос ва уввос тортиб, ёқимли тунги юлдуз-га назар ташлайди, юлдуз эса тўлқинли денгиз ортига яширинади, шунда қаҳрамоннинг хаёлида ўтмиш, яъни довюраклар йўлига мурувватли нур тўшалган пайтлар ва кеманинг гулларга бурканиб, ой нури оғушида ға-лаба билан қайтгани гавдаланади. Мен унинг манглайи-да чуқур ҳасрат изларини кўраман, буюк зотларнинг энг сўнггиси тамоман ҳолдан тойиб, қабрга судралади, марҳум туғишганларининг жисмсиз соялари ҳозирлиги туфайли борган сари жонни ўртагувчи шодликни тўйиб симиради; у совуқ ерга, елда тебранаётган гиёҳга кўз ти-каркан, хитоб қилади:

— Келади, мени навқиронлик давримдан буён билган ўша жаҳонгашта келади ва: „Қани, қўшиқчи Фингалнинг гўзал ўғли қани?“ деб сўрайди. У қабрим устида қадам ташлаяпти, бекорга у мени Ер юзидан излаяпти.

О, дўстим! Мен, мард яловбардор сингари қиличим-ни суғуриб олиб, ўз ҳукмдоримни аста-секин сўнаётган жон талвасасидан бир зумда халос қилишни ва ўз жо-нимни ҳам халос этилган пайғамбар изидан жўнатишни истардим.

### 19 октябрь

Оҳ, қалбим бўм-бўш! Узлуксиз ўртаётган бўм-бўш-лик!.. Кўпинча ўйлаб кетаман: агар уни бир мартагина, фақат бир мартагина бағримга боссам эди, бу бўм-бўш-лик тўлган бўларди.



### 26 октябрь

Ҳа, азиз дўстим, бу менга равшан, тамоман равшан, бир оламнинг ҳаёти у қадар аҳамиятли эмаслиги кундан-кунга равшанроқ сезиляпти. Лоттанинг ҳузурига бир дуго-наси келди, мен китоб ўқиш учун қўшни хонага чиқдим, бироқ ўқиёлмадим, сўнгра ручка олдим-да, ёзишга ту-тиндим. Уларнинг гурунглашган овозлари эшитиларди, қизлар бир-бирига майда-чуйда воқеалар, шаҳардаги ян-гиликлар, бировнинг турмушга чиққани, бошқасининг бетоблиги, оғир бетоблиги ҳақида ҳикоя қилишарди:

— У қуруқ йўталади, юз суяклари туртиб чиққан, гоҳо ҳушидан кетиб қолади.

— Менимча, у узоқ яшамайди, – деди меҳмон.

— Н... Н... нинг ҳам аҳволи оғир, – қўшиб қўйди Лотта.

— Шишиб кетипти, – қувватлади дугонаси.

Хаёлим мени ўша жафокашларнинг тўшаги ёнига етаклади; улар мутлақо истамасдан ҳаётдан кўз юмади-лар, улар... оҳ, Вильгельм!.. Менинг хонимларим бўлса, бир бегонанинг ўлими ҳақида кишилар, одатда, қандай гапиришса, бу ҳақда шундай гапириб ўтиришибди.

Атрофимга назар ташлаб кузатарканман, ҳамма ерда Лоттанинг кўйлакларини, Альбертнинг қоғозларини, ме-белларини кўраман, булар менга беҳад қадрдон бўлиб кетган, ҳатто мана шу сиёҳдон ҳам. Шунда ўз-ўзимга дейман:

— Ўйлаб қара, бу хонадон учун қанчалик аҳамиятли-сан! Муфассал ўйла. Дўстларинг сени қадрлашади! Сен ҳам уларга кам шодлик келтирмайсан, гоҳида шундай туйиладики, ўзинг ҳам гўё шуларсиз яшаёлмасдинг, лекин барибир... бу ердан – уларнинг даврасидан кетсанг-чи? Ўрнинг билинармикан? Қачонгача билинаркан? Сендан айрилганларини ҳис этишармикан? Қачонгача?.. Оҳ, одам бу қадар ўткинчи, ҳатто ўзи ўйнаб-ўсган, ўз ҳаётидан ча-қуқур из қолдирган жойда ҳам, ўз яқинларининг қалбида ҳам унинг хотираси жуда тез ўчиб, йўқ бўлиб кетиши мумкин!

**27 октябрь**

Кишилар бир-бирларига ниҳоятда оз нарса бағишлай олишларини ҳис этсам, кўксимни чок этиб, бошимни эзғилаб ташлагим келади. Афсуски, агар муҳаббат, қувонч, ҳарорат ва шавқ-завқ ўзимда бўлмаса, менга уларни биров беролмайди ҳамда ўзимнинг қалбим ҳам севинч ҳиссига тўлиб тошган ҳолда, кучсиз ва ҳиссиз бўлган бошқа бир кимсани бахтли қилолмаслигим мумкин.

**27 октябрь. Кечқурун**

Улкан қудратга эгаман-у, лекин унга бўлган ҳиссиёт ҳаммасини босиб кетади; улкан қудратга эгаман-у, аммо усиз ҳаёт мен учун ҳеч нимадир.

**30 октябрь**

Унинг кўксига отилишдан ўзимни базўр тутиб қоламан. Киши шунча ажойиботларни кўриб турса-ю, унга қўл уришга ҳаққи бўлмаса, унинг нақадар ўртаниши ёлғиз Тангрига аён. Қўл уриш инсондаги табиий хусусият-ку! Болалар ҳам нимага кўзлари тушса, ўшанга қўл теккизаверадилар-ку... Мен-чи?..

**3 ноябрь**

Тангри гувоҳ! Кўпинча тўшакка қайтиб уйғонмаслик истаги, гоҳида, ҳатто умиди билан ётаман; тонг отгач кўзимни очиб, яна қуёшни кўраман-да, ғамга чулғанаман. О, қани энди қўлимдан келса-ю, айбни об-ҳавога, учинчи бир шахсга, ўнгидан келмаган ишга ағдара олсам, чидаб бўлмас ғам-ғусса юкининг ярмигина менинг елкамга тушган бўларди! Оҳ, шўрим! Аниқ биламан: ҳамма гуноҳ ўзимда... дарвоқе, қандай гуноҳ?! Шуниси борки, авваллари қалбим шавқ-завқдан қайнаб тошган бўлса, энди изтиробдан ўртанади. Ахир бир вақтлар ҳиссиётлар денгизида сузган, ҳар қадамда жаннатни ҳис этиб, олам-



...ни қамраб олишга қодир юракка эга бўлган кимса мен эмасманми? Ана шу юрак энди ўлган, энди у ҳаяжондан ...тикмайди, киприкларим қуриб қолган, қувонч ёшлари ...ганидан ортиқ баҳра ололмайман, шу туфайли манг...имга ғам чизиқлари тушган. Ғам эзиб ташлаяпти, не...ки ҳаётимнинг ягона шодлигини йўқотдим, ўзим учун бутун бир дунё ярата олишимга кўмак берувчи муқад...дас, жонлантирувчи қудрат йўқ, у сўнган!.. Деразадан қуёшнинг олис тепаликлар ортидан кўтарилиб, туманни ...риб ўтиб, жимжит водийга нур сочишини кузатсам...ин, Оҳ!.. Мана шу кўркам табиат худди суратдек жон...сиз туйилади менга; мана шу гўзалликларнинг барчаси ...гимда заррача ҳам ҳаяжон уйғотолмайди ва сезги...ларимга таъсир этолмайди, мен шўрлик, Тангрим на...зарида суви қуриган қудуққа, қақраган челакка ўхшаб турибман. Қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, ер сувсизликдан ...қаб ётганида деҳқон ёмғир тилаб Тангрига ёлворгани...дек, мен ҳам кўз ёши сўраб, тиз чўкиб Яратган эгамга ...сиз илтижо қиламан. Минг афсус! Биламан, Ярат...ган эгам ёмғирли ёки иссиқ ҳавони бизнинг ҳаяжонли ...тиничларимиз эвазига бермайди. Ўша лаззатли дамлар ...ни мени бекорга қийнамайди, ахир мен Тангри ...ҳамати туфайли бошимга ёғилган роҳатни жон-жон ...ой қабул қилган эдим-да!

**8 ноябрь**

У мени қаноатсизликда айблади! Беҳад юмшоқлик билан! Менинг қаноатсизлигим шундаки, баъзан бир стакан винодан қизишиб қолиб, бутун бир шишани ичиб қўяман.

– Бунақа қилманг! – деди у. – Лотта ҳақида ўйлашга тиришинг.

– Ўйлаш! Наҳотки шуни буюриш шарт бўлса? – эътироз қилдим мен, – ўйлайманми-йўқми, барибир, қиёфангиз қалбим кўзгусида мужассам. Мен бугун, яқиндагина Сиз фойтундан тушган жойда ўтирдим...

Мен арзи дилимни тўкиб солмаслигим учун у гапни бошқа мавзуга бурди. Қимматли дўстим! Мен адо бўлдим! У мени истаган куйига ўйнатади!

### 15 ноябрь

Самимий ҳамдардлигинг, дўстона маслаҳатинг дан миннатдорман, Вильгельм, сендан илтимос, ташвишланма. Азобларга бардош беришга қўйиб бер, мен канча изтироб чекмайин, буларга чидашга ҳали кувватим етади. Менинг динни қадрлашимни биласан; унинг руҳан эзилганлар учун таянч, умидсизланганлар учун тасалли манбаи эканлигини тушунасан. Аммо унинг ҳар қандай киши учун ҳам шундай бўлиши шартми, шундай бўла оладими? Дунёга бир назар ташла, минглаб кишиларга дин тарғиб қилинса-қилинмаса, бундан қатъи назар, ёрдам беролмади, ёрдам беролмайди ҳам, нега энди менга ёрдам берсин? Ҳатто Тангрининг ўғли ҳам отаси унга кимни бағишлаган бўлса, ўшаларгина у билан бўлишини айтмайдими? Мен унга бағишланмаган бўлсам-чи? Отам мени ўзига асраб қўйган бўлса-чи? Буни кўнглим сезиб турибди... Ўтинаман, буларни нотўғри тушунма, самимий сўзларимни зинҳор ҳазилга йўйма! Сенга дилимда борини очиқ айтяпман, яхшиси, бу ҳақда оғиз очмасам бўларди, негаки бошқаларнинг ҳам мендек зўрға фаҳмлай оладиган нарсалар ҳақида истар-истамас ёзиб ўтирибман. Бошга тушганга чидаш, ҳаёт жомини тубигача симириш – инсон қисмати мана шу бўлмай нима? Инсон қиёфасидаги Тангрига ҳаёт шу қадар аччиқ туйилган тақдирда, нега энди мен меккайиб, ўзимни ғоят бахтиёрдек кўрсатишим керак? Бутун борлиғим ҳаёт ёки ўлим ўртасида титраб турган, ўтмиш эса келажакнинг зулмат чоҳи устида яшиндек чақнаган ва атрофимдаги ҳамма нарса йўқ бўлаётган, дунё ҳам менга қўшилиб сўниб бораётган мана шу даҳшатли дақиқаларда нега мен тортиниб туришим керак? Мана бу, қувғин қилиниб, дармони қуриб, шиддат билан пастга қулаб бораётган кимсанинг



овози эмасми; у қутулишга беҳуда уриниб, жон-жаҳди билан: „Э, Тангрим! Э, Тангрим! Нега мени ҳалок этдинг!" дея қичқирмоқда. Бутун оламни ўз измида тута оладиган Зот бундан тортинмаганда, бу қичқириқдан мен тўлишим, бу ҳолдан даҳшатга тушишим керакмиди?

### 21 ноябрь

У ўзини ҳам, мени ҳам нобуд қиладиган оғу ҳозирлаётганини билмайди, тушунмайди; гарчи ҳалокатга элтсада, у менга тутқазаётган жомни роҳатланиб сипқораман. Нега у менга кўпинча... кўпинчами?.. Ҳар ҳолда баъзан ёқимли назар билан қарайди, нега мендаги ихтиёрсиз ҳис-туйғуларга илтифот кўрсатади, нега унинг пешанасига менинг изтиробларимга ҳамдардлик битилган?

Кеча хайрлашаётиб, у менга қўлини узатди-да: „Хайр, азизим Вертер!" деди. Азизим Вертер! У мени биринчи марта „азизим" деб атади, бу сўзлар мени титратиб юборди, уларни тинимсиз такрорладим, кечаси ўрнимга ётаётиб эса ўз-ўзимга нималарнидир гапирарканман, бехосдан: „Хайрли кеч, азизим Вертер!" деб юборибман, кейин ўз устимдан кулиб қўйдим.

### 22 ноябрь

„Уни менга қўй!" деб нола қилолмайман, гоҳида у гўё ўзимникидек туюлса-да: „Уни менга бер!" деб ёлворолмайман. У бировники. Мен ўз изтиробларим ҳақида сафсата сотиб ўтирибман; агар ўзимни қўлга ололмаганимда эди, таққослашларнинг кети узилмаган бўларди.

### 24 ноябрь

Менинг азобланиб юрганимни у сезади. Бугун унинг нигоҳи юрагимнинг чуқур тубигача етиб борди. Борсам у ёлғиз экан; мен жим туравердим, у ҳам менга қараб турарди. Мен ундаги мафтункор жозибани ҳам, ўткир ақлини ҳам ортиқ пайқамасдим, буларнинг барчаси кўз олдимдан ғойиб бўлганди. Мени энг самимий

ҳамдардлик, энг оромбахш раҳмдилликка тўла янада жозибалироқ нигоҳ сеҳрлаб қўйган эди. Нега унинг оёқларига йиқилолмадим? Нега уни бағримга босиб, минглаб бўсалар билан жавоб қайтармадим? У фортепианодан ўзига паноҳ топди, паст, ширали овозда ўз куйига жўр бўла бошлади. Унинг лабларидаги бу қадар жозибани ҳеч қачон кўрмаган эдим: назаримда, улар хиёл очилиб, мусиқий асбобдан чиқаётган сеҳрли оҳангни ютарди-да, товушлар мана шу покиза оғиздан акс-садо бўлиб тарарди... Оҳ, қани энди буни ифодалаб беролсам! Ортиқ тоқат қилолмадим, бош эгиб қасамёд қилдим: „Самовий руҳлар соя солиб турган бу лаблардан бўса олишга ҳеч қачон журъат этмайман!“ Лекин барибир, мен, оҳ!.. Биласанми, олдимда қандайдир тўсиқ тургандай... Уни четлаб ўтсам-да... ўша лаззатни тотсам... кейин гуноҳимни ювиш учун ҳалок бўлсам... Гуноҳ?

### 26 ноябрь

Баъзан ўзимга-ўзим „Сенинг қисматинг оғир!“ дейман. Ўзгаларни эса бахтли деб ўйлайман. Ҳеч ким менчалик изтироб чекмаган. Сўнгра ўтмиш шоирининг мисраларини ўқий бошлайман, гўё ўз кечинмаларимни ўқиётгандек бўламан. Бардошим неларга етаркин? Ё, фалак! Наҳотки илгари ҳам шундай бахтсизлар бўлган дунёда?

### 30 ноябрь

Йўқ-йўқ, мен мутлақо ўзимга келолмайман. Қаерга бормайин, мени ақлдан оздирадиган воқеаларга дуч келаман. Бугун-чи? Оҳ, қисмат! Оҳ, инсонлар!

Мен қирғоқ бўйлаб борардим. Тушки овқат пайти бўлса-да, кўнглим ҳеч нарса тиламасди. Атрофда жон асари йўқ, тоғдан кечки салқин шабада эсарди, водий устини қора булутлар қоплаб олган. Узоқдан яшил рангдаги эски кийимли кишига кўзим тушди, у қоядан қояга ўрмаларди, афтидан, доривор гиёҳ изларди. Унга яқинлашганимда, қадам товушларимни эшитиб, бурилиб



қаради, шунда содда бир чеҳрага кўзим тушди, бироқ унда қандайдир ғайритабиий ғамгинлик акс этиб турарди. Қора сочлари икки томонга қайтарилиб, соч тўғногичи қадаб қўйилган, орқа қисми эса йўғон қилиб ўрилиб, ташлаб қўйилган. Кийимига қараб уни оддий фуқаро экан, деб ўйладим, шу сабабли унинг нима билан машғул эканлигига қизиқсам, аччиғи чиқмаса керак, деган фикрда нима ахтараётганини сўрадим.

– Гул ахтаряпман, – жавоб берди у чуқур уҳ тортиб, – бироқ уни тополмаяпман.

– Ҳозир пайти эмас-да, ахир, – дедим кулимсираб.

– Гуллар жудаям кўп, – деди у ёнимга тушаркан, – боғимда атиргул ва хушбўй настариннинг икки хили ўсади. Биттасини менга отам совға қилган, у худди ёввойи ўтдек ўсиб ётибди. Икки кундан буён гул қидираман-у, тополмайман. Бу ерда, ялангликда ҳам ҳамиша турфа хил сариқ, кўк, қизил гуллар ўсади, чиннигул бирам чиройли гуллайдики. Уларнинг бирортасини ҳам тополмаяпман.

Ғалати бир ҳисдан сесканиб кетдим-да, эҳтиётлик билан сўрадим:

– Гул сизга нега керак бўлиб қолди?

Унинг юзи аллақандай талвасали илжайишдан буришиб кетди.

– Агар сиримни очмасангиз, айтаман, – деди у бармоғини лабига босаркан, – мен севгилимга гулдаста ваъда қилгандим.

– Жуда яхши, – дедим мен.

– О-о, унда бусиз ҳам ҳамма нарса тўлиб ётибди, у бадавлат.

– Барибир унга сизнинг гулдастангиз қимматлироқ, – далда бердим унга.

– О, унда марваридлар, тож ҳам бор, – давом этди у.

– Унинг исми нима?

– Агар ҳукумат менинг ҳақимни берганида эди, бошқача яшаган бўлардим. Бир вақтлар мен ҳам кўнгилдагидек яшаган эдим. Энди эса... адо бўлган одамман!..

Осмонга тикилган намли кўзлардан ҳамма нарсани ўқиш мумкин эди.

– Демак, илгари бахтли бўлгансиз? – сўрадим мен.

– Оҳ, ўша кунларга яна қайтсам эди! – деди у, – у пайтлар мен нақадар қувноқ, худди сувдаги балиқдек эркин яшардим.

– Гейнрих! – қичқирди йўл бўйлаб шу ёққа келаётган кампир, – Гейнрих, қаерда йўқолиб кетдинг? Сени қидирмаган жойимиз қолмади! Юр овқатга!

– Бу сизнинг ўғлингизми? – сўрадим кампирга яқинлашиб.

– Ҳа, менинг шўрпешана ўғлим, – жавоб берди аёл, – Яратган эгам оғир кун солди.

– У кўпдан буён шунақами? – сўрадим яна.

– Ярим йилдан бери мана шунақа ювош бўлиб қолди, Худога шукур. Ўтган йили ниҳоятда қутуриб кетганидан жиннихонада занжирда сақлашарди. Энди ҳеч кимга ёмонлик қилмайди, нуқул қироллар, подшолар ҳақида гапиради. Илгари бирам ювош, босиққина эди! Дастхати жуда чиройли эди, қоғозларни кўчириб ёзар, шу йўл билан тирикчилигимга қарашарди. Тўсатдан ўйчан бўлиб қолди, иситма билан оғриди, кейин қутуриб кетди. Мана энди кўриб турибсиз, қандай бўлиб қолган... Мен сизга айтсам, жаноб...

Мен унинг қуйилиб келаётган сўзларини бўлдим:

– У, бир вақтлар эркин, бахтли яшаган эдим, дейди, бу қачон бўлган эди?

– Вой, аҳмоққина! – хитоб қилди кампир, аянчли жилмайиб. – У ақлдан озиб, жиннихонада ётган даврини айтган, шуларни айтиб, ҳамиша мақтаниб юради.

Унинг сўзлари миямга яшиндек урилди, аёлга бир танга тутқаздим-да, кетишга шошилдим.

– Мана, сен қандай бахтли бўлгансан! – дердим шаҳар томонга жадал кетарканман, – мана, сен қандай эркин, сувдаги балиқдек яшагансан!

Ё, Парвардигори олам! Наҳотки ҳали эс-ҳуши қуйилмаган ёки ақлдан озган кишиларнинггина пешанасига



бахт чизиғи битилган бўлса! Бечора! Сенинг ақлдан озиб, телбаларча тентирашингга қанчалик ҳавасим келади!

Сен қишда ўз маликангга гулдаста топиш умидида кезиб юрибсан! Гул тополмаганингдан куйинасан, нега гул йўқлигига эса ақлинг етмайди. Мен бўлсам... мен... умидсиз, мақсадсиз уйдан чиқиб кетаман-да, яна ўша аҳволда қайтиб келаман. Борди-ю, ҳукумат сенинг ҳаққингни тўласа, жаннатдагидек яшашинг мумкинлигини хаёл қиласан! Ҳар қалай! Сен бахтлисан! Ўз толесизлигинг сабабини ҳаётдаги тўсиқларга ағдара оласан! Барча айб, адо бўлган юрагингда, айниган миянгда эканлигини эса сезмайсан! Шу боисдан ҳам дунёдаги бирорта инсон сенга ёрдам беролмайди.

Узоқ чашма сари йўл тутиб, умрининг сўнгги дақиқаларида ўз дардига дард қўшадиган, азобларини баттар оширадиган жафокаш устидан кулувчи кишига лаънатлар бўлсин! Виждон азобидан қутулиш ва юрагидаги ғамғуссани ювиш учун муқаддас қабр устида бош эгадиган бахтсиз олдида кеккаядиган кимсага лаънатлар бўлсин!

Инсон оёғи тегмаган сўқмоқда ташланган ҳар бир қадамдан товонлари шилинса, жафокаш банда бундан заррача бўлса-да, ором топади ва у, саёҳатининг ҳар бир азобли куни тугагач, кечаси тинчгина ухлаб қолади... Сиз сафсатабозлар эса пар тўшаклар устида ўтириб ғариб, буни телбалик деб атайсизлар! Телбалик!.. О, Тангрим! Кўз ёшларимни ўзинг кўриб турибсан. Нечун ахир, кишиларни қашшоқ қилиб яратганинг етмагандек, яна уларнинг охирги бурдаларини, сендан, ҳа, сендан кутган заррача марҳаматларини ҳам тортиб олувчи қариндошларини уларга ато этдинг, Қудратли Тангрим! Ҳар бир шифобахш илдизу ток новдасининг ширасига умид кўзи билан қараймиз, шу умид сенга бўлмай кимга? Негаки, сен бизни ўраб турган табиатга шифобахш ва яратувчи куч бағишлагансанки, бунга биз ҳар вақт муҳтожмиз. Мен танимайдиган отам! Аввалига вужудимни тулкилантириб, энди эса мендан юз ўгираётган

отам! Мени ўз ёнингга чақир! Сукут сақлама! Сукут сақлаганинг билан ташна қалбимни тинчитолмайсан...

Агар ўғли кутилмаганда қайтиб келса-ю, отасининг бўйнига осилса-да: – Ота, мана мен қайтиб келдим! Мендан ранжима, сенинг истагингга кўра ҳали узоқ чўзилиши лозим бўлган сафаримни тўхтатиб ҳузурингга келдим! Ҳаёт ҳамма ерда бир хил: азоб-уқубат чекиб меҳнат қилсанг, қувонч ва мукофотга эришасан. Менга буларнинг қизиғи борми? Сен қаерда бўлсанг, менга ўша ерда яхши, азобни ҳам, роҳатни ҳам сен билан бирга тортишни истайман! – деса, қайси инсон, қайси ота ўғлидан ранжийди!..

Наҳотки сен, қудратли отамиз, ўз ўғлингнинг кўкрагидан итарсанг?

### 1 декабрь

Вильгельм! Мен сенга ёзганим ўша бахтли бахти қаро Лоттанинг отаси қўлида мирза бўлиб ишлаган ва Лоттага нисбатан юрагида муҳаббат уйғонган, уни пинҳон сақлашга уринган, бироқ яширолмаган, шу туфайли ишдан ҳайдалиб, кейин телба бўлиб қолган. Альберт бу ҳақда менга бепарволик билан гапириб берганида (сен ҳам шундай бепарво ўқисанг керак буни), ушбу воқеа мени қанчалик изтиробга солганини мана шу қуруқ сўзлардан ҳам англаб оларсан.

### 4 декабрь

Ўтинаман... мени тушун, мен адо бўлдим, ортиқ чидашга тоқатим қолмади! Бугун унинг ҳузурида ўтирдим... Ўтирдим, у бўлса, фортепианода турли куйларни чалар ҳамда бутун ҳис-туйғуларини ифодаларди! Ҳаммасини!.. Ҳаммасини!.. Қандай тушунтирсам экан... Синглиси эса менинг тиззамда ўтириб, қўғирчоғини безатарди. Кўзларимга ёш қалқди. Энгашганимда унинг никоҳ узугига кўзим тушди... Кўз ёшларим оқиб туша бошлади... У бирданига ўша бизга таниш, ниҳоятда нафис куйни чалишга ўтди, қалбимга сокинлик югурди, ўтмиш – илк



бир шу куйни тинглаган пайтлар хотирамда жонланди, ғам-ғуссанинг, поймол бўлган умидларнинг мудҳиш шиниклари кўз олдимдан ўта бошлади ва... ўрнимдан отилиб туриб хона бўйлаб юра бошладим. Ҳислар туғёнидан нафасим қисилиб кетди.

Яратган эгам ҳаққи, ўтинаман, чалманг! – хитоб қилдим, бениҳоя ҳаяжонда унга отиларканман.

У чалишдан тўхтади ва менга тикилиб қолди.

– Вертер! – деди қалбни ўртовчи табассум билан, – Вертер, Сиз хастасиз, ҳатто энг лаззатли таомларни ҳам иштаҳангиз тортмайди. Боринг! Илтимос Сиздан, тинчланинг!

Мен унинг олдидан чиқиб кетдим... Тангрим! Аламларимни кўриб турибсан, унга ўзинг хотима берарсан.

### 6 декабрь

Оҳ, бу қиёфа менга ором бермайди! Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам қалбимни тўлдириб туради! Киприкларимни юмганим заҳотиёқ, у шу ерда, худди мана шу манглайим ичида, кўриш томирлари туташган жойда унинг қопқора кўзлари пайдо бўлади. Буни ифодалашдан ожизман! Кўзларимни юмдимми, бас, улар ҳозир бўлишади! Бамисли денгиз, бамисли тубсиз жарликдек улар кўз олдимда, қалбимда намоён бўлади, улар борлиғимни, бутун туйғуларимни эгаллаган.

Бу ярим Тангри даражасидаги инсон нимага ҳам қодир?! Мададга муҳтож бўлган энг зарур пайтда кучлари уни тарк этмайдими? Шодлик қанотида парвоз қилганда [illegible] ғамга чулғанганда уни нимадир тутиб қолади ва у мангулик оламига ғарк бўлиб кетишни истаб турган лаҳзада, совуқ, ҳушёр онгини жойига келтириб қўяди.

### *Китобхонга ноширдан*

Дўстимизнинг сўнгги муҳим кунларидан бизга унинг [illegible] тааллуқли маълумотлар етарлича қолганида эди, унда мен, у қолдирган номаларга ортиқча изоҳ бериб ўтирмаган бўлардим.

Унинг кечмиши билан яқиндан таниш бўлган кишилардан аниқ маълумотлар тўплашни ўз бурчим деб билдим; бу воқеа жуда оддий, баъзи майда-чуйда тафсилотларни ҳисобга олмаганда, барча маълумотлар бир-бирига деярли тўғри келади; фақат воқеа қаҳрамонларининг характерлари ҳақида турлича мулоҳаза юритадилар ва бунга ҳар хил баҳо берадилар.

Бизга эса зўр машаққат билан тўпланган нарсаларни марҳум қолдирган хатларга қўшиб, ҳатто топилган энг кичик қоғозларни ҳам диққатдан четда қолдирмасдан батафсил ҳикоя қилиб беришгина қолади; донишманд кишилар хусусида гап кетганда, улардаги ҳар бир ҳаракатнинг туб сабабини очиб бериш қанчалик қийинлигини ҳам эслатиб ўтамиз.

Азоб ва ғам-ғусса Вертер юрагида борган сари чуқур илдиз отди ва янада маҳкамроқ ўрнашиб, бутун борлиғини чулғаб ола бошлади. Ундаги маънавий сокинлик тамоман бузилган эди, томир-томиригача ларзага солган ички бир туғён ва ҳаяжон унга ҳалокатли таъсир кўрсатди, ҳамда бутунлай ҳолдан тойдирдики, бунга қарши у, шу пайтгача барча дардларга қарши курашганидан ҳам мардонаворроқ курашди.

Қалбидаги изтироб бошқа ҳамма маънавий кучларни, ундаги жўшқинликни ҳам, ўткир ақлини ҳам емира борди, у кишиларга қўшилмай қўйди, бахтсизлигини қанчалик ҳис этса, шунчалик адолатсизроқ бўла борди. Бу ҳақда қисман Альбертнинг дўстлари гапиришарди; уларнинг таъкидлашларича, Альберт ўзининг узоқ кутган бахтига эришиб, уни келгусида ҳам сақлаб қолишга интилган, Альбертдек мулойим ва виждонли одам ҳақида бор-йўғини бир йўла сарфлаб, охири азобга чидашдан ўзга иложи қолмайдиган Вертер тўғри фикр юритолмади. Альберт эса, дейишади унинг ўртоқлари, ана шу қисқа вақт ичида ҳеч бир ўзгармади, Вертер уни бошданоқ қандай билган, қандай ҳурмат қилган ва қадрлаган бўлса, ўша-ўшалигича қолаверди. Альберт Лоттани жондан севарди, у билан фахрланарди ва уни ҳамма дилбар аёл



сифатида ҳурмат қилишини истарди. Унинг заррача ҳам гумонни хаёлига келтиролмаслиги, бирор кимса билан унинг бу қимматли хазинасини, ҳатто энг иффатли маънода ҳам, бир зумга бўлса-да, бўлишишни истамаганини учун уни айблаш адолатданми? Ўртоқларининг айтишича, Альберт кўпинча, Вертер ўтирганида хотинининг хонасидан чиқиб кетаркан, буни у, аччиғидан ёки дўстидан рашк қилиб эмас, балки ўзининг ҳузурида Вертернинг қийналиши туфайли қилган.

Лоттанинг отаси бетоб бўлиб уйдан чиқолмай қолгач, у қизига фойтун юборган ва Лотта отасиникига кетган. Очиқ қиш куни. Биринчи қалин қор ҳамма ёқни қоплаган.

Эртаси куни Вертер, мабодо Альберт уни олиб келишга бормаса, Лоттани уйига кузатиб келиш мақсадида ўша ёққа кетган.

Очиқ ҳаво ҳам унинг мунгли кайфиятини кўтаролмади, юраги қаттиқ сиқиларди, кўз олдига фақат аянчли манзаралар келар, даҳшатли хаёллар исканжасидан қутулолмасди.

Ўз ишлари мудом ўнгидан келмагани сабабли, бошқаларнинг аҳволи ҳам унга ихтилофли ва нотинч туйиларди, у Альберт билан хотини ўртасидаги ширин тотувликни буздим, деб ўйлар, бунинг учун ўзини койирди, шу билан бирга Альбертдан пинҳона ранжирди ҳам.

Йўл-йўлакай ҳам шу ҳақда ўйлаб кетди.

Йўл-йўлакай ҳам шу ҳақда ўйлаб бир алам билан, – „Ҳа, ҳа, – дерди у ўзича яширин бир алам билан, – шу ҳам энди самимий меҳрибонлик, бир-бирига илтифотли муносабат, бузилмас садоқат бўлдими? Бу тўйиш ва бепарволикдан бўлак нарса эмас! Севимли, гўзал хотинидан кўра, уни бошқа арзимас ишлар кўпроқ ўзига тортмайдими? У хотинини қадрлай оладими, ахир Лотта бунга лойиқ-ку! Лотта уники, ҳа, уники... бу менга маълум, бошқа кўп нарсаларни билганимдек, буни ҳам биламан; бунга гўё кўникиб қолган бўлсам-да, бу фикр мени барибир ақлдан оздиради, ҳалок этади... Менга нисбатан дўстлик синовидан ўтолдими? Лоттага бўлган меҳрибонлигимни, у, ўз ҳуқуқларига тажовуз деб, эъти-

бор билан қарашимни эса пинҳоний таъна деб тушунмайдими? У мени кўришни истамаслигини, кетишимни хоҳлашини, мени кўриш унга оғирлигини сезаман, бу менга равшан".

Вертер жадал қадамини қадам-бақадам секинлатар, тўхтаб қолар ва орқага қайтмоқчи ҳам бўларди, лекин яна йўлида давом этар ва ўз-ўзи билан сўзлашиб, мулоҳаза юритарди. Шу тариқа ўз истагига қарама-қарши ҳолда овчилар саройига етиб келди.

У ичкарига кириб, мўйсафидни ва Лоттани сўради, уйда аллақандай нотинчликни сезди. Болаларнинг каттаси унга Валдгеймда бахтсизлик юз берганини, бир деҳқон ўлдирилганини айтди. Бу хабарга у эътибор қилмади. Вертер хонага кирганда, Лотта отасини кўндириш билан овора эди, чунки қария, хасталигига қарамасдан воқеа содир бўлган жойга бориб, тафсилотни билишни истарди. Жиноятчи ҳали аниқланмаган, ўликни тонгда остонадан топишибди, баъзи гумонлар ҳам бор: марҳум бир бева аёлникида хизматкор бўлиб ишлаган, ўша аёлнинг илгари бошқа хизматкори бўлган-у, у билан жанжаллашиб ҳайдаб юборган.

Бу сўзларни эшитгач, Вертер ўрнидан отилиб турди.

– Наҳотки! – хитоб қилди у, – мен кетдим, шу ондаёқ ўша ерда бўлишим керак. У Валдгеймга қараб шошилди, хотиралар кўз олдида жонланди, у билан бир неча марта мулоқотда бўлган ва унга шунчалик яқин бўлиб қолган ўша йигит суиқасд қилганига заррача шубҳа қилмасди.

Жасад қўйилган ўша ошхонага бориш учун унга арғувон дарахтлари остидан ўтишга тўғри келди, авваллари севимли бўлган жой бу гал уни даҳшатга солди.

Шу атрофдаги болалар тез-тез ўйнайдиган остонага беланган эди. Муҳаббат ва садоқатдек энг олий инсоний туйғулар охири зўрлаш ва ўлимга олиб келган. Улкан дарахтлар қип-яланғоч бўлиб, қиров босиб ётарди, черковни ўраб олган пастаккина девордан мўралаб турган шохлардаги барглар тўкилиб кетган, қабр тошлари қалин қордан бош чиқариб туришарди.



Ошхона олдига бутун қишлоқ тўпланганди. Вертер у ерга яқинлашаётганида бирданига ғала-ғовур кўтарилди. Узоқдан бир тўда куролланган кишилар кўринди ва ҳамма, қотилни олиб келишяпти, деб қичқиришарди. Вертер қараб, ўз фикрининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. Ҳа! Бу ўз бекасини севиб қолган хизматкор йигит эди. Вертер яқиндагина шўрликни пинҳоний ғазабда, ўнча умидсизланиб юрган ҳолда учратган эди.

Нима қилиб қўйдинг, бахти қаро! – қичқирди Вертер, маҳбус томонга отиларкан.

У Вертерга ўйчан тикилиб турди ва ниҳоят, хотиржам оҳангда: – У ҳеч кимга насиб ҳам этмайди, бошқа биров ҳам унга муяссар бўлолмайди! – деди.

Маҳбусни ошхонага олиб кириб кетишди, Вертер эса кетидан ошиқди.

Бу мусибатли, даҳшатли ҳодиса Вертернинг барча фикр ўйларини остин-устин қилиб юборди. Ундаги алам, умидсизлик ва бепарволик бир лаҳзада ғойиб бўлди. Уни раҳм-шафқат туйғуси эгаллаб олди, унда ўша одамни қутқаришга бўлган жўшқин истак пайдо бўлди. Вертер йигитни шунчалик бахтсиз деб ҳис қилар, уни шу қадар оқлар, ўзини унинг ўрнига қўйиб кўрар ва бошқаларни ҳам бунга ишонтира олишига имони комил эди. У ўша бахти қарони ҳимоя этишни истарди, қайноқ сўзлар хопирок лабларидан отилиб чиқишга шай эди, у овчилар уйига шошиларкан, амтманга баён қиладиган барча асосларини ярим овозда ўзича пишитиб борарди.

Хонага кираркан, у ерда Альбертга кўзи тушди ва бир зум довдираб қолди, аммо тезда ўзини ўнглаб олдида, фикрини амтманга ёниб тушунтира кетди. Амтман бир неча марта бошини чайқаб қўйди. Биров иккинчи бир кишини оқлаш учун нималар дейиши керак бўлса, Вертер ҳам маҳбус ҳақида қанчалик қизғин, чин юракдан тўлиб-тошиб гапирмасин, ўз-ўзидан маълумки, бу сўзлар амтманга таъсир ўтказолмади. Аксинча, у дўстимизнинг сўзини бўлиб, унга кескин эътироз билдирди. Қотилни ҳимоя қилишни ўз бўйнига олаётгани учун койий бошла-

ди. Қария, бундай қилинган тақдирда ҳар қандай конун ҳам бекор қилиниб, давлат тартибларига ҳеч қандай ҳожат қолмаслигини ва буни қонун йўли билан ҳал қилиш лозимлигини ҳам қўшиб қўйди.

Барибир, Вертер ўз фикрида туриб олиб, амтмандан, мабодо маҳбусни қочириб юбориш имкони бўлса, буни сезиб-сезмаганликка олишини ўтинарди. Амтман бунга ҳам рози бўлмади. Ниҳоят, суҳбатга Альберт аралашди ва у ҳам қариянинг фикрини ёқлади. Вертер яккаланиб қолди, амтман бир неча марта „Уни қутқариб бўлмайди!" дея такрорлагач, Вертер қаттиқ изтиробда уйига кетиб қолди.

Бу сўзлар Вертерни ўртаб юборганини унинг қоғозлари орасидан топилган, афтидан, ўша куни ёзилган хатчадан ҳам пайқаш мумкин:

„Сени қутқариб бўлмайди, бахти қаро! Бизни қутқариб бўлмаслигини билиб турибман!"

Альбертнинг амтман ҳузурида маҳбус иши юзасидан айтган гаплари Вертерга қаттиқ тегди. Назарида бу сўзлар ўзига ҳам тегишлидек туюлди, гарчи у ақл билан мулоҳаза юритиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳақ эканликларига ишонса-да, унда шундай туйғу бор эдики, уларнинг ҳақлигини тан олган тақдирда ўз ички асосларидан қайтадигандек туйиларди.

Унинг қоғозлари ичидан шу масалага тааллуқли бўлган ва эҳтимол, унинг Альбертга муносабатини ифодалайдиган қуйидаги хатчани топиб олдик:

„У софдил ва виждонли, деб ўзимга қайта-қайта уқтирганимдан нима фойда; бу ич-ичимни кемириб ташлаяпти; мен адолатли бўлолмайман".

* * *

Кечқурун ҳаво илиқ бўлиб, атрофдаги қорлар эрий бошлади. Шу сабабли Лотта билан Альберт уйга пиёда кетишди.

Йўлда Лотта худди Вертерни қидиргандек, атрофга аланглaрди. Альберт Вертер ҳақида гап бошлади, ундаги



фазилатларни тан олса-да, уни айблади. Гап орасида у Вертернинг бахтсиз севгисига ҳам тил тегизиб ўтди ва уни узоклаштирса, яхши бўларди, деб қўшиб қўйди.

— Буни ўзимиз учун яхши бўлади, деб ўйлайман, — деди у, — ўтинаман, сендан, унинг сенга бўлган муомалаларига нисбатан муносабатингни ўзгартиришга, бизникига тез-тез келишларига чек қўйишга урин, эшитган қулоққа яхши эмас. Аллақачон миш-мишлар тарқалганини эшитдим.

Лотта жим бўлиб қолди. Афтидан бу Альбертни ранжитиб қўйди, ҳар ҳолда, у шу пайтгача Лотта олдида Вертер хусусида гапирмасди, агар Лоттанинг ўзи бу тўғрида оғиз очса, у гапни бўлар ёки бошқа ёққа бурарди.

Бахтсиз кимсани қутқаришга бўлган беҳуда уриниш сўнаётган оловнинг охирги ёлқини эди. Шундан кейин Вертер баттар ғам-ғусса ва бепарволикка чулғанди, уни айбланувчининг ҳамма қилмишларини инкор қилаётган айбланувчига гувоҳликка чақириб қолишлари мумкин, деган хабарни эшитганда, ақлдан озаёзди.

Илгари ишлаб юрган пайтларидаги бошига тушган хўрликларни, элчихонадаги кўнгилсизликларни, нимадан ишининг юришмаганини ва нимадан ранжиганини, ҳамма-ҳаммасини хаёлидан бирма-бир ўтказди. Шулар билан гўё ўз ғайратсизлигини оқламоқчи бўларди, у ўзини истиқболдан тамоман ажралган, кундалик ҳаётдаги юмушларни бажаришга ноқобил деб ҳисоблай бошлади. Шу тарзда, минг хил ўй-фикрлар, туйғулар гирдобида айланиб, гўзал ва севимли аёл ҳузурида мудом бир хил, қувончсиз дамларни ўтказди, унинг осойишталигига халал берди. Ниҳоят, ўз кучларини мақсадсиз-несиз беҳудага сарфлаб, уларни ишдан чиқариб, борган сари ҳалокатга яқинлаша борди. Унинг изтироб ва аламлари, ором билмасдан ўзини ҳар ёққа уришлари, яшашдан тўйганлиги ҳақида ўзи қолдирган бир неча хатлар яққол гувоҳлик беради, қуйида шу хатларни келтирамиз.

## 12 декабрь

Одамлар баъзи бир бахтсизларни кўришса, шўрлик савдойи бўлибди, дея гапиришади. Қимматли Вильгельм, менинг ҳам бошимга ҳозир ўша кун тушган. Гоҳо мени нимадир қийнай бошлайди: бу кўмсаш ҳам, эҳтирос ҳам эмас, қандайдир, кўксимни ёриб чиқишга, томоғимни бўғишга интилувчи номаълум ички бир туғён! Азоб! Азоб! Шунда мен, мана шу кимсасиз қиш фаслида зулмат тун қўйнида тентираганн чиқиб кетаман.

Кеча кечқурун шаҳар ташқарисига чиқиб кетган келди. Ҳаво бирданига исиб кетди, эшитишимча, дарё қирғоқдан тошиб, анҳор пишқириб, севимли водийни Валдгеймгача сув босиб кетганмиш! Кечаси соат ўн бирда ўша ёққа югурдим. Чўққидан туриб, пастга, даҳшатли оқимнинг ой нурида жўш уришини, чакалакзор, ўтлоқ, дала, хуллас, бутун водийни босиб, шамол увиллаши остида бамисоли денгиздек қутуришини кузатиш қўрқинчли эди! Ой яна қора булутлар ортидан мўралаб, оқим кўз олдимда ваҳима билан яроқлаб шовуллаганида мени қандайдир титроқ ва кўмсаш ҳисси қамраб олди! Оҳ, тубсиз жарлик тепасида қўлларимни ёзиб турарканман, мени нимадир пастга ундарди! Пастга! Роҳат оғушида эсдан оғаёздим. Оҳ, барча азоб-у изтиробларим билан ўзимни пастга улоқтирсам! Тўлқинлар янглиғ кўпириб тошсам! Оҳ!.. Оёқларимни шундоқ ердан узиб, азобларимга чек қўёлмадим-а!.. Ҳали куним битмабди! Буни билиб турибман! О, Вильгельм! Анави довулга қўшилиб, булутларни тит-пит қилиш, тўлқинларни қучиш учун борлиғимни жон деб бағишлаган бўлардим! Эҳ! Наҳотки маҳбусга бундай роҳат бирор марта насиб этмаса?..

Мен пастга, Лотта иккимиз жазирама кунда сайрдан сўнг мажнунтол остидаги дам олган жойимизга алам билан назар ташладим: у ерларни ҳам сув босиб кетганлиги сабабли мажнунтолни зўрға танидим! Вильгельм! Овчилар саройининг атрофи, ўтлоқлар, бизнинг



кулбачамиз ҳам ҳозир селда қолгандир дея ўйладим. Маҳбуснинг тушига яйлов, подалар, эътиборли вазифалар кирганидек, менинг қалбимга ҳам ўтмиш хаёллари нурдек ёғиларди! Шу тахлит туравердим! Ўзимдан норози эмасман, чунки ўлимдан қўрқмайман... Яхшиси мен... Шу ерда турибман-у ўзимни, тахта деворлардан пайраха териб, ҳар эшикдан бир бурда нон тилаб, ўзининг аянчли ва мазмунсиз ҳаётини бирозгина бўлса-да, узайтириш ва енгиллаштиришга интилувчи тиланчи аёлга ўхшатаман.

## 14 декабрь

Азиз дўстим, бу нимаси? Ўз-ўзимдан ваҳимага тушаман! Мен уни энг муқаддас, энг самимий ва соф муҳаббат билан севмасмидим? Ўшанда юрагимда жиноятона истаклар ҳам яшириниб ётмаганмиди? Инкор қила олмайман... Бугунги тушни айтмайсанми! О, қарама-қаршиликлар сабабини бегона кучлардан излаган кишилар қанчалик ҳақли! Бугунги тун!.. Ҳатто айтишдан қўрқаман, у менинг оғушимда эмиш, уни бағримга босиб, муҳаббат сўзларини шивирлаётган лабларини сонсиз бўсаларга кўмиб ташлабман. Менинг нигоҳим унинг маҳзунликдан хиралашган кўзларида ғарқ бўлиб кетганмиш! Ё, Парвардигор! Наҳотки мен ўша қайноқ қувончни тўла-тўкис қайта ҳис этиб, лаззатини тотаётганим учун гуноҳкор бўлсам? Лотта! Лотта!.. Бардошим тугади! Мияни телбаман, бир ҳафтадан буён ҳеч нарсани идрок этолмайман, кўзларимдан ёш аримайди. Ҳамма жой менга бирдек: ҳам яхши, ҳам ёмон. Бирор истагим ҳам йўқ, талабим ҳам. Яхшиси, бутунлай кетганим маъқул.

* * *

Ҳаётдан кетиш ҳақидаги қарор шу кезларда, мана шундай шароитда Вертер қалбидан янада чуқурроқ жой олди. Лотта ёнига қайтганидан буён бундан ўзга паноҳи ва умиди қолмаган эди; лекин у, бу ишни шошма-шошарлик билан эмас, балки мулоҳаза юритиб, иложи бо-

рича аниқ қарорга келиб, тинч амалга ошириш учун ўзига сўз берди.

Ундаги иккиланиш, ўз-ўзи билан кураш, қоғозлари орасидан топилган, санаси қўйилмаган, афтидан Вильгельмга ёзилган хатда кўзга ташланиб туради:

„Унинг ҳозирлиги, унинг тақдири, менинг қисматим учун қайғуриши – кўзларимдан охирги ёшларни булоқдек оқизмоқда.

Пардани кўтарсанг-да, унинг ортига ўтсанг! Шу билан тамом! Нега иккиланамиз ва имиллаймиз? Унинг ортида нима борлигини билганимиз туфайлими? У ёқдан ортиқ қайтиш мумкин эмаслиги учунми? Яна шунинг учунки, ўзимиз ўша ҳақда аниқ бир нарса билмасак-да, у ерда қоронғилик ва бўшлиқни тасаввур қилишга одатланиб қолганмиз“.

Ниҳоят, у ана шу ғамгин фикрга борган сари кўпроқ боғлана борди ва қатъий қарорга келди, унинг дўстига ёзган қуйидаги мужмал хати бундан гувоҳлик беради.

**20 декабрь**

Вильгельм, бундай илтифотинг учун миннатдорман. Ҳа, сен ҳақлисан: мен кетсам яхшироқ бўларди. Ёнимизга қайт, деган таклифинг менга унча тўғри келмайди, мен бироз айланиб бормоқчиман, айниқса, ҳозир тинимсиз совуқ, йўллар яхши бўлади, деган умиддаман. Мени олиб кетиш учун келишингдан беҳад мамнунман, икки ҳафтача сабр қил ва менинг келгуси режаларим ҳақидаги хабаримни кут: мева пишгунича уни узмаслик лозим. Икки ҳафтада кўп нарса ҳал бўлади. Онажонимга айтки, у ўғли учун Тангрига сиғинсин ва унга етказган аламларим учун мени кечирсин. Менинг қисматим шу: кимга қувонч келтиришим лозим бўлса, ўшани азоблайман. Хайр, қимматли дўстим! Сени Яратган ўз паноҳида асрасин! Хайр!



* * *

Бу орада Лоттанинг қалбида нималар содир бўлди, ёрига ва бахтсиз дўстига нисбатан туйғулари қанақа эди – буларни сўз билан ифодалашга қодир эмасмиз, унинг табиатини билганимиз учун, кўп нарсани ўзимиз тушуниб оламиз, ҳар қандай соф аёл қалби унинг қалбини тасаввур қилади ва уни англашга қодир.

Шуниси равшанки, у Вертерни узоқлаштириш мақсадида қўлидан келган ҳамма нарсани қилиш учун қатъий қарорга келди, лекин у иккиланар, Вертерга дўстларча юракдан ачинарди, чунки бу, Вертер учун деярли бажариб бўлмайдиган ғоят оғир вазифа эканлигини аниқ биларди. Аммо шароит ундан жиддий ҳаракат қилишни талаб қиларди; эри ҳам Лоттага ўхшаб энди бу масалада оғиз очмай қўйди, шундай бўлса-да, Лотта қалбан унга содиқлигини амалда исботлаш учун иложи борича уринарди.

Худди ўша, Вертер юқоридаги хатни ёзган Рождество байрамидан олдинги якшанба куни кечқурун у Лоттанинг олдига келди, Лотта ёлғиз эди. У укалари ва сингиллрига атаб байрамга сотиб олган ўйинчоқларини тартибга солиш билан овора эди. Вертер, бундан болаларнинг беҳад қувонишларини айтди ва илгарилари, эшик қўққисдан очилиб, олмалар, ширинликлар, мум шамлар билан безатилган гўзал арчага кўзи тушганда ҳайратдан донг қотган пайтларини эслади.

– Агар бамаъни бўлсангиз, Сиз ҳам совға оласиз, – деди Лотта, саросималигини ёқимли табассуми билан яшираркан, – Сизга бир ўрам шамча ва яна у-бу нарсалар тегади.

– Сизнингча, бамаъни одам қандай бўлади? – қичқирди у, – Лотта, азизим! Мен қандай бўлай, ўзимни қандай тутай?

– Пайшанба куни кечқурун арафа, отам билан ҳамма болалар келишади, ҳар ким ўзига аталган совғани олади, – деди Лотта. – Ўшанда сиз ҳам келинг, фақат белгиланган

вактда. (Вертер тараддудланди.) Ўтинаман Сиздан, – давом этди у, – шундай бўлиши керак, ҳеч бўлмаса менинг тинчлигимни аянг, бу ҳол давом этиши мумкин эмас.

Вертер бурилиб кетди ва хонада у ёқдан-бу ёққа юрар экан, ўзича секин такрорлади: „Бундай давом этиши мумкин эмас!“ Ўзининг сўзлари уни қанчалик даҳшатга солганини сезган Лотта унинг фикрини бошқа мавзуга тортишга уринди, бироқ энди фойдасиз эди.

– Йўқ, Лотта! – хитоб қилди у, – мен Сизни бошқа кўрмайман!

– Нега унақа дейсиз? – эътироз билдирди Лотта, – Сиз биз билан кўришиб турасиз, шундай бўлиши керак ҳам, Вертер, фақат ўзингизни босинг! Оҳ, нега бунчалик қизиққон, тутинган нарсангизга бу қадар қизғин берилувчан бўлиб туғилгансиз-а? Ўтинаман! – такрорлади у Вертернинг қўлидан тутаркан, – оғир бўлинг! Сиздаги билим, зukkолик, истеъдод Сизга қанчалик ҳузур-ҳаловат келтириши мумкин! Йигит бўлинг! Сизга фақат ачинишгина қўлидан келадиган кимсага бефойда боғланишдан воз кечинг!

У тишларини қисиб, Лоттага алам ичида тикилди. Лотта эса унинг қўлини қўйиб юбормасдан, сўзида давом этарди:

– Бир зумгина ўзингизга келинг, Вертер! Наҳотки, ўз-ўзингизни алдаётганингизни била туриб ўзингизни ҳалокатга элтаётганингизни сезмасангиз? Менинг Сизга нима керагим бор? Вертер, мен бировга бағишланганманку, ахир! Куйиниш не ҳожат? Оҳ, қўрқаман, қўрқаман, балки бу менга етишиш имкони йўқлиги туфайлидир, ахир бу ширин орзу холос-ку?

Вертер қўлини тортиб олди ва унга ғазабли назар билан тикилди.

– Оқилона, ўта оқилона гап! – деди у, – эҳтимол, бу Альбертнинг фикридир? Нозик! Ниҳоятда нозик фикр!

– Ҳар қандай одам ҳам шундай қилиши мумкин, – жавоб берди Лотта, – наҳотки дунёда Сизнинг юрагингиздан жой оладиган бошқа киз топилмаса? Ўзингизни



қўлга олинг, онт ичаманки, Сиз уни топасиз; кўпдан буён Сиз учун ҳам, ўзим учун ҳам қўрқаман. Охирги пайтларда бениҳоя азоб исканжасида қолгансиз. Ўтинаман, ўзингизни қўлга олинг. Саёҳат, албатта, руҳингизни енгиллаштиради! Изланг, муҳаббатингизга лойиқ кимсани топасиз, ўшанда яна қайтиб келинг, ҳақиқий дўстлик ҳузурини биргалашиб тотамиз.

– Бу гапларни нашр этса бўлади! – деди Вертер совуқ жилмайиб, – токи ҳамма тарбиячилар бундан ўрнак олсинлар! Азизим Лотта! Яна бироз сабр қилинг, мени бетоқат қилмай туринг, ҳаммаси жойида бўлади!

– Фақат бир шарт билан, Вертер! Байрамга белгиланган вактда келинг!

У жавоб беришга улгурмаган ҳам эдики, хонага Альберт кириб келди. Улар совуқ саломлашишди ва довдираганларича хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлашди. Вертер қандайдир бир мавзуда гап бошлади, лекин гап қовушмади. Альберт ҳам шунга уриниб кўрди, сўнгра хотинидан баъзи бир топшириқлари ҳақида сўради ва улар ҳали бажарилмаганини эшитгач, Лоттага (худди Вертерга туйилганидек) совуқ ва қўпол жавоб қайтарди. Вертер кетмоқчи бўлди, бир карорга келолмасдан, соат кечгача имиллади, бу орада ундаги алам ва ғазаб янада ўса борди; ниҳоят, кечки овқат тайёр бўлганда, шляпа ва таёқчасини қўлга олди. Альберт уни қолишга ундади, лекин у буни шунчаки расмиятчилик, деб тушунди-да, совуқ миннатдорчилик билдириб, чиқиб кетди.

Уйига қайтгач, ёритиб турмоқчи бўлган хизматкорининг қўлидан шамни олди-да, хонага ёлғиз ўзи кирди ва ўксиб-ўксиб йиғлади; кейин дарғазаб ҳолда ўзига ўзи сўзларкан, хонада жадал юра бошлади, охири ечинмасдан ўзини тўшакка отди, соат ўн бирларга яқин ичкарига киришга ва хўжайиннинг этигини ечиб қўйишни сўрашга журъат этган хизматкори уни шу аҳволда кўрди. Вертер этигини ечиб қўйишга рози бўлди, у хизматкорига, эртага ўзи чақирмагунича хонага киришни ман этди.

Йигирма биринчи декабрь душанба куни тонгда, у Лоттага қуйидаги номани битди, бу унинг ўлимидан кейин ёзув столи устидан сурғичланган ҳолда топилган ва Лоттага келтириб берилган; афтидан, ўшандаги шароит тақозосига кўра, мактуб бўлиб-бўлиб ёзилган, мен ҳам уни қуйида қисмларга бўлиб сизга ҳавола қиламан.

„Лотта, ҳаммаси ҳал бўлган, мен ўлишим керак ва бу тўғрида ҳеч қандай романтик хаёлларга берилмасдан, бепарво, сени сўнгги марта кўрадиган кун субҳидамида ёзяпман. Ушбу сатрларни ўқиётган вақтингда, азизим, ҳаётининг охирги дақиқаларида сен билан мулоқотда бўлишдан ўзга роҳатни билмаган беором жафокашнинг қотган жасадини совуқ қабр ўз бағрига олган бўлади. Оҳ! Бу тун мен учун ҳам даҳшатли, ҳам лаззатли бўлди! Шу кеча давомида қарорим аниқланди ва мустаҳкамланди: мен ўлишим керак! Кеча, қаттиқ саросимада ҳузурингдан чиққанимда, бор ҳисларим юрагимдан тошиб кетди ва сенинг олдингда умидсиз, қувончсиз хўрланишдан кўра, ўзимга ўлимни афзал кўрдим!.. Хонамга аранг етиб келдим, ўзимни йўқотган ҳолда тиз чўкдим, о, Тангрим! Сен менга қайноқ кўз ёшларнинг охирги лаззатини ато этдинг! Миямда минглаб ният, минглаб умидлар айланишарди, бироқ ниҳоят, сўнгги, ягона, қатъий фикр мустаҳкам ўрин олди: мен ўлишим керак! Ухлашга ётдим, бугун тонгда, уйқудан кейинги сокин мияда ҳам худди ўша қатъий ва мустаҳкам ҳукм турарди: мен ўлишим керак! Бу иккиланиш эмас, йўқ, ўзим ана шу қатъий қарорга келдим ва сен учун ўзимни қурбон қиламан. Ҳа, Лотта! Яширишнинг нима ҳожати бор? Учаламиздан биримиз кетишимиз лозим, мен кетаман! О, азизим! Бу азобланган юрак кўп марталаб... сенинг эрингни ўлдиришга ҳам... уриниб кўрган... Сени ҳам!.. Ўзимни! Майли, шундай бўла қолсин!.. Очиқ ёз кечалари тоққа чиққанингда мен ҳақимда, менинг кўпинча водий бўйлаб юқорига кўтарилганимни эсла, сўнгра, қабристонга, ботиб бораётган қуёш нурида устидаги баланд ўсган ўт-



ларни шабада тебратаётган қабримга назар ташла... Ёза бошлаган пайтимда тинч эдим, ҳозир эса ҳамма нарса кўз олдимда жонланиб, гўдакдек кўз ёш тўкяпман...“

* * *

Соат ўнларга яқин Вертер хизматкорини чақирди-да, кейинчалик яқинда жўнаб кетиш тараддудида эканлигини айтди, шунинг учун кийимларини тозалаб, ҳамма нарсани жўнашга тахт қилиб қўйишни тайинлади; бундан ташқари, ҳамма билан ҳисоб-китобни тўғрилашни, бошқалардаги китобларни йиғиштириб келишни, ҳар ҳафта ўзи ёрдам бериб турадиган камбағалларга эса икки ойлик ёрдам пулини ҳозирдан тўлаб қўйишни буюрди.

У тушки овқатни хонасига келтиришни сўради ва сўнг уйидан туриб тўғри амтманникига кетди, лекин уни уйидан топмади. Гўё барча сўнгги хотиралар юкини ўз бағрига олмоқчи бўлгандек, боғда ўйчан кезиб юрди.

Бироқ бу танҳолик узоқ давом этмади, болалар унинг кетидан югуриб келишиб, унга осилиб олишди-да, кетма-кет бидирлай кетишди: эрта, эртадан кейин ва яна бир кун ўтгач, улар Лотганикига арча байрамга боришади, совғалар олишади; улар ўзларининг болаларча хаёллари ҳавола қилган ҳар хил ажойиботларни ҳикоя қилишарди.

– Эрта! Эртадан кейин ва яна бир кун ўтгач! – деди Вертер, уларнинг ҳаммасини самимий қучди ва кетишга чоғланди, шунда энг кенжаси унинг қулоғига нимадир шивирлади ва сирни очиб қўйди: катта акалари чиройли янги йил табриклари ёзишган! Бирам каттаки! Биттаси оталари учун, иккинчиси Альберт ва Лоттага аталган, жаноб Вертерга аталгани ҳам бор, буларни янги йил куни эрталаб тақдим этишади.

Бу гаплар уни ҳолдан тойдирди, у болаларнинг ҳар бирига бир тангадан бергач, отасига салом айтишларини сўради-да, отга сакраб минди ва кўзлари ёшга тўлиб жўнаб кетди.

Соат бешларга яқин уйга қайтиб келди ва печканинг тунгача ёниб туришидан хабардор бўлишни оқсоч

қизга тайинлади. Хизматкорига эса китоб ва ички ки-йимларини чамадоннинг энг тубига жойлаштиришни ва кўйлакларини тикишни буюрди. Афтидан, шундан ке-йин, Лоттага аталган сўнгги хатнинг қуйидаги сатрла-рини қоғозга туширди.

„Сен мени кутмаяпсан! Байрамгача кўришмаймиз деб ўйлаяпсан? Йўқ, Лотта! Бугун ёки ҳеч қачон! Байрам куни сен бу хатни титраганча қўлларингда тутиб, аччиқ кўз ёшларинг билан ҳўл қиласан. Мен ўлишим керак ва шундай бўлади ҳам! О, қарорим қатъийлигидан қанчалик шодман!“

* * *

Бу орада Лотта ғалати аҳволга тушиб қолди. Вертер билан бўлган суҳбатдан кейин, бир-бирларидан ажралиш қанчалик оғир бўлишини, Вертер ҳам бундан беҳад изти-роб чекишини ҳис этди. Альберт ҳузурида у, Вертернинг байрамгача келмаслигини гап орасида эслатиб қўйди ва Альберт иш юзасидан қўшни қишлоққа бир хизматчини-кига жўнаб кетишини ҳамда бугун қайтмаслигини айтди.

Мана, у ёлғиз. Укалари ва сингилларидан бирорта-си ҳам ёнида эмас, ўз аҳволи ҳақида чуқур ўйга толиб ўтирибди. У Альбертга бир умр боғланган, ундаги му-ҳаббат ва садоқатни ҳам ҳис қилади; ўзи ҳам қалбан унга содиқ, ундаги қатъийлик ва вафодорлик гўёки бир софдил аёл уларнинг ҳаётларида бахт яратиши учунги-на мавжуддек туйилади унга; ўзи ва болалари учун бу одам қай даражада аҳамиятли эканини у тушунади. Шу билан бирга, Вертер ҳам унга ғоят қимматли бўлиб қол-ган; танишувларининг дастлабки лаҳзалариданоқ улар-даги руҳан уйғунлик яққол кўзга ташланган, у билан шу пайтгача бўлган муносабат ва бошдан кечирган кўп воқеалар Лотта қалбида ўчмас из қолдирган эди. Ўзини қизиқтирган ҳамда ҳаяжонлантирган ҳамма нарсани Вер-тер билан ўртоқлашишга одатланиб қолган, борди-ю, у кетса, юрагидаги ортиқ ҳеч нарса билан тўлдириб бўл-майдиган тубсиз бўшлиқни ҳис этиш уни даҳшатга со-



лarди. О, Вертер ҳозироқ акаси бўлиб қолса, нақадар бахтли бўларди!.. Уни дугоналаридан бирига уйлантириб қўя олса, Альберт билан Вертер ўртасидаги муносабатни қайта тиклаш имкони бўлса эди!..

У барча дугоналарини хаёлидан бир-бир ўтказди ва уларнинг ҳар биридан бирорта камчилик топди, ҳеч би-рини унга лойиқ ҳисоблаёлмади.

Шуларни хаёлдан ўтказаркан, у биринчи марта, тўла англаб етмасдан, ўзининг соф, муқаддас истаги – Вертер-ни ўзи учун сақлаш эканлигини чуқур ҳис этди, лекин шу билан бир қаторда, уни сақлай олмаслигини, бунга ҳакки йўқлигини ҳам ўйлаб қўйди; унинг тоза қалбидаги шу пайтгача ҳеч нарса хиралаштира олмаган беқиёс рав-шанлик ўрнини ғам-ғусса эгаллади: бахт эшиги унинг учун ёпиқ эди. Кўз олдини туман қоплади ва юраги эзи-либ кетди.

Қулоғига зинапоядаги қадам товушлари чалинганда, вақт олти яримларга яқинлашган эди ва у Вертернинг қадам ташлашини ҳамда уни сўраётган овозини дарҳол таниди. Вертер келганда, айтишимиз мумкинки, биринчи марта унинг юраги қаттиқ ура бошлади. У ўзини уйда йўқ, дейишларини афзал кўрди-ю, бироқ Вертер рўба-рўсида пайдо бўлди ва Лотта уни довдираган ҳамда ўпкаланган оҳангда кутиб олди:

– Сиз сўзингизда турмадингиз.

– Мен ҳеч қандай сўз берганим йўқ, – жавоб берди Вертер.

– Ҳеч бўлмаса менинг илтимосимга қулоқ солсангиз бўларди, – ранжиди Лотта, – ахир, мен Сиздан иккимиз-нинг тинчлигимиз учун илтимос қилгандим.

У нима гапираётганини ўзи тушунмасди, Вертер би-лан танҳо қолмаслик мақсадида дугоналаридан баъзила-рини айтиб келишга одам юборганида нима қилаётганини ҳам англамасди. Вертер ўзи келтирган бир неча китоб-ни чиқариб қўйди ва қандайдир бошқаларини сўради. Лотта эса бир кўнглида дугоналарининг келишини ис-таса, бир кўнгли истамасди. Хизматкор қиз қайтиб ке-

либ таклиф қилинган қизларнинг ҳар иккаласи ҳам узр сўраганларини ва келолмасликларини айтди.

У хизматкор қизга қўшни хонада ўз ишини қилиб ўтиришни буюрмоқчи ҳам бўлди, кейин яна бу фикридан қайтди. Вертер хонада у ёқдан-бу ёққа юрарди, Лотта фортепиано олдига борди-да, менуэтни чала бошлади, бироқ ҳеч нарса чиқара олмади. Ниҳоят, ўзини тутиб олди ва Вертер одатдаги жойи бўлган диванга ўтиргач, келиб унинг ёнидан жой олди.

– Ўқийдиган бирор нарсангиз йўқми? – сўради у. Вертерда ҳеч нарса йўқ эди.

– Менинг столим тортмасида Сизнинг таржимангизда Оссиан қўшиқлари бор, ҳали ўқиганим йўқ, уни ўзингиздан эшитишга умид қилгандим, аммо негадир, шу пайтгача бунинг имкони бўлмади.

Вертер кулимсираганча дафтарни олиб келди, лекин уни қўлига олган заҳотиёқ уни титроқ қамраб олди, дафтарни очаркан, кўзлари ёшга тўлди. Ўтирди-да, ўқий бошлади:

„Сокин тун юлдузи, сен уфқда жозибали жимиллайсан, булут ортидан нур сочиб чиқсанг-да, тепага қараб мағрур сузиб кетасан. Сен бўшлиқда нимани ахтаряпсан? Қутурган шамол тинган, узоқдан анҳорнинг шовуллагани қулоққа чалинади ва тўлқинлар ҳув анави чўққилар тубида шовқин солмоқда; майда пашша галалари дала устида ғувуллашмоқда. Нимани ахтаряпсан, гўзал нур? Аммо сен жилмайиб нари кетасан, тўлқинлар кувонч билан сени ўраб олишади-да, майин сочларингни кўмиб юборишади. Хайр, беозор нур! Яна чарақла, Оссиан қалбининг порлоқ нури!

Мана, бор қудрати-ла у яна пайдо бўлди. Мен марҳум дўстларимни кўряпман, улар худди қадимдагидек Лорада тўпланишган. Фингал худди туман устунидек туйиляпти, атрофида унинг қаҳрамонлари, ана у ерда диний қўшиқ ижрочилари: мўйсафид Уллин! Хушбичим Рино! Моҳир қўшиқчи Алпин! Анави эса сен, секин қайғураётган Ми-



нона!.. Дўстларим, биз Селмада, тепалик устида шитирлайтган ўтларни силкитган баҳор еллари янглиғ қўшиқ айтишда мусобақа ўйнаган ўша қувончли кунлардан буён қанчалик ўзгариб кетибмиз!

Мана, чиройини кўз-кўз қилиб Минона чиқиб келди; у нигоҳини ерга тиккан, кўзлари тўла ёш, соч ўримлари тинган эсаётган шамолдан оғир силкинади. Унинг сирли овози янграганда, қаҳрамонларнинг қалблари ғам-ғуссага тўлади; чунки улар, гоҳ Салгарнинг қабрини, гоҳ хушовоз оқ Колманинг қоронғи кулбасини кўз олдиларига келтиришарди. Хушовоз Колма тепалик устида танҳо қолган, Салгар келишга ваъда берган бўлса-да, келмаган, атрофга тун қоронғилиги чўккан. Тепалик устида ёлғиз ўтирган Колманинг товушига қулоқ тутинг.

***Колма***

Тун! Ёлғиз менгина бўронда тепалик устида унутилганман. Дараларда шамол увиллайди, сел тоғдан пастга интилади. Тепалик устида бўронда қолган мен бечора ташланадиқни ёмғирдан ҳимоя қиладиган бирорта бошпана йўқ.

Булутлар ортидан чиқ, моҳитобон! Чарақланг тун юлдузлари! Сизнинг нурларингиз, севгилим ов ташвишларидан сўнг дам олиб ётган жойга элтувчи йўлимни ёритсинлар, камони ҳам ёнида ётибди, чарчаган итлари уни ўраб олишган! Мен эса танҳоман, пастда даҳшатли сел қутуряпти. Сел ва тўлқин шовуллайди, севгилимнинг овози эса эшитилмайди.

Нега менинг Салгарим ҳаяллаяпти? Берган ваъдасидан тондими чиқдимикан?.. Ана қоя ва дарахт, бунда эса қутурган тўлқин. Тун чўкканда келаман, деб сўз берган эдинг, оҳ! Салгарим қаерларда адашиб қолдийкин? Мен отам ва акамдан, барча дабдабалардан кечиб сен билан кочиб кетмоқчи эдим! Бизнинг аждодларимиз илгаридан душман бўлиб келишган, лекин биз рақиб бўлолмаймиз, о, Салгар! Бир зумгина тин ол, шамол! Бир

зумгина тинчлан, эй тўлқин! Овозим водий бўйлаб янграсин, уни менинг сайёҳим эшитсин! Салгар, сени мен чорлаяпман! Мана қоя, мана дарахт! Салгар! Севгилим, мен бу ердаман! Ахир нега ҳаяллаяпсан?

Қара, ой чиқди, водийдаги сув ярақлаяпти, чўққилар қўнғир тусдаги тепаликлар устида мағрур туришибди, фақат Салгар йўқ, у кўринмайди, итлари ҳуриб ундан дарак ҳам беришмайди. Мен бунда танҳо ўтирибман.

Ҳув пастда, текисликда ётганлар ким? Акамми? Севгилимми? Жавоб беринглар, дўстларим! Улар жим! Қўрқувдан титраб кетяпман!.. Оҳ, улар ўлдирилган! Қиличлари қонга бўялган! О, ака, акажоним! Нега менинг Салгаримни ҳалок этдинг? О, Салгарим! Нега сен акамни ўлдирдинг? Мен ахир иккингизни ҳам шунчалик севардимки. Сен водийдаги минглаб кишилар ичида энг гўзали эдинг! У эса жангда даҳшат соларди. Жавоб беринглар! Овозимга қулоқ солинглар, азизларим! Оҳ, улар жим! Абадий жим! Уларнинг кўкси худди ер кўксидек совуқ!

О, қоялардан, бўрон увиллаётган тоғ чўққисидан туриб жавоб беринглар менга, марҳумларнинг руҳлари! Гапиринглар! Мен бундан чўчимайман!.. Сизлар қаёққа ором излаб кетдингизлар? Сизларни қаердан, қайси тоғ дарасидан ахтарай?.. Шамолда на бир овозни, бўронда на бир жавобни илғайман.

Ғамга чулғаниб, кўз ёши тўкарканман, тонгни кутяпман. Марҳумларнинг дўстлари, қабр қазинглар, лекин мен боргунимча дафн этиб қўйманглар. Ҳаёт мени худди тушдек тарк этяпти; тириклар орасида қолишимнинг не маъноси бор? Мен мана шу ерда, гулдураётган чўққилар орасида, селда яшайман. Тепалик устига тун чўкиб, водий тепасида шамол эса бошлаганда, руҳим шамол қўйнида бош кўтаради-да, дўстларим ўлимига кўз ёш тўкади.

Чайлада ўтирган овчи овозимни эшитиб, даҳшатга тушади ва ундан сеҳрланиб қолади; чунки мен, азиз ва севикли дўстларим ҳақида жўшиб куйлайман!



Сен шундай куйладинг, Торманинг ювош, уятчан қизи Минона. Биз Колма учун кўз ёш тўкдик, қалбларимиз ғам-аламга чулғанди. Шу пайтда қўлида арфа тутган Уллин чиқиб келди ва бизга Алпин қўшиғини куйлаб берди... Алпиннинг овози мулойим янграрди, Рино қалби эса ёлқинга ўхшарди. Гарчи уларнинг бошпаналари аллақачон тор бўлса-да, овозлари Селмадан янграрди. Бир куни Уллин, қаҳрамонлар ҳали тирик пайтида, овдан қайтиб келганида, тепалик устида уларнинг қўшиқ айтишида беллашаётганларини эшитди. Уларнинг қўшиғи тинида ёқимли, аммо ғамгин эди. Улар, қаҳрамонлар ичида биринчи ҳалок бўлган Морарга атаб мотам қўшиғи куйлардилар. Унинг қалби Фингалнинг қалбидек, қиличи эса Оскарнинг қиличидек эди, барибир у ҳалок бўлди. Отаси эса ўғли учун ёқасини чок этиб қайғуради, синглисининг кўзлари тўла ёш, ботир Морарнинг синглиси Минонанинг кўзлари жиққа ёш эди.

Уллиннинг қўшиғи янграган заҳотиёқ, Минона, худди бўронни сезиб, юзини булут ортига яширган уфқдаги ойдек, кўздан ғойиб бўлди. Мен эса Уллин билан бирга арфа торларини чертиб мотам ашуласига жўр бўлдим.

***Рино***

Шамол ва ёмғир ўтиб кетди, ҳаво ниҳоятда очиқ, булутлар тарқалишмоқда. Беқарор қуёш тепаликка наридан-бери нур сочмоқда. Шафақдан қизарган оқим водий бўйлаб пастга шошилади. Оқим, сенинг шовуллашинг бирам ёқимли! Аммо менга эшитилаётган товуш бундан ҳам ёқимлироқ. Бу Алпиннинг овози, у марҳумлар хотирасига кўз ёши тўкяпти. У кексаликдан букчайган, кўзлари йиғидан қизариб кетган. Алпин! Хушовоз қўшиқчи! Нима учун сокин тепаликда ёлғизсан! Нега чакалакзор ўрмондаги шамолдек, узоқ қирғоқларга урилаётган тўлқиндек фарёд чекасан.

Рино, мен марҳумлар учун йиғлаяпман, овозим қабрга ётганлар ёнига чорлайди. Сен тепалик устида қанчалик мағрур турмагин, водийдаги ўғлонлар ичида қанчалик омадли ҳисобланмагин, барибир, худди Морардек ҳалок бўласан ва қабринг устида кимдир юм-юм йиғлайди. Тепаликлар сени унутишади, букилган қаддинг қабр гумбази остида ётади.

О, Морар, сен тоғ кийиги янглиғ абжир, зимистон кўкдаги чақмоқдек даҳшатли эдинг. Ғазабинг гўё тўлқиндек эди, қиличинг жангда водий устидаги яшиндек яракларди, овозинг бамисоли узоқ тепаликлар ортидаги момақалдироқдек, ёмғирдан сўнгги ўрмон шовуллашидек эди. Кўплар сенинг қўлингда жон берди, улар ғазабинг алангасини ўчирди. Урушдан қайтиб келганингда овозинг осойишта янграрди! Чеҳранг эса бўрондан кейинги офтобга, сокин тундаги ойга ўхшарди, қалбинг шамол тинчигандан сўнгги кўл янглиғ осуда эди. Энди эса бошпананг тор! Сен яшаётган жой зулматда! Бир вақтлар нақадар буюк бўлган кимса қабрини энди уч қадам билан ўлчаш мумкин! Ўт босиб ётган тўртта тош – мана, сендан ягона ёдгорлик! Яланғоч дарахт-у шамолда тебраниб турган ўсиқ гиёҳ овчига қаҳрамон Морар қабридан дарак беради. Сен учун қайғурадиган онанг ҳам, муҳаббат ёшларини тўкадиган севгилинг ҳам йўқ. Сени туққан кимса, Морглланнинг қизи ҳам ҳалок бўлган.

Анави жойда ҳассага таяниб юрган ким? Кексалигидан сочлари оқарган, йиғидан кўзлари қизарган кимса ким? Бу сенинг отанг, Морар, сендек ягона ўғилнинг падари бузруквори. У сенинг жангдаги қаҳрамонлигингни эшитган, душманларингнинг мағлубияти ҳақида ҳам эшитган! О, жароҳатларингдан эса у бехабар! Йиғла! Йиғла! Афсус, ўғлинг овозингни эшитмайди. Ўликларнинг уйқуси қаттиқ, тупроқ уларнинг ёстиғи. Сенинг овозинг унга етиб бормайди, қичқириғинг уни уйғотолмайди. Тонг



отганида эса қабрда марҳум: „Уйғон!“ деган товушни эшитади.

Алвидо, марҳумларнинг энг ботири, ғолиб жангчи! Энди сени жанг майдони қайтиб кўрмайди! Шамширинг яроқлаши энди қоронғи ўрмонни ёритмайди. Сен ўзингдан ўғил қолдирмадинг, аммо номинг қўшиқларда сақланади ва келажак авлодлар сен ҳақингда – жангда ҳалок бўлган Морар ҳақида хабар топадилар.

Қаҳрамонлар қаттиқ фиғон чекишарди, Арминнинг ноласи, айниқса, кучлироқ эди. У умрининг айни гуллаган даврида ҳалок бўлган ўғлини хотирларди. Унинг ёнида сершовқин Галмолнинг хўжайини Кармор ўтирарди.

– Нима сабабдан Армин бунчалик фарёд чекади? – сўради у, – нега ахир йиғлайди? Ахир қўшиқ қалбга ором бағишлаш ва уни юпатиш учун куйланмайдими? Қўшиқлар худди кўлдан водийга кўтарилаётиб, ранг-баранг гулларни шабнамга кўмиб яшнатиб юборган енгил туманга ўхшайдилар; аммо қуёш чиқдими, бас, туман шу зумдаёқ тарқалиб кетади. Нега бу қадар нола қиласан, тўлқин ювган Горманинг султони – Армин?

– Ҳа, мен нола қиляпман! Ғамим бениҳоя, Кармор, сен ўғлингни йўқотганинг йўқ, гулдек қизингдан жудо бўлганинг йўқ; жасур Колгар ҳаёт ва гўзал Аннира ҳам ҳаёт. Сенинг уйингдаги ниҳоллар гуллаяпти, о, Кармор, бизнинг наслимиз эса Армин билан тугайди! О, Даура, сенинг тўшагинг зулмат қўйнида! Қабрдаги уйқунг ҳам қаттиқ!.. Қачон уйғонасан ва сенинг қўшиғинг, ёқимли овозинг қачон қайта янграйди? Куз шамоли, қўзғал! Қўзғал! Қоронғи водий устида ғувулла! Ўрмон, шовқин сол! Бўрон, қайинлар тепасида қичқир! Сузавер, ой, булутлар орасидан сўлғин чеҳранг мўраласин! Болаларим ҳалок бўлган – жасур Ариндал ва севимли Даура дунёдан ўтган уни даҳшатли кечани ёдимга сол.

Даура, қизим, сен гўзал эдинг! Фура тоғлари тепасидаги ойдек фусункор, қордек оппоқ, соф ҳаводек ёқимли эдинг! Ариндал, сенинг камонинг маҳкам боғланган, жангда ёйни ҳам мўлжалга тегизиб отардинг,

назаринг денгиз устидаги тумандек эди, қалқонинг эса момақалдироқ пайтидаги яшиндек яраққларди!

Урушда шуҳрат қозонган Армар қайтиб келгач, Даурага кўнгил қўйди, Даура ҳам кўп қаршилик кўрсатмади. Дўстлари уларнинг бахтли бўлишларига ишонган эдилар.

Одгалнинг ўғли Эрат, акасини Армар ўлдиргани туфайли илгаридан кек сақлаб келарди. У денгизчи қиёфасида келди. Унинг чиройли қайиқчаси тўлқин устида чайқаларди, сочларига оқ оралаган, жиддий чеҳраси хотиржам кўринарди.

– Соҳибжамол қиз, – деди у, – Арминнинг сулув қизи, анави денгиз бўйидаги чўққида, дарахтлардан мевалар мўралаб турган жойда Армар Даурани кутяпти; мен унинг севгилисини кутураётган денгиздан олиб ўтгани юборилганман.

Даура унга эргашди ва Армарни чақира бошлади. Чўққилардан акс садогина қайтди, холос.

– Армар! Азизим! Севгилим! Нега мени бунчалик қўрқитасан? Жавоб бер! Жавоб бер, Арнатнинг ўғли! Сени Даура чақиряпти!

Сотқин Эрат бўлса, тиржайиб қуруқликка яширинди. Қиз овозининг борича отасини ва акасини чақира бошлади:

– Ариндал! Армин! Наҳотки ҳеч ким Даурани қутқармайди?

Унинг товуши денгиз оша етиб келди. Ўғлим Ариндал тепаликдан югуриб келди: у овчилик яроғ-аслаҳалари билан даҳшатли кўринарди. Белидаги камарида ўқлар шилдирарди, қўлида камон, атрофини бешта қора-қўнғир тусдаги итлар ўраб олган эди. Қирғоқда у жиноятчи Эратни кўргач, тутиб олди-да, қарағайга белидан сиқиб боғлаб ташлади. Банди оғриқдан инграб юборди.

Ариндал ўз қайиғида Даурани олиб келиш учун денгизга тушди. Шу пайт дарғазаб ҳолда Армар пайдо бўлди-да, ўткир учли ёйни ирғитди; у визиллаб бориб сенинг кўксингга қадалди, о, Ариндал, ўғлим! Жиноятчи Эрат ўрнига сен ҳалок бўлдинг, қайиғинг тошларга бориб



урилди, сен унинг устига йиқилдинг-да, жон бердинг. О, шўрлик Даура, акангнинг қони сенинг оёқларинг остида оқарди!

Тўлқинлар қайиқни парчалаб ташлади, Армар ўз Даурасини қутқазиш, йўқса ҳалок бўлиш учун ўзини тўлқинлар бағрига отди. Шу пайт тоғдан қаттиқ шамол турди ва денгиз кутуриб, Армарни домига тортди-ю, у абадий ғойиб бўлди.

Ёлғиз ўзим денгиз ўртасидаги қоя устида ўтирардим ва қизимнинг фарёди қулоғимга чалинарди. У узлуксиз, қаттиқ фарёд соларди, бироқ отаси уни қутқаролмади. Тун бўйи денгиз соҳилида ўтириб чиқдим ва ойнинг хира нурида у кўзга ташланди, тун бўйи унинг оҳ-ноласини эшитдим, шамол увиллар, ёмғир тинимсиз қояга уриларди. Тонг олдидан Дауранинг товуши сусая бошлади, чўққиларда ўсган майсаларни елпиб ўтган кечки шабададек у йўқ бўлди. Даура фарёд чекиб ҳалок бўлди ва Арминни танҳо ташлаб кетди! Урушдаги таянчимдан жудо бўлдим, қизлар ичида энг гўзал ҳисобланган Даурам ҳалок бўлди.

Тоғда бўрон увиллаганда, тўлқинларни шимол шамоли кўкка ирғитганда, мен ана шу сершовқин қирғоқда, уни даҳшатли қоядан кўз узмай ўтираман. Ботаётган ой нурида баъзан болаларимнинг соялари кўзга ташланади, улар худди хира шарпадек аянчли танҳоликда кезиб юришади...“

Лоттанинг кўзларидан юракни ғамдан халос этувчи ёшлар маржондек оқа бошлаганини кўрган Вертер ўқишни тўхтатди. У дафтарни ирғитиб юборди-да, Лоттанинг қўлини қисганча, аччиқ кўз ёш тўкди. Лотта иккинчи қўлидаги дастрўмоли билан кўзларини беркитди, иккаласи ҳам даҳшатли ҳолатда эди. Диний кўшиқ қаҳрамонларининг аччиқ тақдири уларга гўё ўз қайғуларидек туйилди, иккаласи буни бирдек ҳис этишар ва бирдек кўз ёш тўкишарди. Вертернинг кўз ёшлари ва лаблари Лоттанинг қўлини куйдирарди: у қўрқиб кетди, кетмоқчи бўлди, бироқ шафқат ва алам уни ипсиз боғлаб

қўйганди. У чуқур хўрсинди-да, йиғи аралаш Вертердан ўқишда давом этишни ниҳоятда ўтиниб сўради! Вертер титрарди, юраги отилиб чиққудек ҳаприқарди, у варақни олди-да, тутилиб-тутилиб ўқий бошлади:

– О, баҳор шабадаси, нега мени уйғотасан? Сен эркалатиб: „Мен само шабнами-ла сенга жон бахш этаман!" дейсан гўё. Бироқ менинг сўлиш пайтим яқин, япроқларимни юлиб отадиган бўрон яқин. Эртага келади, мени навқиронлик давримдан буён билган ўша сайёҳ келади. У мени ҳамма ёқдан ўз нигоҳи-ла ахтаради, афсуски, тополмайди...

Бу сўзларнинг бутун қудрати бахтсиз Вертер устига ёғилди. У чуқур изтиробда ўзини Лоттанинг оёқларига ташлади, унинг қўлини маҳкам ушлаб, кўзларига, манглайига босди, унинг мудҳиш қарорини гўё сезгандек, Лотта қўрқувдан титраб кетди. Кўз олди хиралашди, Вертернинг қўлларини қаттиқ қисиб, кўксига қўйди, титрабқақшаб унинг боши устига эгилди, уларнинг ёнаётган ёноқлари бир-бирига тегиб кетди. Борлиқ гўё ғойиб бўлди, Вертер уни бағрига босганича нималарнидир шивирлаётган титроқ лабларидан қаттиқ-қаттиқ ўпа бошлади.

– Вертер! – қичқирди Лотта бўғиқ овозда бошини четга бураркан, – Вертер! – беҳуда ҳаракатлар билан уни четлатишга уринарди. – Вертер! – такрорлади у дадиллик билан қатъий оҳангда. Вертер ортиқ қаршилик қилмади. Лоттани оғушидан бўшатди-да, ўзини телбалардек унинг оёқлари остига ташлади. Лотта ўзини ўнглаб олди ва даҳшатли саросимада муҳаббат ва ғазаб ўртасида титраб деди:

– Бу бошқа такрорланмайди! Сиз мени кўрмайсиз, Вертер!

У шўрлик Вертерга муҳаббат тўла нигоҳ билан қараб турди-да, қўшни хонага кириб кетди ва ичкаридан қулфлаб олди. Вертер унинг кетидан қўлларини чўзганча қолаверди. У бошини диванга қўйиб ярим соатлар чамаси полда чўзилиб ётди, қандайдир шитирлаш уни ҳушига



келтирди. Хизматкор қиз стол ясатиш учун кирганди. Вертер хонада юра бошлади, яна ўзи ёлғиз қолгач, хона эшигига келиб, секин чақирди:

– Лотта! Лотта! Лоақал бир оғиз сўзимни эшитинг! Хайрлашув олдидан!

Лотта жим эди. У кутди, ялинди, яна кутди, кейин қичқирди: – Алвидо, Лотта! Умрбод алвидо!

Шу билан ўзини ташқарига отди.

У шаҳар дарвозасигача борди. Қоровуллар уни танишганлари туфайли индамасдан ўтказиб юборишди. Ёмғир аралаш қор ёғарди, у бўлса фақат соат ўн бирларга яқин дарвозани қайта тақиллатди. Уйига келганида, хизматкори унинг шляпасиз қайтганини пайқади. Бироқ оғиз очишга журъат қилолмади, уни ечинтирди, ҳамма кийимлари жиққа хўл эди. Кейинчалик шляпани тепаликнинг водийга қараган ёнбағридаги чўққидан топишди. Ёғинли қишистон кечада ҳеч ерига шикаст етказмасдан қандай қилиб у ерга чиққанлиги кишининг ақлига сиғмайди.

У тўшакка ётди, шу кўйи узоқ ухлади. Хизматкори эрталаб унинг истагига кўра қаҳва келтирганида, у стол ёнида ёзиб ўтирарди. У Лоттага аталган мактубига қуйидагиларни қўшимча қилди:

„Шундай қилиб, мен сўнгги бор, ҳа, сўнгги бор кўзларимни очяпман. Оҳ! Энди уларга офтобни кўриш насиб этмайди! Хира туманли тун уларни тўсиб қўяди. Мотам тунт, табиат! Сенинг ўғлинг, сенинг дўстинг, сенинг ошиғингнинг умри тугаяпти. Лотта, бу туйғуни тасвирлаш мушкул, агар ўзингга: „Бу менинг сўнгги субҳидамим! Охиргиси!" деяркансан, бу шуурни фақат хира тушга ўхшатиш мумкин. Охиргиси! Лотта, мен „охирги" деган сўзни тушунолмайман. Мана, ҳозир кучга тўлиқман, эртага эса ерда жонсиз, ҳаракатсиз чўзилиб ётаман. Ўлим! Бу нима дегани? Қара, биз ўлим ҳақида гапирарканмиз, гўё хаёл сурамиз. Кишиларнинг ўлганларини кўп марта кўрганман. Бироқ одам табиатан шу қадар чегараланганки, ўз ҳаётининг ибтидоси ва интиҳосини ҳатто пайқамай ҳам қолади. Ҳозир сеники, сеники! Ҳа, сени-

ки! О, маҳбубам! Яна бир зум ўтгач эса... тугайди, ало бўлади... эҳтимол абадийдир? Йўқ, Лотта, йўқ... Мен қандай қилиб йўқ бўлиб кетай? Қандай қилиб сен йўқ бўлиб кетасан?! Биз ахир мавжудмиз-ку! Йўқ бўлиш!.. Бу нима дегани?.. Яна сўз, юрагим ҳис этмайдиган қуруқ овоз!.. Ҳалок бўл, Лотта! Тор, тим қоронғи совуқ ерга кўмил!.. Мен бир қизни билардим, у журъатсиз ёшлик давримда мен учун бутун ёруғ олам эди. У ўлди, мен унинг тобути ортидан бордим, қабри тепасида турдим! Тобутни қабрга туширганларидан кейин, арқонни унинг остидан тортиб олишгач, биринчи курак тупроқни ташлашди, у даҳшатли қутига бўғиқ урилди, овоз борган сари бўғиқлашиб борди ва қизни бутунлай кўмиб ташлашди!.. Мен ўзимни қабр устига ташладим, бағрим тилка-пора бўлган, эзилган, титраган, саросимага тушган эдим, аммо, барибир, бунинг ўлим эканини, ўз бошимга ҳам бир куни шу кўргилик тушишини билмасдим... Ўлим! Қабр! Англаб бўлмайдиган сўзлар!

Оҳ, кечир, кечир мени! Кеча! Кеча ўлишим керак эди! О, фариштам! Илк марта, ҳа, илк марта, бор вужудим-ла дилни яйратувчи бир туйғуни ҳис этдим: у мени севади! У мени севади! Ҳануз лабларимда сенинг лабларингдан ўтган сеҳрли ўт ёняпти ва қалбимни ажиб бир роҳат чулғаяпти, Кечир мени! Кечир!

О, мени севишингни билгандим. Илк самимий нигоҳингданоқ, илк марта қўлимни қисганингдаёқ билгандим, аммо мен кетгач, ёнингда Альберт қоларди, мен бўлсам, азоб ўтида куярдим.

Эсингда борми, ўша ёқимсиз кишилар орасида биз бирон оғиз ҳам сўзлашолмаган, ҳеч бўлмаса, бир-биримизнинг қўлимизни қисолмаган пайтимизда менга гул юборгандинг? Ярим кечагача ўша гул олдида тиз чўкиб турдим, чунки у сенинг менга бўлган муҳаббатинг рамзи эди.

Афсуски, Тангри таолонинг саҳийлик билан кўрсатган муқаддас марҳаматига бўлган ишонч ишонувчи онгида аста-секин сўниб борганидек, бу таассуротлар ҳам ўтиб



кетишди. Ҳамма нарса ўтади, лекин ҳар қандай абадийлик ҳам, кеча сенинг лабларингдан олган ва ҳозир ҳам ёниб турган мана шу ёлқинли оловни сўндира олмайди! У мени севади! Менинг қўлларим уни қучди, лабларим унинг лабларида титраб, нималарнидир шивирлади. У меники! Ҳа, Лотта, сен абадий меникисан!

Альберт эринг бўлса нима бўлибди? Менга нима? У фақат бу дунёдагина эр, демак, бу дунёда сени севишим, сени унинг бағридан тортиб олишга ва ўз бағримга босишга интилишим гуноҳми? Гуноҳ? Ҳа, майли, мен бунинг учун ўзимни жазолайман. Бу гуноҳни бор илоҳий лаззати билан тотдим, ундан ҳаётий куч-қувват олдим. Ўша лаҳзадан эътиборан, сен меникисан, о, Лотта! Меникисан! Мен кетаман! Ўз отам ёнига, сенинг онанг ёнига кетаман! Мен унга ўз қайғумни сўзлаб бераман, сен келгунингга қадар у мени юпатади, сен келгач эса мен истиқболингга чиқаман, сени оғушимга оламан ва бир-биримизни қучганимизча Тангри никоҳи олдида абадий бирга қоламиз.

Мен хаёл қилмаяпман, бу уйдирма эмас! Ўлимим олдидан ҳамма нарса ойдинлашяпти. Биз йўқ бўлмаймиз! Биз қайта топишамиз! Сенинг онангни кўрамиз! Мен уни кўраман, уни топаман ва унга, айнан сенинг қиёфадошинг бўлган онангга ўз дардимни тўкиб соламан“.

* * *

Соат ўн бирларга яқин Вертер хизматкорини чақириб, ундан Альбертнинг қайтган-қайтмаганини сўради. Хизматкор унинг келганини, отда ўтиб кетганини ўзи кўрганини айтди. Шунда хўжайин унга қуйидаги мазмунда хатча тутқазди:

„Саёҳатга чиқиш учун тўппончангизни бериб турсангиз? Сизга доимо соғлик тилайман!“

Севимли Лотта ўша кечаси ёмон ухлади. Рўй беришига кўзи етмаган, аммо қўрқув ичида кутиб юрган воқеа кўз очиб юмгунча ҳал бўлди-қўйди. Ҳамиша сокин ва хотиржам вужуди қаттиқ ҳаяжон билан тўлиб-тошиб,

минглаб қарама-қарши ҳис-туйғулар мусаффо қалбига бир нафас ором бермасди. Кўксида ёнаётган олов Вертернинг оғушидан ўтмадими? Эҳтимол, у ҳозирги ҳолатини ўзига бениҳоя ишонган, беқиёс соф, иффатли бўлган аввалги кунлари билан солиштириб, ўзидан нафратланаётгандир? Эри билан қай тарзда учрашади? Гарчи эридан яширмаса-да, барибир, айтишга журъат этолмайдиган ҳодисани унга қандай қилиб билдиради? Иккаласи ҳам узоқ жим ўтиришгач, ўзи биринчи бўлиб жимликни бузиши ва ноқулай бир ҳолатда Альбертга кутилмаган воқеани баён қилиши керакми? Вертернинг келганлиги ҳақидаги хабарнинг ўзиёқ унда ёқимсиз туйғу уйғотади-ю, бу кутилмаган зарба не ҳолга соларкин? Эри бу хабарни эшитиб, хотинини қораламайди деган ўйга ишонса бўладими? Юрагидаги туғёндан Альбертнинг воқиф бўлишига йўл қўя олармикан? Аммо иккинчи томондан, шу пайтгача эрининг назарида самимий ва биллурдек тоза бўлиб келган, ўз туйғуларини бирор марта яширмаган ва яширолмаган, энди шундай одам олдида муғамбирлик қила оладими? Мана шундай қарама-қарши ўйлар уни хижолат ва нотинч қилса-да, барибир, хаёли яна Вертерга қайтди – у энди Лотта учун йўқ, Лотта ундан кечолмайди ҳам, бироқ, афсуски, уни ўз ҳолига ташлаб қўйишга мажбур. Лоттани йўқотаркан, Вертер учун ҳам ҳамма нарса бемаъни бўлиб қоларди.

Эри ва ўзи ўртасида пайдо бўлган ғов унга ҳозир қанчалик оғир туйилишини ҳали тушуниб етмасди! Қандайдир яширин келишмовчилик туфайли мана шундай мулоҳазали, баъмани кишилар бир-биридан сир яшира бошладилар. Ҳар бири ўзини ҳақ, бошқасини ноҳақ деб ўйларди. Муносабатлар шу қадар қийинлашиб ва кескинлашиб кетдики, ниҳоят, мана шу ҳал қилувчи лаҳзала тугунни ечишнинг имкони йўқ эди. Яна самимий ишонч туғилиб, уларнинг илгариги тотувлиги тикланса эди, улар ўртасида ўзаро ҳурмат ва муҳаббат қайта жонланиб, қалбларни илитса эди, балки дўстимизни қутқаришнинг имкони бўларди.



Бундан ташқари, яна бир муҳим вазият мавжуд эди. Вертернинг хатларидан аёнки, у ҳаётни ташлаб кетишга интилишини ҳеч вақт яширмаган. Альберт бу хусусда у билан тез-тез баҳслашарди. Лотта билан эри ўртасида ҳам шу тўғрида тортишув бўларди. Альберт бу тахлит ишларга кескин қарши бўлиб, табиатига хос бўлмаган асабийлик билан, бундай ниятлар чуқур ўйланмасдан енгилтаклик билан қилинишига иккиланмайман, дейишга асосли далилларим бор, деб уқтирарди, ҳатто шу ҳақда ҳазил тариқасида гапириб, ўз ишончсизлигини Лоттага ҳам билдирган эди.

Гарчи, даҳшатли манзара хаёлига келган пайтларида бу уни бир томондан тинчлантирса-да, иккинчи томондан, ҳозир ўзини азоблаётган қўрқувни эрига айтишдан чўчиб турарди.

Альберт қайтиб келганда Лотта саросима ҳолатда шошилиб унга пешвоз чиқди. Альбертнинг кайфияти ёмон эди, иши ўнгидан келмаган, чунки ўша хизматчи ниҳоятда ўжар ва бачкана эди. Ёмон йўл таъбини баттар хира қилганди.

У Лоттадан ҳол-аҳвол сўради. Лотта кеча кечқурун Вертер келганлигини шошилиб хабар қилди. У хат келмадими, деб сўради, битта хат ва бир неча пакетлар хонасида стол устида ётганлигини эшитгач, ўша ёққа кетди, Лотта ёлғиз қолди. Ўзи севадиган ва ҳурмат қиладиган эри билан учрашув унинг руҳини бирмунча кўтарди. Альбертдаги олижаноблик, софдиллик ва муҳаббатни ҳис этаркан, қалби бироз ором топди. Ёнига боргиси келди, қўлига ишини олиб, одатдагидек, унинг хонасига кетди. Лотта кирганда, эри пакетларни очиб ўқиш билан машғул эди. Баъзиларининг мазмуни афтидан ёқимли эмасди, Лотта ундан нималарнидир сўради, у қисқа жавоб қайтарди-да, стол ёнига ўтириб, ёзишга тутинди.

Шу тариқа улар бир соатлар чамаси ёнма-ён ўтиришди. Лоттанинг юраги борган сари қаттиқроқ сиқиларди. Альберт ўта хуш кайфиятда бўлганида ҳам, кўнглидаги гапни унга айтишга қурби етмаслигини Лотта сезарди.

Ўзини қўлга олишга, кўз ёшларини яширишга уринаркан, уни янада оғирроқ ғам қуршаб олди.

Вертер хизматкорининг кириб келиши эса тамоман довдиратиб қўйди. Хизматкор Альбертга хатчани узатди, Альберт бўлса, хотиржам ҳолатда Лоттага бурилиб деди:

– Тўппончани бериб юборгин. Унга саёҳатида оқ йўл тилашимни айтиб қўй, – қўшиб қўйди у хизматкорга юзланаркан.

Лоттани гўё яшин ургандек бўлди, у гандираклаб ўрнидан турди, фикр-хаёлини тўплаб ололмасди. Девор ёнига зўрға етиб борди, титроқ қўллари билан тўппончани олди, чангини артди, уни бергиси келмасди, агар Альберт савол назари билан қараб шоширмаганида эди, янаям имиллаган бўларди. Бирон оғиз сўз айтишга ҳоли етмасдан, машъум қуролни хизматкорга тутқазди, у чиқиб кетгач, ишни йиғиштирди-да, ҳаддан ташқари ваҳима ичида ўз хонасига кириб кетди. Бор даҳшатни кўнгли олдиндан сезиб турарди. У ўзини эрининг оёқларига ташлаб, кеча кечқурун бўлиб ўтган ҳодисани – ўз гуноҳини, ўзидаги хавотирни унга айтиб бермоқчи ҳам бўларди. Бундай қилишнинг ҳам бефойдалигини тушунарди. Эрини Вертер ёнига боришга кўндира олишига деярли ишонмасди. Тушки овқат пайтида очиқ кўнгил бир дугонаси дарҳол нимадир сўраб келди-ю, бироқ кетмади ва овқат маҳалида суҳбатга жон киритиб ўтирди. Лотта ҳам истаса-истамаса суҳбатга аралашиб, нималарнидир гапириб, оғир ўйларни унутишга ўзида куч топишга уринди.

Хизматкори Вертерга тўппончани келтириб берди, уни Лотта олиб берганлигини эшитгач, Вертер уни ҳаяжон ичида олди. У вино ва нон келтиришни буюрди, Хизматкорини овқатланишга юборди-да, ўтириб ёзишга тутинди:

„Уни сен олиб бергансан, чангини артгансан, мен эса уни тинимсиз ўпаман, ахир, унга сенинг қўлинг текканда! Самовий фариштам, сен ҳам менинг қароримга ҳомийлик қиляпсан! Лотта, сен менга қурол тутқизяпсан, мен ажални сенинг қўлларингдан кутардим! Ҳа, мана



энди уни қабул қиляпман! Хизматкоримдан батафсил сўраб олдим. Сен тўппончани узатаркансан, титраб кетдинг, ҳатто бир оғиз сўз демадинг!.. Оҳ, шўрим! Мен билан видолашмадинг ҳам!.. Наҳотки, иккимизни абадий боғлаган ўша нарса туфайли сенинг қалбинг мен учун беркилган бўлса? Лотта! Минг йиллар ҳам ўша таассурот ўтини ўчиролмайди. Биламан, ҳис этяпман: сени қайноқ муҳаббат билан севган кишини ҳеч қачон ёмон кўролмайсан“.

Овқатдан сўнг у хизматкорига нарсаларни жойлаштиришни буюрди, кўп қоғозларни йиртди ва майда-чуйда қарзларни узиш учун чиқиб кетди. Кейин қайтиб келди, яна ташқарига чиқди ва ёмғир ёғаётганига қарамасдан шаҳар четидаги граф боғига йўл олди, теварак-атрофни роса айланди, кечқурун қайтиб келгач, ёзишга ўтирди.

„Вильгельм, мен дала, ўрмон ва самони охирги марта томоша қилдим. Алвидо, дўстим! Онажоним, мени кечир! Вильгельм, унга тасалли бер! Сизларга Тангри ёр бўлсин! Менинг ишларим ҳаммаси жойида. Алвидо! Биз яна қайтадан қувонч билан кўришамиз!“

„Сенга яхшилик қилолмадим, Альберт, бироқ сен мени кечирасан. Оиланг тинчлигини буздим, сизларнинг ўрталарингизга ишончсизлик уруғини сочдим. Энди бунга хотима бераман! Алвидо! О, менинг ўлимим сизларга бахт келтирсин! Альберт, Альберт! Ўша фариштага бахт ато эт! Тангри ҳамиша ёр бўлсин!“

Бутун кеч давомида у қоғозларни тартибга солди, кўпларини йиртиб, печкага ташлади, бир қанча пакетларни сурғичлаб, устига Вильгельмнинг манзилини ёзиб қўйди. Уларнинг ичида майда-чуйда хатлар, узук-юлуқ фикрлар ҳам бор эди, улардан баъзиларини ўзим кўрдим. Соат ўнда у печкага ўтин ташлашни ва бир шиша вино келтиришни буюрди, шундан кейин хизматкорини ухлашга жўнатди. Бунинг ҳужраси ҳам бошқа хизматкорларники сингари орқа ҳовлига қараган эди. Хизматкор эрталаб барвақт туриш учун ечинмасдан ётди: хўжайин почта отларини соат олтида келтиришади, деган эди.

Атрофимдаги ҳамма нарса осойишта, ўзим ҳам тинчман. Сўнгги сонияларда менга шунчалик куч ва осойишталик бағишлаганинг учун сендан минатдорман, Тангрим!

Азизим, дераза олдида туриб, осмонда сузиб юрган улкан булутлар орасидан мўралаётган битта-иккита самочироқларини томоша қиляпман! О, йўқ, сизлар тушиб кетмайсизлар! Парвардигори олам сизларни ҳам, мени ҳам ўз бағрида асрайди. Мен, барча юлдузлар ичида энг севимлиси бўлган Етти қароқчини кўряпман. Кечқурунлари ёнингдан чиқиб кетган пайтларимда, у дарвозанг устида порлаб турарди. Мен унга ҳамиша ҳеч тўймасдан тикилардим! Унда ўзимдаги мўътабар туйғунинг муқаддас рамзи ва белгисини кўрарканман, унга қўлларимни чўзардим! Яна... Оҳ, Лотта, бу ердаги ҳамма, ҳамма нарса сени эслатади! Атрофимдаги ҳамма нарса сенсан! Мен худди очкўз боладек, сенинг қўлинг теккан майда-чуйдаларни олдимга тўплаб олганман, бебаҳо дурдонам!

Азиз силуэтни эсла! Уни сенга васият қилиб қолдираман, Лотта, ўтинаман, уни авайлаб асра. Мен уни минг марталаб ўпганман, кетганимда ва уйга қайтганимда унга минг марталаб бош силкитганман.

Отангга хат ёзиб, ундан мени дафн этишга бошчилик қилишини сўрадим. Қабристоннинг дала томонидаги энг чеккасида икки туп арғувон дарахти ўсади, мени ўша ерга дафн этишсин. У дўсти хотираси ҳурмати буни бажара олади. Сен ҳам ундан илтимос қил. Тақводор насронийлар қабри ёнида бир шўрлик бахтсизнинг жасади ётишини истамайман. Оҳ, мени йўл четига ёки танҳо водийга дафн этишларингизни, руҳоний ёки дьяконнинг[1] қабр ёнида фотиҳа ўқиб ўтишларини, самарияликларнинг[2] эса кўз ёши тўкишини истардим.

---

[1] **Дьякон** – католик черковида руҳоний ёрдамчиси. (Тарж.)

[2] **Самарияликлар** – Фаластинда диний мазҳабга уюшган этник гуруҳ. (Тарж.)



Вақт бўлди, Лотта! Мутлақо сесканмасдан, ажал сархушлигини симириш учун совуқ, даҳшатли қадаҳни оляпман. Уни менга сен тутқазгансан, мен ҳеч иккиланмасдан ичаман! Ҳамма-ҳаммасини, тубигача! Мана, ҳаётимдаги барча умид ва истакларим амалга ошди! Хотиржам ва ҳиссиз бир ҳолатда ўлимнинг мудҳиш эшигини қоқяпман.

О, менга сен учун ўлиш бахти! Ўзимни сен учун қурбон қилиш бахти ато этилганда эди! Сенинг ҳаётингда шодлик ва осойишталикни қайта тиклаш эвазига ҳеч иккиланмай, жон деб ҳалок бўлган бўлардим! Афсуски! Ўз яқинлари учун қон тўкиш ва ўз ўлими орқали дўстларига юз карра ортиқ янги ҳаёт бағишлаш шарафи камдан-кам кишиларгагина насиб бўлади!

Лотта, мени шу кийимда дафн этишларини истайман, унга сенинг муқаддас қўлинг теккан. Отангдан ҳам шуни ўтиндим. Руҳим тобут устида учиб юради. Чўнтакларимни титтишга йўл қўйма. Мана бу пушти ранг бант, сени илк бор болаларинг орасида кўрганимда кўксингда эди... Болаларни мен учун ўпиб қўй ҳамда уларга бахтсиз дўстларининг қисмати ҳақида сўзлаб бер. Жонгиналарим! Улар ҳозир ҳам мени ўраб туришибди! Оҳ, сенга қанчалик интилардим. Шу бантни ҳам мен билан бирга кўмсинлар. Сен уни туғилган кунимда ҳадя этгандинг! Мен буларга ҳеч тўймасдим!..

Оғир бўл! Ўтинаман сендан, оғир бўл!..

У ўқланган... Соат ўн иккига занг урди! Майли, шундай бўлсин!... Лотта! Лотта!.. Алвидо! Алвидо!..“

* * *

Қўшнилардан бири порох портлаганини кўрган ва ўқ овозини эшитган, лекин шу заҳотиёқ ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолган, бунга аҳамият бермаган.

Эрталаб соат олтида хизматкор шам кўтариб киради. У хўжайинининг ерда ётганини, тўппонча ва қонни кўради. У Вертерни чақиради, туртади: жавоб йўқ, хириллаш эшитилади, холос. У докторга, Альбертга югуради.

Қўнғироқ товушини эшитганда, Лоттани титроқ қамраб олади. У эрини уйғотади, иккаласи ҳам ўринларидан

турадилар. Хизматкор фарёд кўтариб, бўлган ходисани айтади. Лотта Альбертнинг оёғи остига бехуш йиқилади...

Доктор бахтсиз бечора ёнига етиб келганда, у ерда ётарди, тузалишига умид йўқ эди, томири ҳамон урар, лекин танаси деярли совуган эди. У ўнг кўзи устидан миясига ўқ узган, мияси отилиб чиққанди. Қўл томирини кесишди, қон отилиб чиқди, у бўлса ҳамон нафас оларди.

Оромкурси суянчиғига теккан қондан билиш мумкин эдики, у стол ёнида ўтирганча ўқ узган, кейин полга қулаб тушган ва талвасада оромкурсига урилган. У орқаси билан деразага суяниб, бутунлай ҳолсиз ётарди. Оёғида этик, устига сариқ нимча, кўк фрак кийган.

Бутун уй, бутун маҳалла, бутун шаҳар ҳаяжонга тушди. Вертерни тўшакка ётқизиб, пешанасини боғлаб қўйишди. У қимир этмас, юзи мурданикидек эди. Ўпкаси гоҳ сусайиб, гоҳ яна кучайиб, даҳшатли хирилларди. Жони узилиш арафасида эди.

Винодан фақатгина бир стакангина ичилган, стол устида „Эмилия Галотти“[1] очиқ ётарди.

Кекса амтман хабар топган заҳоти отда жадал етиб келди ва аччиқ-аччиқ йиғлаб, жон бераётган кимсани ўпди. Кетидан катта ўғиллари келишди, кучли изтироб ичида тўшак ёнига тиз чўкиб унинг қўллари, лабидан ўпишарди. Вертер жуда яхши кўрадиган энг каттаси эса унинг жони узилгунча лабларига ёпишиб олди, кейин болани зўрға ажратиб олишди. Кундуз соат ўн иккида Вертер оламдан ўтди. Амтманнинг ҳозирлиги ва у кўрган чора-тадбирлар кўнгилларни тинчитди. Унинг кўрсатмасига кўра, Вертерни кечаси соат ўн бирларга яқин, ўзи истаган ўша жойга дафн этишди. Қария ўғиллари билан тобут ортида кетди. Альберт боролмади: Лоттанинг аҳволи оғир эди. Тобутни ҳунармандлар кўтариб боришди. Руҳонийлардан бирортаси ҳам уни кузатиб бормади.

---

[1] **„Эмилия Галотти“** (1772) – буюк немис ёзувчиси Г.Е.Лессинг асари, бу асарни Вертер ўз туйғуларига мос келгани учун кўп мутолаа қилган. (Тарж.)





Ёзувчининг „Ёш Вертернинг изтироблари“ романи ҳақидаги маълумотларга ҳам китобхон бефарқ бўлмаслиги аниқ. Маълумки, Гётенинг ушбу асари жаҳон адабиёти тарихида бошқа бирон бир асарга насиб этмаган шон-шуҳрат билан йўғрилди. 1774 йил тарихда ана шу китоб яратилиши йили сифатида машҳурдир. Роман босилиб чиққаниданоқ қўлдан қўлга ўтиб, тез орада юзлаб тилларга таржима қилиниб, жаҳон бўйлаб тарқалиб кетди.

Сўзимизнинг аввалида шуни таъкидламоқ лозимки, Гёте адабиёт майдонига кириб келгунига қадар олмон тили нафақат бошқа халқлар томонидан, балки олмонларнинг ўзлари томонидан ҳам у қадар қадрланмас эди. Бу ҳақда олмон олими Герман Гримм шундай ёзади: „Гёте бизнинг тилимиз ва адабиётимизни кашф қилди. Гётегача улар Европа халқларининг жаҳон бозорида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди… Шимолий Германиянинг барча доираларида иккинчи она тили фаранг тили, Австрияда эса итальян тили ҳукмрон эди. Вольтер Қомусдаги „Тил“ номли мақоласида турли тилларнинг адабий-тасвирий хусусиятлари ҳақида сўз юритган бўлса, олмон тили ҳақида лом-мим демайди. Фақатгина Гётенинг „Вертер“и инглизлар ва фаранглар томонидан миридан-сиригача ўқиб ўрганилгандан ҳамда асар Италияга ҳам кириб борганидан сўнггина олий даражадаги олмон адабиётининг имкониятлари ташқи оламда тан олинди…

XIX асрнинг 30- йилларига қадар Гётенинг „Вертер“дан бошқа асарлари рус тилига таржима қилинмаган эди. Ёлғиз шу роман орқали ҳам Гёте Русияда беҳад машҳур эди. Бу китобча, айниқса, ҳис-туйғуларга бой ёшларни шу қадар ром этдики, Вертер ва Лоттага тақлид қилиб, худди асарда тасвир этилганидек, ёш йигитлар „оддий ҳаворанг фрак, сариқ нимча ва шим“, қизлар эса „кўкраги ва енг учларига пушти ранг бант қадалган одмигина оқ кўйлак“ киядиган бўлишди. Гётега олис Хитойдан „Вертер“ сюжети билан боғлиқ сурат ишланган чинни идиш ҳам юборишди. Ушбу асарнинг одамлар қалби ва руҳиятига нечоғлик таъсир этганини яққолроқ таъкидлаш учун Томас Манн ўзининг „Гётенинг „Вертер“и“ номли мақоласида шундай бир воқеани келтиради: „Бир инг-

лиз анча йиллар кейин Ваймарга келганида йўлдан ўтиб бораётган Гётени кўриб қолиб, кўча ўртасида беҳуш йиқилган экан, негаки „Вертер“ муаллифининг нақ ўзини кўриш унинг учун кутилмаган ва ҳайрат бир воқеа бўлган“.[1]

Томас Манн Лотта билан Вертерни мумтоз шеърият ва ривоятлардаги Лаура ва Петрарка, Ромео ва Жульетта, Абеляр ва Элоиза, Паоло ва Франческа сингари ишқ-муҳаббат жуфтлари қаторига қўшади. Дарҳақиқат, „Вертер“ни мутолаа қилган ҳар бир йигит шундай севишни, ҳар бир қиз шундай севилишни орзу қилди. Ёшларнинг бутун бир авлоди ўз қалб комусини Вертерда кўрди.

Вертернинг ёшларга таъсири шу даражага бориб етдики, ўз севгилисига етишолмаган айрим йигитлар Вертерга тақлид қилиб, ҳатто ўз-ўзини ўлдиришди ҳам. Натижада китобни таъқиқлаб қўйишгача бордилар. Асарнинг ёшларга зарари ҳақида бонг урувчилар ҳам бўлди. Чунончи, бундайлардан бири, ўша давр олмон адабиётининг энг истеъдодли вакили шоир Лессинг бўлиб, у шундай деган эди: „Тасаввур қилинг-а! Биронта рим ёки юнон йигити шу тахлит ўз жонига ўзи қасд қилса-я! Ҳеч ақлга тўғри келмайди!“[2] Лессинг юрагида ҳис-туйғулар туғён урган йигитнинг бахтсиз севги туфайли ўз-ўзини ўлдиришини қаттиқ қоралади. Шу сабабли матбуотда ҳам „Вертер“га қарши чиқди. Бироқ асарнинг „Кишининг қалб торларини чертиб ўтувчи таъсири“, „Инсон қалби ва руҳини кўкларга кўтарувчи“ аҳамияти ҳақида кўп гаплар айтилди. Айниқса, машҳур санъатшунос Зульцер „Санъатнинг умумий назарияси“ (1774) асарида „Вертер“нинг юқоридаги сингари қирралари ҳақида кенг тўхталиб, романнинг инсон қадр-қимматини, маънавиятини улуғлашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаган ва шу билан асарни турли таъқиблардан ҳимоя қилган эди.[3]

„Ёш Вертернинг изтироблари“ романи Гётенинг дастлабки насрий асари ҳисобланади. Хўш, унинг номини жаҳонга

[1] Mann T., Es geht um den Menschen, M., „Прогресс“, 1976, 25-б.

[2] Пуриц Е., Романнинг немисча нашрига сўз бошидан, Лен-д, „Просвещение“, 1975, 237-б.

[3] Конради К.О., Гёте. Жизнь и творчество, I т., М., „Радуга“, 237-б.



машҳур қилган, беқиёс шуҳрат қозонган бу китобча қандай сабабларга кўра дунёга келди?

Объектив сабаблардан энг муҳими шу эдики, XVIII асрнинг 70- йилларида санъатдаги антифеодал қарашларнинг ифодаси сифатида „Бўрон ва ҳужум“ деб номланган адабий оқим вужудга келди. Бу оқим иштирокчилари адабиётда янги шакл ва янги мазмун яратиш тарафдорлари бўлиб майдонга чиқишди.

„Бўрон ва ҳужум“ оқими фаолиятида икки асосий типни кузатиш мумкин: биринчиси – ҳужумкор, жўшқин табиатли, ҳаётдаги ҳар қандай чегаралашларга қарши курашга отланган, куч-қудратли, фожиавий, ўзига хос даҳо қаҳрамон бўлса, иккинчиси – эҳтиросли, хаёлпараст, ичдан куюнувчи, олам дардини қалбига жамлаган, абадий озодликни қўмсовчи, чексизликка интилувчи қаҳрамон тимсоли бўлиши керак эди. „Ҳужумчилар“нинг олдинги сафида бўлган ёш Гёте ўз асарларида бу хислатларнинг барчасини ўзида жамлаган адабий образларни яратди. Унинг Прометейи худоларга қарши чиқишга журъат этган бўлса, Фауст она замин дарди, замин бахтини елкасида кўтара олишга қодир шахс бўлиб гавдаланди. Шунинг учун ҳам у:

Мен тилайман довул ва бўрон,
Менга ҳислар оташи керак

дея ҳайқирди. Булар том маънода биринчи тип вакиллари эди. Ўз хаёллари, ҳис-туйғулари доирасидан четга чиқолмаган, йиғлоқи кайфиятга берилувчан Вертер эса иккинчи тип вакили эди. Демак, ўша XVIII асрнинг 70- йилларида яратган барча асарларида Гёте у ёки бу маънода „ҳужумчилар“нинг манфаатлари ва қарашларини ифода этди, десак, адашмаймиз.

„Вертер“ романида ёш Гёте ўша даврдаги ҳар тарафлама илғор фикрли, зукко ва сезгир қалбли йигитнинг гўзал ички кечинмалари, эҳтиросларини ўзида жамлаган қаҳрамон образини яратиш билан „ҳужумчилар“ ҳаракати учун характерли бўлган қирраларни очиб берди: гоҳ жунбушга келувчи, гоҳо ўта руҳий тушкунликка, йиғлоқиликка юз тутувчи туйғулар, эҳтирослар эркинлиги, табиат қўйнига интилиш, табиатдан озиқ олиш, ҳамма нарсани табиат билан боғлиқ ҳолда кўриш, ҳаётдаги бир хилликка, кишиларни чегараловчи, табақаларга ажратувчи ҳар қандай қонун-қоидаларни инкор этиш, санъ-

атни ва маънавий эркинликни тарғиб қилиш каби муаммолар „Вертер"нинг асосий мағзини ташкил этади. Эслатиб ўтиш жоизки, диний масалада пантеистик қарашларни тарғиб қилган Гёте инсонларни ўраб турган бутун борликни, табиатни Аллоҳ билан бир қаторга қўяди. Шунинг учун ҳам у мудом табиатга сиғинган, бутун фаолиятида табиатдан илҳом олган. Шу сабабли унинг севимли қаҳрамони Вертер ҳам ўзини табиатнинг ошиғи, дўсти, фарзанди деб атайди ҳамда ўз ҳаётини табиатдан айрича тасаввур этолмайди.

„Вертер"нинг дунёга келишига туртки бўлган иккинчи сабаб, – кўпроқ субъектив сабаб, – Гётенинг Шарлотта Буффга бўлган жавобсиз севгисидир. Ёш лиценсиат Гёте 1772 йилнинг майидан то сентябригача отасининг хоҳиши билан Вацлар шаҳарчасидаги умумимперия судида адвокатлик амалиётини ўтайди. Ушбу давлат маҳкамасида узоқ йиллардан бери кўрилмаган ишлар қалашиб ётар, бундай диққинафас жойда ишлаш шоирни мутлақо қизиқтирмас, умуман, бу соҳа унинг юрагини сиқарди, холос. Умумимперия судидаги зерикарли машғулотдан кўра уни Вацларнинг кўркам, хушманзара табиати ўз бағрига тортарди. Бир куни ёшлар шаҳар чеккасида базм ташкил этишади ва Гёте шу базм муносабати билан Шарлотта билан танишади. Улар бирга рақс тушишади, суҳбатлашишади, шу асnода Гёте бу зукко, назокатли қиз билан ўзи ўртасида аллақандай фикрий, руҳий муштаракликни ҳис этади. У қизни юракдан севиб қолади. Бироқ Лоттанинг „бир олийжаноб йигитга" унаштирилганидан ўша базм пайтидаёқ хабар топади. Бу йигит шоир хизмат қиладиган суд қарамоғидаги элчихона котиби Йоганн Кестнер эди. Гёте эртасигаёқ Лоттаникига яна боради. Лоттанинг онаси вафот этган, отасига ҳамда ўн битта ука-сингилларига она ўрнида ғамхўрлик қилар, шунинг учунми, ўзи ёш бўлса-да, хийла жиддий эди. У қизнинг отаси, укалари, қайлиғи билан яқиндан танишиб, дўст бўлиб қолади. Улар машҳур шоирни беҳад қадрлашар, кўкларга кўтаришарди. Кестнер билан Гётедаги характер-хусусиятлар тамоман бир-бирининг акси бўлиб, Кестнер жиддий, кўринишдан ёқимли йигит эди. У ҳам Лоттани беҳад севар, бироқ бу севгида ҳеч қандай „ўлдим-куйдим" йўқ, буни кўпроқ сокин, келажакда бирга оила қуришга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган мойиллик деса бўлади. Гёте эса очиқкўнгил, шоирона кайфи-



ятли йигит эди. Томас Манн „Гётенинг „Вертери" мақоласида шоир характерига баҳо берганида, менинг назаримда анча ошириб юборган: уни „Ишончсиз, бир жойда қўними йўқ, дайди, ҳис-туйғу қули, негаки, у яқинда Фредерика Брионни алдаб ташлаб кетган, чунки уни оилага михлаб қўйиши мумкин бўлган никоҳдан қўрққан эди. У жаҳон кезишни, кенгликларни, табиатни, ўз хаёл сўқмоқларида йўқолиб кетишни, тўйиб ижод қилишни севган. Борди-ю, у уйланса, хотини уни ё тушунарди, ё тушунмасди, эҳтимол, унинг эркинликларини чегаралаб қўяр, шу билан ижодкордаги баланд илҳом парвози сўнган бўларди. Агар унда жаҳонгашталик, ҳассос туйғулар бўлмаганида, ёзган асарлари ҳам бу қадар таъсирчан бўлмасди. Шунинг учун уни „ҳис-туйғу қули", ҳатто „иблис" дея қоралаб бўлмаса керак. Кейинчалик уйланган хотини Кристиана Вулпиусгина ким унга ҳаёт йўлдоши эканлигини теран англаган оқила аёл эди. У шоирнинг бирон истагига қарши чиқмас, қаерга борса, нима қилса, барча шароитларни яратар, Гётедек инсон ўз ҳаётини у билан боғлаганининг ўзиёқ Кристиана учун улкан бахт эди.

Ким билади, эҳтимол, Шарлотта Буфф агар ҳеч кимга унаштирилмаганида ҳам, барибир, Гёте унга уйланмаслиги мумкин эди. Бу катта оилага умрбод боғланиб қолишдан қўрққан бўлармиди. Томас Манн кейинроқ шоир характерига анча ҳақиқатга яқин чизгилар беради: „… чиройли, юксак иқтидорли, ақл-заковатли, эҳтиросли туйғуларга бой, бебош ва хаёлпараст, қисқаси, ижобий маънода телбанамо кимса эди".

Хуллас, ана шундай йигит ёзни Лотта ёнида ўтказади. Бироқ у Шарлоттага бўлган муҳаббатидан пировардида дўстликдан бошқа ҳеч нарса кутиб бўлмаслигига ақли етади. Лотта уни нечоғлик ҳурмат қилган, эҳтимол, севган тақдирида ҳам зинҳор Гётени деб Кестнердан воз кечиши мумкинлиги ҳақида оғиз очмаган. Гёте ўз ҳисларини жиловлаш лозимлигини тушуниб етади ва уларнинг бирортаси билан хайрлашмасдан, бир энлик хатча ташлайди-да, 10 сентябрда Вацларни тарк этади. Гётенинг 1772 – 1774 йиллардаги ёзишмаларининг асосий қисмини Кестнерлар оиласи ўртасидаги хатлар ташкил қилади ҳамда бу хатлар „Вертер" романи юзага келган ўша йиллардаги муаллифнинг шахсий ҳолати ва ижтимоий шарт-шароитларни тўғри баҳолаш имконини беради. Бу қизиқ, сермазмун хатларни Кестнерлар авайлаб сақлаб келишган ва

1854 йилда уларнинг ўғли Август Кестнер томонидан нашр эттирилган. Шу хатларнинг аксарияти роман сюжетига асос қилиб олинган.

Табиат қўйнига интилиш, ундан илҳом олиш, теварак-атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб, уларга муносабат билдириш, деҳқон болалари ҳамда оддий одамлар билан мулоқотлар, Лотта билан илк учрашуви манзаралари – уни бир тўда ука-сингиллари ўртасида нон улашаётган пайтда кўргани, қизнинг устидаги енги ва кўкрагига пушти ранг бант ўрнатилган одмигина оқ кўйлак, базм вақтидаги кечинмалар, кишиларнинг ўз-ўзларини ўлдиришларига сабаб бўлувчи ҳодисалар устидаги Кестнер билан бўлган баҳслар, кишиларнинг ўлгандан кейин ҳам учрашишлари борасидаги суҳбатлар, Кестнер ва Лоттанинг Гёте туғилган куни, яъни 28 августга юборган совғалари (ҳатто ўша сана ҳам) – ҳамма-ҳаммаси ҳаётда қандай бўлса, худди шундайлигича романда акс эттирилган. Фақат асар хотимасигина бошқа бир воқеа асосига қурилган 1772 йилнинг 30 октябрида Вацларда, шоир яхши танийдиган, Вильгельм Иерузалим исмли бир йигит эри бор аёлни севиб қолиб, ўз-ўзини отганидан кейин Кестнердан узундан-узун мактуб олади. У воқеалар тафсилотини миридан-сиригача баён қилган, ҳатто Иерузалимнинг Кестнерга тўппончасини сўраб ёзган хатчасини ҳам кўшиб жўнатган эди: „Келгуси саёҳатим учун тўппончангизни бериб туришингизни сўрайман! Ие.“ (К.О.Конради, 1-жилд, 241-бет). Дарвоқе Иерузалим ҳам Кестнернинг хотини Шарлоттани яхши кўриб қолган эди.

Романнинг „Ёзувчига ноширдан“ қисмидаги аксарият тасвирлар: Вертернинг ўз жонига қасд қилишга тайёрланиши, ўзини қай тахлит отгани, уни дафн этиш маросими Кестнернинг ана шу хати асосида битилган. Вертернинг Альбертга унинг тўппончасини сўраб ёзган хатчаси ҳам худди Иерузалимнинг хатчасига ўхшайди: „Саёҳатга чиқиш учун тўппончангизни бериб турсангиз. Сизга доимо соғлик тилайман“ (Гёте, „Ёш Вертернинг изтироблари“, Ғафур Ғулом номидаги АСН., Т., 1975, 176-бет). Романдаги сўнгги жумлалар ҳам Кестнер мактубидаги Иерузалимни дафн этиш маросими тасвирига деярли ўхшайди. Кестнерда: „Кечаси чорак кам ўн бирда уни шовшувсиз оддий черков қабристонига дафн этишди. Ўн иккита



чироқ ёқилганди, дафн маросимида бир неча киши қатнашди, холос. Уни сартарошхона хизматчилари кўтариб боришди; олдинда хоч ушлаб боришди. Руҳонийлардан бирортасиям уни кузатиб бормади“. (241-бет). „Вертер“да: „Унинг (амтманнинг – Я... Э...) кўрсатмасига кўра, Вертерни кечаси соат ўн бирларга яқин ўзи истаган жойга дафн этишди. Қария ўғиллари билан тобут ортидан кетди. Альберт боролмади: Лоттанинг аҳволи оғир эди. Тобутни ҳунармандлар кўтариб боришди. Руҳонийлардан бирортасиям уни кузатиб бормади“. (186-бет.)

Кейинчалик Гёте ўзининг „Шеърият ва ҳақиқат“ китобида кўрсатиб ўтганидек, худди ўша, Иерузалимнинг ўлими ҳақидаги хатни олган сониялардан бошлабоқ „Вертер“ режаси пишиб етилган, унинг асосий қисмлари ҳар тарафдан ёпирилиб келиб, бир бутунликни ташкил эта бошлаган. Шунга қарамай, роман ёзилгунча тағин салкам бир ярим йил ўтган. Бу орада Гёте Франкфуртда Максимилиан Ларош исмли кўзлари қопқора, беҳад гўзал қиз билан танишади. У 1774 йилнинг январида франкфуртлик боққол Петер Брентанога узатилганди. Гўзал қиз ёғ ва пишлоқ ҳиди анқиб турган бу бадавлат хонадонда ўзини бахтсиз ҳис этар, шу боисдан Гётенинг бу ерга ташрифлари уни хийла овутарди. Гёте худди Лоттанинг укалари билан ўйнагандек, Максининг бешта ўгай болалари билан ҳам хилма-хил ўйинлар ўйлаб топар, Максимилиан билан мусиқа чалишар, соатлаб суҳбатлашишарди. Сўзсиз бу нарсалар боққол Брентанога ёқмайди. Бир куни у қаттиқ жанжал кўтаради ва шу билан дўстлик ҳам елга учади. „Вертер“нинг ёзилишига шу воқеа ҳам катта туртки беради. Томас Маннинг ёзишича, „Вертер“даги Лотта кўзларининг қоралиги Брентано хонимдан олинган, аслида Шарлотта Буффнинг кўзлари кўк бўлган.

Хуллас, 1774 йилнинг февралидан бошлаб шўрлик Вертернинг кечинмалари китоб ҳолига кела бошлади. „Шеърият ва ҳақиқат“ асарининг гувоҳлик беришича, романни ёзиш кўп вақтни олмайди. Февралда ёза бошланган асар қўлёзмаси май ойида Лейпсигга, ношир Вайгандга жўнатилади. Узоқ муддат кўнгилга тугиб келинган фикр-ўйлар гўё яшин тезлигида қоғозга тушади-қўяди. Бу – романнинг биринчи нусхаси эди. Иккинчи нусхаси 1778 йилда тўлдирилган, қайта ишланган ҳолда нашр этилади.

Орадан кўп йиллар ўтиб, Гёте ўз ўтган умрига қайта назар ташлаб, „Вертер“нинг ёзилиши, умуман ушбу асар ҳаётдаги чигалликларни енгиб ўтиш, улардан қутулишга интилиш натижаси, деб атаган эди. „Шеърият ва ҳақиқат“ китобида у шундай ёзган эди: „Бошқаларидан ҳам кўра ушбу асарим менга жунбушга келган ҳалокат чангалидан қутулиб чиқиш имконини берди… Ўзимни баайни юрагидаги дардларни кимгадир тўкиб солган одамдек, енгил, хурсанд, янгича яшашга жазм қилгандек сездим“.[1]

Вертернинг қўлидан келмаган иш, яъни „жунбушга келган ҳалокат чангалидан қутулиб чиқиш“га ёзувчи муваффақ бўлди. Табиийки, бунда фақат Шарлотта Буффга ёки Максимилианга бўлган умидсиз севгигина эмас, балки 1771 – 1774 йиллардаги шоирни қийнаган руҳий тушкунлик ҳам кўзда тутилади. Ўша пайтларда шоирда аллақандай ички нохушликлар, яъни ўз-ўзидан қониқмаслик, ланжлик, ҳаётдаги ўз ўрнини англаб етишга бўлган уринишлар, ўз иқтидорига тўла ишонса-да, нимадандир мудом норозилик ҳолатлари уни беором қилар, буларнинг барчаси ҳатто уни яшашдан тўйишгача олиб келарди. Вертер мактубларида гоҳ қайғу-алам гирдобида, гоҳ қувонч тўлқинида битилган гаплар кейинчалик Гётенинг ўзиниям ҳайратга солган. Гёте ва Вертер шахсиятларини бир-бирига қиёслаб айтиш мумкинки, у бир вақтнинг ўзида ҳам Вертер эди, ҳам ўзга эди: негаки Гёте ўз қаҳрамонига нисбатан сермулоҳазароқ фаолият эгаси эди. У ўз-ўзини ўлдириш фикрининг барча қайғули босқичларини босиб ўтди ҳамда бу фикрни ўзидан қувишга ирода ва куч топа олди. „Шеърият ва ҳақиқат“да у ўзининг ўткир қилиб қайралган қимматбаҳо ханжарини ҳар кеч тўшаги ёнига қўйиб ётишини, шамни ўчиришдан олдин, унинг ўткир учини кўкрагимга бир-икки энлик санча олармиканман, дея синаб кўрмоқчи бўлганини, бироқ бу иш қўлидан келмаганини, шундан сўнг ўз устидан кулиб қуролни отиб юборганини ва *яшаш керак* деган қарорга келганини ёзади (494-бет). „Мен ҳозирча ўзимни шундоққина отиб қўя қолмайман“, дея ҳазил оҳангида ёзган эди у Кестнерга.

1780 йилнинг 30 апрелида кундалик дафтарида: „Нашр қилинганидан буён энди бошдан-оёқ ўқиб чиқдим ва ҳайратдан

[1] Гёте, Собрание сочинений в 10 томах, том 3, М., Изд. „Художественная литература“, 1976. 496 – 497-бетлар.



ёқа ушладим“, деб ёзган. Қайта ўқишга ҳеч қачон юраги бетламаган шоир: „Турган-битгани оловли ёлқин, буни ўқиш ҳам даҳшат“, деб ёзган.

У ўз авлодини азоблаган ва ҳолдан тойдирган барча кўргиликларни шахсан бошидан кечирган эди. Бу кечинмалар „Вертер“да гўё акс-садо бўлиб янгради. Гётенинг „Прометей“и, „Фауст“и ва бошқа ижтимоий-фалсафий асарларидаги юксак кўтаринки руҳ нуқтаи назаридан шоирга баҳо беришга одатланиб қолган кишилар унинг қалбидаги ички қарама-қаршиликларни кўпам тушуниб етавермасди. Аслида унинг илм-фан, сиёсий соҳалардаги фаолияти, адабиётдаги беқиёс хизматлари ички нохушликлар, мудом унга эргашиб юрувчи руҳий тушкунликлар асосига қурилган эди. У дўсти Селтерга ёзган хатида бу ҳақда тўхталиб, ўзи ўралашиб қолган, қалбига ҳечам ўтиришмайдиган мана шу чигал шарт-шароитлардан, тақдир инжиқликларидан қутулиб чиқишда ундаги Худо берган иқтидоргина кўмак бераётганини таъкидлаган эди.

„Бу кичкина роман моҳирона битилган асардир, – деб ёзади Томас Манн, – у қалб кечинмалари, руҳий туғёнларнинг усталик билан, бекам-кўст, нафис бир тарзда жамланган хилма-хил кўринишлари бўлиб, улар ўлим ва ширин ҳислар манзарасини ўзида мужассам этгандир… Ҳар қандай чегаралашлардан, қафасдан қутулиб чексизликка интилиш Вертер табиатининг асосидир, шу жиҳатдан у Фаустга ўхшаб кетади. У бепоён кенгликлар ва келажак ҳақида, кенгликларга ва келажакка тийиб бўлмас интилиш ҳақида ёзади…“ („Гётенинг „Вертер“и“ мақоласидан, 259-бет).

Энди Вертернинг ўз-ўзини ўлдиришга сабаб нима, деган масалага келадиган бўлсак, „Вертер“ ҳақидаги кўплаб танқидий асарларда унинг ҳалокатга учраши – бу феодал тузуми, унда кишиларнинг табақаларга бўлиниши, чегараланиши оқибатидир дейилади. Эҳтимол, шундайдир. Бироқ нафақат феодал жамиятда, балки ҳар қандай ижтимоий тузум бағрида ҳам бундай ҳолатларни кўришимиз мумкин-ку? „Жамиятда кўзга кўринган мавқени эгаллаган кишилар, – деб ёзади Вертер 1771 йили 15 майдаги хатида, – гўё обрўдан айрилиб қолишдан чўчигандек, оддий фуқародан ўзларини четга тортадилар… улар ўзларини гўё оддий халққа илтифот кўрсатгандек тутадилар-у, бу билан ўз калондимоғликларини янада кўпроқ намоён қиладилар“. (Романнинг ўзбекча нашри, 1975, 13-бет.)

## *Вертер ўзбекча сўзлаганда…*

Гап таржима ҳақида кетганда Чингиз Айтматовнинг „Таржима – муҳаббат фарзанди“ деган ҳикматнамо гапи эсга тушади. Дарҳақиқат, сўзга, адабиётга, таржима қилинмоқчи бўлган асарга чексиз муҳаббат қўймай туриб яхши таржима яратиш мумкин эмас. Шунинг учун нашриётларнинг махсус топшириғи билан эмас, таржимон ўзи хоҳлаган, юрагини „жиз“ эткизган асарни танлаши керак. Ўша асар таржимонни шу қадар ром этмоғи лозимки, токи уни таржима қилмай туролмасин, ўшанда китоб асл нусхада кишиларни қандай ларзага солган бўлса, таржимада ҳам худди шундай таъсир кучига эга бўларди. Борди-ю, шуларнинг акси бўлса, яхшиси таржимага қўл урмай қўя қолган маъқул. Чунки таржима ҳам санъат, бадиий ижод. Ёзувчи ўша асарни нечоғлик илҳом билан яратган бўлса, мутаржимни ҳам шундай илҳом ўз оғушига олиши керак. Демак, таржима учун китоб танлаш пировардида муваффақиятни таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Забардаст ўзбек таржимонлари М.Шайхзода, А.Қаххор, К.Қаххорова, Қ.Мирмуҳаммедов, А.Орипов, Э.Воҳидов, Миртемир, Иброҳим Ғафуров, Жамол Камол, Низом Комил, Муҳаммад Али, Абдулла Шер ва бошқа қаламкашлар қўлидан чиққан, ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган энг яхши таржима намуналари ана шундай муҳаббат меваларидир.

Жаҳон мумтоз адабиёти намуналари, буюк даҳоларнинг асарлари таржимаси, айниқса, юксак масъулият талаб этади. Таржимон бир зум ҳам кимни таржима қилаётганини, қанчалик шарафли вазифани ўз зиммасига олганини эсдан чиқармаслиги зарур. Ўша буюк асарни буюклигича ўз халқига тақдим қилиши, бу иш жуда катта меҳнат талаб қилишини, буни уддалаш жасорат билан тенг эканлигиниям ёдида тутиши, ўзида шунга куч ва иқтидор сезсагина, руҳан, қалбан шу жасоратга тайёр бўлсагина, шоҳ асарлар таржимаси учун қўлга қалам олиш дуруст бўлади. Бинобарин, Гётедек даҳо ижодкор асарлари таржимаси ҳам ана шундай масъулиятталаб меҳнатдир.

Шу сатрларни ёзяпман-у, Гётенинг „Ёш Вертернинг изтироблари“ романидек жаҳонни забт этган асар таржимасига киришганим 1969 йилнинг куз ойлари хаёлимда жонланади. Хўш, шаклан мўъжазгина, моҳиятан беқиёс бу китобчани ўзбекчага ўгиришга – бундай журъатга мени нима ундади? Ахир у пайтлар университетларда таржима назарияси ва амалиёти фан сифатида ўрганилмас, мен таржимон олдига қўйиладиган талабларни ҳам тузукроқ билмасдим. Эндигина олий ўқув юртини битириб, талабаларга олмон тилидан сабоқ берувчи ўқитувчи эдим, холос. Шубҳасиз, Гётени, айниқса, унинг „Вертер“ини бир тилдан иккинчи тилга ўгириш учун олмон тилини билишнинг ўзигина етарли эмас. Тўғри, адабиётга бўлган муҳаббатим чексиз эди. Ўзбекча бадиий асарларни тинимсиз мутолаа қилардим. Ҳар қалай бадиий ижод соҳасида нимадир қилиш ниятим ҳам йўқ эмасди. Аммо… Гётедек забардаст ижодкор асарини таржима учун танлашга туртки берган, сўз билан ифода этиб бўлмайдиган яна нимадир, эҳтимол, ўша улкан муҳаббатга ўхшаган нарса ҳам керак эди назаримда. Йиллар давомида қалбимнинг қаеридадир, қайнаб тошишга йўл тополмаётган илҳом булоғининг кўзи шу „Вертер“ туфайли очилган-у, бадиий таржима боис ўзига йўл топгандек гўё…

„Вертер“га меҳр менда талабалик йилларимда, романдан катта бир парчани таҳлилий ўқиш дарсида батафсил ўрганган пайтимизда туғилган эди. Қолаверса, қаҳрамон билан характерлар муштараклиги, соф субъектив сабаблар бунга туртки берган бўлиши ҳам мумкин…

Хуллас, бу китобни аслиятда қайта-қайта ўқир, Вертер тақдири учун унга қўшилиб кўз ёши тўкардим. Асар менинг юрагимни „жиз“ эткизибгина қолмасдан, балки бутун қалбимга, борлиғимга туғён олиб кирган, ўй-хаёлимни эгаллаган эди. Бундай ҳолатда уни таржима қилмай бўлмасди. Гётени таржима қилишга, тўғри, назарий жиҳатдан тайёр эмасдим, аммо руҳан, бутун шуурим билан тайёр эканлигимни англаб етгач, бу ишга журъат этдим. Мана, орадан ўттиз йилдан ошиқ вақт ўтибди ҳамки, ўша пайтдаги ўзимдаги ҳолатни аниқ хотирлайман: наҳотки шундай ажойиб асардан фақат биргина мен лаззат олсам? Наҳотки буни барча ўзбек ўқувчиларига етказишнинг иложи бўлмаса? – деган савол мени қийнарди. Йўқ, мен буни таржима қилишим керак, токи барча китобсевар ўзбеклар асардан баҳраманд бўлишсин, деган ният билан қўлга қалам олгандим. Худога шукурки, у алоҳида китоб

ходида ўзбек китобхонлари қўлига етиб борди. Ҳар қалай, таржимани китобхонлар илиқ қаршилашди, назаримда.

Ҳамма замонлар Гёте асарлари, айниқса, „Вертер“ таржимасига киришган қаламкашлар, бу сўз санъаткорининг буюклиги, сўзларининг сеҳри олдида таъзим қилишган. Гёте ижодининг Русияда тарқалиш тарихини тадқиқ қиларкан, В.М.Жирмунский „Гёте рус адабиётида“ монографиясида „Вертер“нинг дастлабки, XVIII асрдаги таржимонлари ҳақида ўта ҳаяжонли маълумотларни келтиради. „Вертер“ таржимасига „Дўстона адабий жамият“ деб номланувчи тўгарак аъзоларидан Андрей Тургенев ва Мерзляковлар бир вақтда киришишади ва иш натижалари билан бир-бирларини мунтазам хабардор қилиб туришади. Қани энди бизда ҳам шундай ижодий мусобақалар бўлиб турса! Андрей Тургенев 1799 йилнинг 26 ноябрида ўз кундалик дафтарида ижод жараёнидаги қалб туғёнларини шундай ифодалайди: „... тағин унинг „Вертер“ини қўлга олдим. Бу шунақа туйғуки, гўё ёқимсиз, бўм-бўш, совуқ, ёт бир ердан тароватли бир оламга қадам қўйгандек бўласан киши. Тағин Гёте, Гёте, унинг қаршисида тиз чўксанг арзийди! Қанчалар озиқ оласан киши... „Вертер“ни таржима қилишга киришганимдан ва унда Гётени бутун борлиғи билан топа олганимдан қалбим шунчалар яйраяптики! Бу туйғуни изоҳлаб беролмайман, у менга қандайдир илиқлик, юпанч бахш этади...“[1]

Ё тавба, дея ҳайратга тушаман: худди шундай туйғулар менда ҳам ҳукмрон бўлган эди-да, ахир! Бундай туйғуни сўз билан ифода этиб бўлмайди, уни фақат ҳис этиш керак. Ҳатто, Гётенинг ўзи ҳам кейинроқ „Вертер“ни ўқиб кўриб беҳад ҳайратга тушганини ёзган. У дўсти Эккерманга: „Вертер шундай зотки, мен уни баайни сақоқушдек юрак қоним билан озиқлантирганман“, деган. Сўзсиз, таржимон ҳам уни „ўз юрак қони билан озиқлантириши“, муаллиф ўша асарни ёзиш жараёнида қандай ҳолатларга тушган бўлса, зўрма-зўраки эмас, табиий бир ҳолда бошдан кечириши керак. Ўша пайтда битган кундалик дафтаримни вараклаб, айни шундай изтироблар акс этган ёзувларни ўқидим: „16.11.1969. Бу китобнинг охирги вараклари мени ҳам қаҳрамонга қўшиб ўлдириб қўядими, деб

[1] Жирмунский В.М., Гёте в русской литературе, Л., „Наука“, Лен-кое отд., 1982, 62-бет.



қўрқаман. Уни оддий китобхондек ўқиб чиқиш бошқа-ю, ҳар бир сўз, ҳар бир жумла мазмунини ҳис этиб, таржима қилиш бошқа экан!.. Сўнгги саҳифаларни деярли луғатдан ҳам фойдаланмай таржима қиляпман. Маржон-маржон кўз ёшларим Вертер ва Лоттанинг кўз ёшларига қўшилиб кетяпти. Ҳеч бир кимса буни – менинг қалб туғёнларимни ҳис этолмайди!.. Мабодо шу китоб босилиб чиқса, буни битиргунча таржимон қанча юрак қўри, беҳисоб кўз ёшларини сарфлаганини бирор ўқувчи хаёлига келтирармикан?.. Албатта, йўқ...“. Бу табиий ҳол. Негаки, „Вертер“ни лоқайд, эҳтироссиз, изтиробларсиз ўқиб, айниқса, таржима қилиб бўлмайди. У бирон-бир бошқа асарга ўхшамайди, ўзи алоҳида бир дунё.

Айниқса, қаҳрамон ҳаётининг сўнгги дақиқалари, сўнгги алам ва изтироблари ифода этилган сатрларни ўгириш азоб эди! Таржимон ҳолатини тасаввур этиш учун тағин унинг кундалик дафтарига мурожаат қиламиз: „18.11.1969. Улкан севгига ҳамиша ўлим ҳамроҳ бўлиб юрармиш... Бугун ҳузурли ва айни пайтда машаққатли ишимни ниҳоясига етказдим. Охирги варақни ўгиришда чинакам дод солиб йиғладим, гўё энг яқин кишим вафот этгандек. Бир сатр ёзаман-да, ортиқ кучим етмай, йиғлашга тушаман. Бироз ўзимни тутиб олгач, яна ёза бошлайман... Хуллас чексиз изтиробда тугатдим. Эҳ-ҳе, ким ҳам ҳис эта оларди менинг ҳолатимни! Бу маъносиз сўзларнинг ҳеч нарсани ифодалай олмаслиги-ку турган гап!..“

Сирасини айтганда, ҳақиқий бадиий таржима унинг илоҳий ҳузур ва азобларини том маънода бошдан кечиргандагина яратилади. Буни худди актёрнинг ролга кириш ҳолатига қиёслаш мумкин. Гётенинг ўзи ҳам асарни йиғлай-йиғлай ёзган экан. Китоб босилиб чиққандан кейин ҳам уни қўлга олишга юраги бетламаган. Орадан узоқ йиллар ўтгач, „Шундай нарсани ёзиб ҳам одамнинг тирик қолганига ақлинг бовар қилмайди“, деб ёзган „Шеърият ва ҳақиқат“ китобида.

Шубҳасиз, „Вертер“ни таржима қилиш нафақат руҳий, балки услубий ва тил хусусиятлари жиҳатдан ҳам осон иш эмас. Гёте услуби ҳақида сўз юритар эканмиз, Татьяна Силман[1] таъбири билан айтганда, икки йўналишни кузатиш мум-

[1] Silman T., Stilanalusen, Изд-во «Просвещение», Лен-дское отд., Л., 1969, 44 – 45-бетлар.

кин: бири унинг „Бўрон ва ҳужум“ даври асарларига хос бўлган йиғлоқилик, жўшқинлик, образлилик, эҳтиросларга бой муболағали тилда фикр ифодалаш бўлса, иккинчиси, Гётенинг кейинги йиллар ижодига хос бўлган эпик услуб бўлиб, фикрлар узун-узун, мураккаб таркибли қўшма гаплар орқали, босиқ, расмий оҳангда берилади. „Ёш Вертернинг изтироблари“ романида ҳар иккала услуб ўрин алмашиб туради. Кейингиси аксарият романнинг биринчи китобида, ҳали Лотта билан танишмаган пайтдаги Вертернинг ички мушоҳадаларини ўз ичига олган хатларида ҳамда асарнинг „Ўқувчига ноширдан“ қисмида қаҳрамоннинг сўнгги азобли кечинмалари, ўлими ва уни дафн этиш маросими ҳақидаги фалсафий кечинмалари „прозаик услубий йўналиш“ (Т. Силман)да, баъзан ярим саҳифани эгаллаган мураккаб таркибли қўшма гаплар (период) орқали баён этилган. Бунда хилма-хил эргашган ва боғланган қўшма гапларнинг аралашиб келиши, бунинг устига турли-туман бадиий тил воситаларининг қалашиб ётиши таржимонни баъзан боши берк кўчага киритиб қўяди. Мана шундай тизма-тизма жумлалар таржимасида унинг синтактик қурилиши билан бирга турли услубий мақсадларда қўлланилган ундалма, ўхшатиш, сифатлаш, изоҳловчи, сифатдош гуруҳлари ва шу каби воситаларга ҳам путур етказмасдан ўзбек тилида қайта тиклаш жуда катта меҳнат ва кўп вақт талаб қилади. Айниқса, турли тил оилаларига мансуб тиллар (масалан, ўзбек ва олмон тиллари)аро таржимада синтактик муаммоларни ҳал этиш хийла мураккабдир. Таржимашунослар буни бутун бинони бузиб, яна қайтадан тиклашга қиёслашади.

Ҳар қанча қийин, меҳнатталаб бўлганида ҳам мен „Вертер“ таржимаси устида ишлаётганимда бир дақиқа ҳам Гётедек буюк ижодкор, Вертердек нозиктаъб, жўшқин қалбли образ билан мулоқотда эканлигимни унутмаслигим, ҳар битта гётеона тасвирни, теран тасвир жилоларини иложи борича фикр тарозисида обдан ўлчаб, ўзбек тили қонуниятларига мос тарзда ўгиришим зарур эди ва шунга эриша олдим, деб ўйлайман.

Менинг назаримда, „Ёш Вертернинг изтироблари“ романи насрдаги назмдир, лирикадир! Демак, унинг таржимони ҳам, таржима танқидчиси ҳам иш жараёнида ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиши лозим. Бу дегани: унга бошқа нас-



рий асарлар каби эмас, балки гўё лирик достонни таҳлил қилаётгандек муносабатда бўлиш талаб қилинади. Чунки „Вертер“ кишида ўта нозик, ўта рубобий ҳис-туйғуларни уйғотувчи, гўзал адабий обидадир. Бундай асар таржимаси ҳам мароқли, ҳам беҳад қийин иш. Асарнинг лирик услубда битилган қисмлари гарчи тили ғоят образли, сержило бўлса-да, гап тузилиши жиҳатдан таржимонни қийнамайди. Ёдимда бор: Вертер қалбидаги кўтаринки ҳис-ҳаяжон, эҳтиросларни акс эттирган саҳифаларни, айниқса, иккинчи китобни худди ўзим ёзаётгандек йиғлай-йиғлай таржима қилиб кетавергандим. Бунда энг муҳим нарса она тилидан ҳам асл нусхадаги эҳтиросли, образли сўз ва ибораларга мос келадиган воситаларни топа билиш, уларни ўз ўрнида ишлата билишдир. Бугина эмас, асар ғояси, ички моҳияти, қаҳрамонларнинг у ёки бу шароитдаги, муҳитдаги ҳолати, кайфияти, умуман, ёзувчи айтмоқчи, таъкидламоқчи бўлган мақсад ҳам ёдда туриши лозим, матнга ҳарфхўрларча эмас, балки ижодий муносабат зарур. Агар таржимон асар ичига тамоман кириб кета олса, миясига гўзал ифодалар ўз-ўзидан қуйилиб келаверади ва у ҳам китоб қаҳрамони сингари гоҳ кўтаринки ҳис-туйғулар, гоҳ кўз ёшлари ва изтироблар оламига сингиб кетади. Ана шундагина она тилининг бор имкониятлари „мана мен“, деб юзага чиқиши мумкин.

Қаҳрамон қалбида жунбушга келган кўтаринки ҳис-ҳаяжонни ёки бўлмаса ҳаддан ортиқ қайғу-изтиробларни акс эттириш учун ёзувчи муболағадан унумли фойдаланади. Масалан, Вертернинг алам-изтиробларини кўрсатишда кўп ўринларда „Tränen“ – „кўз ёшлари“ сўзи, кайфиятидаги кўтаринкиликни кўрсатишда эса „Freude“ – „қувонч“ сўзи такрор-такрор ишлатилган. Бироқ бу сўзлар ҳар гал „Tausende“ – „минглаб“, „ein Strom“ – „оқим“ сўзлари билан биргаликда келганки, бу аниқловчилар тасвирга йиғлоқилик, образлилик руҳини сингдиради. Бу билан ёзувчи қаҳрамоннинг шунчаки йиғламаслигини ёки шунчаки қувонмаслигини, балки унинг қайғуси ҳам, қувончи ҳам чексиз-чегарасиз эканлигини таъкидлайди-ки, асар тилидаги ана шу жиҳатларни қаҳрамон характер хусусиятларидан келиб чиқиб таржима қилиш лозим бўлади. „Tausende“ сўзи сўзма-сўз „минглаб“ деган маънони англатади. Лекин „кўз ёшлари“ ёки „қувонч“ тушунчасини са-

наб бўлмаслигини ҳисобга олсак, уни бундай таржима қилиш ўзбек тили қонуниятларига мос келмайди. Шунинг учун биз бу тушунчаларни қуйидагича ўгирдик:

„Ein Strom von Tränen“ (сўзма-сўз – кўз ёшлари оқими) – „Кўз ёшлари сели“;

„Tausende Tränen“ (сўзма-сўз – минглаб кўз ёшлари) – „Беҳисоб кўз ёшлари“;

„Mit tausend Freuden“ (сўзма-сўз – минглаб қувонч билан) – „Чексиз қувонч билан“ ва ҳоказо.

Бадиий таржима жараёнида таржимон баъзан шундай ҳолатларга ҳам дуч келадики, ўгирилаётган матндаги айрим тимсоллар ўзбек тили ички қонуниятларига тўғри келмаслиги мумкин. Ўшанда таржимон ўз тили имкониятларидан келиб чиқиб, асл нусха мазмунини очиб бера оладиган сўзларни топиши керак. Масалан, юқорида келтирилган „Капалак бўлиб қолгинг келади“ бирикмасидаги „капалак“ сўзи ўрнида оригиналда „Maikäfer“ – „май қўнғизи“ сўзи келган. Биз буни „капалак“ тушунчаси билан беришга журъат этдик, чунки „қўнғиз“ тушунчаси, у „май қўнғизи“ми ёки бошқа қўнғизми, қандай бўлишидан қатъи назар, ўзбек тилида киши онгида ижобий ҳисларни қўзғатмайди, айниқса, „жаннатмисол гўшалар“, „хушбўй ислар денгизи“ ҳақида гап кетаётган бўлса. Бундай лаҳзаларда ҳар қандай ўзбек ҳам „қўнғиз“ни эмас, гулдан-гулга кўчиб, ажиб манзара кашф этаётган „капалак“ни тасаввур этиши ва бу пайтда унинг қалбида кўтаринки, қувончли туйғулар уйғониши табиий. „Капалак“ сўзида асл нусхадаги образли асос акс этмаган бўлса-да, биринчидан, унда ўзбек тилининг ички қонунияти сақланган, иккинчидан, немис тилидаги бирикма ҳам, унинг ўзбекча таржимаси бўлган „Капалак бўлиб қолгинг келади“ ифодаси ҳам битта мақсадга – қаҳрамон руҳий оламини, унинг танҳоликда табиат гўзалликларидан лаззат олишини англатишга хизмат қилади.

Энди „Jahreszeit der Jugend“ бирикмасининг таржимасига келсак, аслида ушбу бирикма сўзма-сўз „ёшлик фасли“ маъносига эга, яъни „баҳор“ тушунчасини англатади. Шундан келиб чиқиб биз уни дастлаб худди шундай тарзда – „баҳор“ деб ўгирган эдик. Бироқ бу аслиятдаги образлиликни ифода этмайдиган оддий сўздир. Аслида юқоридаги сўз бирикмасини „фасллар келинчаги“ деб ағдарсак, оригиналдаги кўтаринки



руҳга мос келган бўларди. Шуни ҳисобга олиб, уни учинчи нашрда айнан шундай тузатдик.

Бундай юксак образлилик касб этган сўзлардан ташқари, романнинг лисоний бойлигини ташкил этувчи кўплаб фразеологик бирикмалар ҳам учрайди. Романда олмон тилининг бой луғат таркиби, Гёте тилининг залвори ҳамда ўзига хослиги намойиш этилган. Унда ҳеч қандай луғатлардан топиб бўлмайдиган нутқ бирликлари мавжуд. Деярли ҳар бир жумлада фразеологизмларни, турғун бирикмаларни, образли сўзларни учратиш мамкин. Зеро, бу ҳолат ўша давр тили учун характерли бўлган ҳодисадир.

Мазкур асарда яна кўплаб эскирган сўзлар ва бирикмалар, бошқа тиллардан кириб келган сўзлар, бадиий тасвир воситалари ҳам қўлланилганки, улар ҳозирги олмон тилида кўпинча сақланмаган. Масалан, Вертер ўз бошлиғи – элчининг шундай тасвирини беради:

Das waren dem Gehirne spanische Dörfer und ich empfahl mich, um nicht üder ein weiteres Dereisonnement noch mehr Galle zu schlucken (71).

Таржимаси: Ачиган калла учун бу гаплар Хитой девори эди; яна қандайдир ортиқча сафсата туфайли бутунлай хуноб бим ошмасин, деб тезроқ чиқиб кетишга шошилдим (94).

Ушбу парча мағзини англаб етиш ва уни ўз она тилида қайта тиклаш учун таржимон аввало ҳар бир сўз ва бирикма остида яширинган моҳиятни, уларнинг асл нусхадаги мазмунини тушуниб етиши ҳамда ўз тили бойлигидан ўшаларга мос келадиганларини танлаб олиши лозим. „Dem Gehirne“ сўзи „dem Gehirne des Gesandten“, яъни „элчининг мияси“ маъносини беради. Буни биз умумий контекстдан, элчи билан Вертер ўртасидаги кенг дунёқараш, оламни теран англаш, инсоннинг ҳаётий муаммолардаги фаол иштироки ҳақидаги баҳслардан тушуниб оламиз. Ўша сўз билан муаллиф элчининг фаҳм-фаросатдан маҳрум зот эканлигини таъкидлаган. Унинг „ачиган калла“ деб таржима қилиниши элчи образининг ўзбек тилида ҳам ўз қиёфасига эга бўлишини таъмин этади. „Калла“ сўзи ўзбек тилида, одатда, ҳайвонларга нисбатан ишлатилиб, агар у одамга нисбатани қўлланилса, қўпол, салбий мазмун касб этади. Инсонга хос тафаккурдан деярли маҳрум элчи ҳақида гап кетганда, „калла“ сўзини ишлатиш айни муддаодир. Фаранг ти-

лидан кириб келган „Deraisonnement“ сўзи „бемаъни, аҳмоқона сафсата“ маъносини беради. Демак, унинг „ортиқча сафсата“ бирикмаси билан берилиши мақсадга мувофиқ бўлган. Элчига ўхшаган бефаросат, ақли тўмтоқ нусхалар билан бўлган ҳар қандай суҳбат ҳам бемаъни, „ортиқча сафсата»га айланиши очиб берилган. „Galle schlucken“ турғун бирикмаси эса „зардоб ютмоқ“ маъносига эга. Вертер элчи билан баҳслашиш асносида ундан бирорта маъноли фикр эшитмай, унинг тор дунёқарашидан фиғони фалакка чиқиб кетади. Унинг ана шу ҳолатини очиб бериш учун ўша бирикма „хуноби ошмоқ“ ибораси билан таржима қилинган. „Бутунлай хунобим ошмасин“, деб Вертер элчи ёнидан, умуман шу муҳитдан тезроқ кетишга ҳаракат қилади. Юқоридаги парчада келтирилган эскирган фразеологик ўхшатиш „spanische Dörfer“ (сўзма-сўз – испан қишлоқлари) „бутунлай тушунарсиз нарса“ маъносини англатади. Олмон тилида „испанча“ сўзи „бегона, нотаниш“ маъноларига эга. Шунинг учун ўша иборани сўзма-сўз таржима қилиш ўзбек китобхонини боши берк кўчага киритиб қўйиш билан баробардир. Бутунлай нотаниш бирор нарса ҳақида гап кетганда ўзбеклар, одатда, „Хитой девори“ иборасини ишлатишади. Шунинг учун „испан қишлоқлари»нинг „Хитой девори“ билан берилиши, биринчидан, асл нусхага хос образлиликни, иккинчидан, муаллиф мақсадини тўғри тиклашга ёрдам беради бизнингча. Бунда оригинал мазмунини изоҳ йўли билан бериб ҳам бўлмайди. Чунки „Бу гапларни у ҳеч ҳам тушунмайди“, десак, образлилик йўққа чиқади. Қолаверса, фразеологик бирикмаларни изоҳ йўли билан бериш усулига агар таржима қилинаётган тилда асл нусха моҳиятига мос келувчи ибора топилмаган пайтдагина мурожаат қилиш мумкин.

„Ёш Вертернинг изтироблари“ романида табиат тасвирига кенг ўрин берилган. Айниқса, Вертернинг табиатдаги ички қудрат, яъни яратувчилик ва емирувчилик қудрати олдидаги беқиёс ҳайрати, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги мушоҳадалари тасвирида буни яққол кўрамиз. Асар бошида Вертер табиатдаги улуғворликдан лаззат, илҳом олади, ундаги гўзалликлар Вертер кайфиятини кўтаради, қалбига завқ-шавқ бахш этади. Бироқ китоб сўнгида, энди Лоттадан айрилганига кўзи етгач, ҳеч қаердан ўзига қўним тополмай қолган, ўзига ўлимдан бошқа нарсани раво кўрмай қолган



пайтларида унга илгари илҳом, қувонч бағишлаган табиат манзаралари ҳам туссиз, кўримсиз бир нарсага айланиб қолгандек туюлади.

Эпик услубий тамойил билан боғлиқ мана шундай тасвирлар кўпинча узун-узун мураккаб жумлалардан иборат бўлиб, уларда хилма-хил турдаги эргашган қўшма гаплар, уларнинг орасида тағин образли иборалар, сон-саноқсиз ўхшатишлар ва бошқа тил ҳодисалар келадики, булар таржимонни мушкул аҳволга солиб қўяди. Салкам бир саҳифани эгаллаган ана шундай жумлани биз Вертернинг 1771 йил 16 августдаги хатида учратамиз. Унда ёруғ олам, табиатдаги улкан куч-қудрат, улар олдидаги қаҳрамоннинг ҳайрати, фалсафий, руҳий кечинмалари ўз ифодасини топган. Бу ҳақда озгина бўлса-да, тасаввур ҳосил бўлсин учун ўша жумлалардан биттасини ҳеч бўлмаса ўзбек тилида келтирамиз: „Авваллари мен чўққига чиқиб, дарёдан тортиб, узоқ тепаликларгача, бутун гуллаётган водийни кузатардим ва теварак-атрофдаги ҳамма нарса ўсаётганини ҳамда ҳаёт қайнаётганини кўрардим, этагидан тортиб чўққисигача баланд, қалин дарахтлар билан қопланган тоғларга, ажойиб ўрмонлар соя ташлаб турган эгри-бугри бўлиб кетган водийларга тикилардим, тинч дарё шивирлаб турган қамишлар оралаб оқарди, кечки енгил шабадада кўкда сузаётган оппоқ булутлар сувда акс этарди; ўрмонни жонлантирувчи қушларнинг ғала-ғовурига қулоқ солардим, миллионлаб пашша тўдалари ботиб бораётган қуёшнинг қизил шуъласида ғужғон ўйнашарди ва охирги ёруғ шуъла ғувуллаётган қўнғизни майса орасидан тортиб чиқарарди, атрофимдаги ҳаракат ва қий-чувлар менинг назаримни ерга тортарди, мен турган яланғоч чўққидан озиқ олувчи йўсин ҳамда яланғоч қум тепаликда ўсган буток – буларнинг ҳаммаси менга табиатнинг қайноқ, муқаддас ички дунёсини кўз-кўз қиларди; ўшанда ҳамма нарса менинг тўлқинли қалбимдан жой оларди.“ (76-бет.)

Гёте – Вертер ўзини табиат фарзанди, дўсти, ошиғи деб атайди. Бу шоирнинг Лейпсигда ўқиб юрганида танишган санъатшунос ва рассом устозлари Адам Эзер, Винкельман ва бошқалар таъсирида юзага келган табиатга бўлган беқиёс муҳаббат натижасидир. Шу сабабли, Гётенинг ҳар бир асарида, жумладан, „Вертер“да ҳам табиат манзаралари ажиб бир

меҳр билан тасвир этилади. „Фақат табиатгина бениҳоя бой ва фақат угина буюк санъаткор ярата олади“, деб ёзади Вертер 1771 йил 20-майдаги хатида (20-бет). Бу ўта зукко ва теран тафаккурли инсон томонидан айтилган ҳикматдир. 1771 йилнинг 21 июнидаги мактубдан олинган қуйидаги парчада Вертернинг Лотта билан танишгандан кейинги ҳолати, қалбидаги меҳр-муҳаббат қайнаб тошган пайтда поёнсиз олам гўзаллигидан нечоғлик роҳатланиши, чексизликларга интилиши ифода этилган. Тасвир эҳтиросли, жўшқин ҳисларни ифодаловчи сўз ва бирикмалар, хитоблар, такрорлар, тўлиқсиз гаплар, ундов, сўроқ белгилари, кўп нуқталарга бойдир: „...Ҳув ана кичкина ўрмон!.. Қани энди унинг орасига шўнғиб кетсанг!.. Ана у ерда эса тоғ чўққиси! Қани ўша чўққидан туриб поёнсиз ўлкани томоша қилсанг!.. О, кошкийди уларнинг ичида йўқолиб кетсанг!.. О, бу чексизликлар ҳам худди келажакдек йироқдир!.. Биз унга интиламиз! Оҳ! Юрагимизни энг буюк; энг тотли ҳислар лаззатига қондиришга қанчалик ташнамиз-а!..“ (41-бет.)

Хуллас, асар тили беҳад бой, гўё бутун олмон тилидаги энг гўзал, энг сермаъно сўзлар унда жамлангандек. Уни дуру жавоҳирларга тўла тубсиз денгизга қиёслаш мумкин. Улардаги қат-қат фикр маржонларини англаб етиш, теран идрок этиш кишидан анчагина иқтидор талаб этади.

„Ёш Вертернинг изтироблари“ романи ўзбек тилида босилиб чиққандан кейин газета ва журналлар саҳифаларида катта-кичик бир қатор тақризлар босилиб чиқди. Уларда ўзбекча „Вертер“ ҳақида ижобий фикрлар билдирилди.

Бироқ ютуқлар ўзимизники. Ҳар қандай қийин ишда бўлгани каби ушбу таржимада ҳам камчиликлар йўқ эмас, баъзан жиддийлари ҳам учрайди. Бу камчиликлар, асосан, атоқли отлар, жуғрофий номларнинг ўрисча талаффузда берилишида (Ганс, Вильгельм, Валдгейм ва ҳоказо), иккинчидан, айрим муҳим сифатлашлар, ўхшатишлар ва бошқа маъно нозикликларининг ўзбек тилида тикланмай қолганида (уларнинг айримлари ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик), учинчидан, мураккаб таркибли қўшма гапларнинг баъзилари талаб даражасида ўгирилмаганида кўринади. Таъкидлаш лозимки, эришилган ютуқлар олдида бундай йўқотишлар унчалик катта эмас. Деярли барча хатоликларни матнни иккинчи нашрга тайёрлаш пайтида тузатишга ҳаракат қилдик.



„Вертер“ романи ўзбек тилида 1975 йилда чоп этилган бўлса, у даврда ҳали Ғарбий Оврупо тилларидан бирорта асар тўлиғича бевосита таржима этилмаган, бу соҳада ўзбек таржимачилигида тажриба тўпланмаган эди. Бир сўз билан айтганда, агар ушбу соҳани очилмаган қўриқ деб ҳисобласак, „Вертер“ таржимасини шу қўриққа тушган биринчи омоч дейиш мумкин.

„Ёш Вертернинг изтироблари“ романи яратилгандан сўнг орадан 200 йил ўтиб, ўзбек тилига бевосита аслиятдан ўгирилиши, алоҳида китоб ҳолида нашр этилиши, бундай шарафли ҳамда масъулиятли ишнинг айнан менга насиб этиши – бу Худонинг менга кўрсатган иноятн бўлса керак. Гётедек даҳо қаламкашнинг бутун маҳорати юз очган „Вертер“ романини она тилимга ўгириш бахти менинг пешанамга ёзилганидан, бундай нозик вазифанинг уддасидан ҳар қалай, чиқа олганимдан беқиёс хурсандман ва бахтлиман. „Вертер“ романи яратилгани ҳамда илк бор чоп этилганига ҳам мана 240 йилдан ошди. У инсонлар қалби ва маънавиятини абадий бойитиб, жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири бўлиб қолаверади.

***Янглиш ЭГАМОВА***

Филология фанлари номзоди

Манба: Johann Wolfgang Goethe, Poetische Werke in drei Baenden, Romane, Aufbau-Verlag Berlin und Weimar, 1981.

**Гёте Иоганн Вольфганг**

**84(4Гер)**
**Г 44**

Ёш Вертернинг изтироблари [Матн]: /И. В. Гёте. таржимон Я.Эгамова. 2- нашри. – Т.: „O'qituvchi" НМИУ, 2018. – 160 б.

ISBN 978-9943-22-204-5

УЎК: 821.112.2
КБК: 84(4Гер)

# ЁШ ВЕРТЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

*Роман*

Иккинчи нашри

**Олмон тилидан**
**Янглиш Эгамова**
**таржимаси**

*„O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи*
*Тошкент – 2018*

Муҳаррир *М. Нишонбоева*
Бадиий муҳаррир *Б. Ибрагимов*
Техник муҳаррир *Н. Ниязмуҳамедова*
Мусаҳҳиҳлар: *М. Мирсаликов, М. Камолова*
Компьютерда саҳифаловчи *М. Салимова*

Нашриёт лицензияси AI №012. 20.07.2018. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 26.08.2018. Бичими 84×108 $^{1}/_{32}$. Кегли 11,5 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Офсет коғози. Шартли б. т. 8,40. Ҳисоб-нашриёт т. 7,02. Иккинчи завод 5000 нусха. Буюртма №7–18[a]

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 206, Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй. Шартнома № 192–18.



Иоганн Вольфганг Гёте
*1749–1832*

Жаҳон адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири, янги давр немис адабиётининг асосчиси Иоганн Вольфганг Гёте шоир ва драматург, адабиётшунос, ҳуқуқшунос ва шарқшунос, файласуф, табиатшунос ва давлат арбобидир. У «Ёш Вертернинг изтироблари», «Ғарб-у Шарқ девони», «Фауст» сингари боқий асарлар, шунингдек, уч мингдан зиёд шеърлар муаллифидир.

„O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи хилма-хил китоблар чоп этиш билан бирга, жаҳон адабиёти дурдоналарига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Эндиликда, мунтазам равишда, нашриётимиз томонидан чоп этилган ва чоп этилиши режалаштирилаётган дунёга машҳур асарларни эътиборингизга ҳавола қилиш мақсадидамиз. Китоб оламининг ҳар томонлама бойиб боришида таржима асарларининг ўрни, аҳамияти катта. Негаки, таржима асарларини ўқиган ҳар бир китобхоннинг дунёқараши, тасаввури бойиб, ўша халқнинг яшаш шароити, урф-одати, меҳнати, орзу-интилиши билан ошно бўладилар.

© „O'qituvchi" NMIU
100206, Toshkent sh.,
Yangishahar ko'chasi, 1,
Tel.: (+99871) 224-04-12,
E-mail: info@oqituvchi.uz,
Web-site: www. oqituvchi.uz

ISBN 978-9943-22-204-5